

338

218

338/1051

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Тошкент Молия институти

Э. Эгамбердиев
F. Кудратов

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ

Ўқув қўлланма

2032434



Тошкент-2004

338/045.8)

Оригинал аудио звукозаписи

Эгамбердиев Эркин, Кудратов Файрат. Корхона иқтисодиёти (Дарслик). Тошкент Молия институти – Т.:2004. 168-бет

«Корхона иқтисодиёти» ўқув кўлланмасида ҳозирги замон корхоналари фаолиятининг ташкилий ва иқтисодий асослари, уларнинг тузилиши, режалаштириш ишларини амалга ошириш тизими, корхона мулкини шаклланиши ва ундан фойдаланиш, меҳнат ҳаки тўловларини амалга ошириш тартиби, рақобат бозорида маҳсулот сифати, фойда ва уни тақсимланиши каби энг долзарб муаммолар баён этилади.

Китоб олий ўқув юртларининг талабалари ва ўқитувчилари, корхоналарнинг иқтисодчилари учун мўлжалланган.

Олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиуми томонидан нашр этишига тавсия қилинган.

Тақризчилар: ТМИнинг «Менежмент ва ҳуқуқ» кафедраси доценти Д.Собиржонова. ТДТУнинг «Иқтисодиётда ахборотлар тизими» кафедрасининг профессори А.Бокиев.

СҮЗ БОШИ

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий фаолиятнинг маркази бутун иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлган корхоналарга кўчмоқда. Худди шу бўғинда жамият учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва турли хилдаги зарурий хизматлар бажарилади. Одатда корхоналарда энг етук малакали кадрлар тўпланган бўлади.

Ресурслар сарфининг самарадорлиги, унумдор техника ва технологиялар қўллаш масалалари шу жойда хал этилади. Корхоналарда бизнес-режа тузиш, маркетингни қўллаш, ишлаб чиқаришга раҳбарлик – менеджмент ишлари амалга оширилади.

Буларнинг ҳаммаси тукур иқтисодий бизнис талаб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор талабларини яхши билган, корхоналаргина яшаб қолади ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади, ходимларнинг даромадини оширишга эришади. Кўйилган вазифаларни фақат корхона иқтисодиёти асосларини яхши билган ҳолдагина мувоффақиятли хал этиш мумкин. Зеро «Корхона иқтисодиёти» фани зарурияти ҳам шу муаммоларни ўрганишдан иборатдир.

«Иқтисодиёт» ибораси нимани англатади? П.Самауэльсон фикрича иқтисодиётнинг классик талқини шундаки, иқтисодиёт – маълум хилдаги, чекланган ресурслардан фойдали маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни турли гуруҳдаги кишилар ўртасида тақсимлаш учун жамият улардан қандай фойдаланиши кераклиги ҳақидаги фандир.

Жамият ҳаётидаги иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш даражалари ҳар хил бўлади. Одатда макродаражга ва микродаражалар ажратилади. Лекин улар ўртасида аниқ, қаттиқ чегаралар йўқ. Иқтисодиётнинг кўпгина қисмлари ва мавзулари умумийдир. «Корхона иқтисодиёти» фани «Бухгалтерия ҳисоби ва

хўжалик фаолиятининг таҳлили», «Саноат менеджменти», «Маркетинг», «Саноат статистикаси», «Корхона молиясини бошқариш» каби фанлар билан узвий алоқададир.

Ўқув қўлланмани тайёрлашдан асосий мақсад ҳозиргача бу фан бўйича ўзбек тилида маъруза матнлари ҳам, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам йўқ. Бу қўлланманинг хусусияти ва афзаллиги шундаки, бунда республикамизда турли хилдаги корхоналар, фирмалар ва тадбиркорлик субъектларини шаклланиши ва ривожланишининг хукуқий ва иқтисодий асосларига, бозор қонунлари, маркетинг илмининг талабларига таянган ҳолда назарий масалалар амалиёт билан боғланган.

І БОБ. КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Корхона иқтисодиёти фанининг моҳияти ва уни ўрганишнинг зарурияти, аҳамияти

Агар жамият ҳаёти ривожининг ҳал қилувчи соҳаси иқтисодиёт бўлса, бунда корхоналар иқтисодиёти муҳим ўрин тутади. Бунга сабаб, ҳал қилувчи дастлабки ишлаб чиқариш бўғинида моддий неъматлар яратилади ва турли хилдаги хизматлар бажарилади. Натижада кишиларнинг моддий ва маънавий талаблари қондирилиб жамиятнинг ривожи янти сифат даражасига кўтарилади.

Шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз обрў-эътиборини халқаро миқёсда кўтариш, чет эл инвестициясига кенг ўйл бериш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, корхоналар ўргасида рақобат муҳитини яратиш, якка хокимликни камайтириш борасида, мулкдорлар синфини яратиш, мулкка эгалик қилиш хиссими уйғотиш каби кўпгина соҳаларда катта ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Хукуматимиз томонидан кейинги йилларда қабул қилинган Конунлар, Қарор ва Фармонлар бунга яққол мисол бўла олади.

Республикамиз иқтисодиётини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, шу соҳадаги муаммоларни оқилона ҳал этиши – турли хилдаги фирмалар, корхона ва хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ресурсларни фойдалани мақсадларда оқилона тақсимлаш, улардан умумий фойдаланиш, иқтисодий жараёнлар, ходиса ва воқеаларнинг ўзгаришига баҳо бериш усуllibарни цуҳта ўрганиш бўйича билимлар талаб қиласи.

Республикамиз Президенти И.Каримов фикрича: «Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши даражасини баҳолаш»... бозор шароитига мос бўлиши керак, яъни эски услугуб ва мезонлар билан бутунги ривожланиш даражасини баҳолаш мутлақо мумкин эмаслигига алоҳида эътибор бериш лозим».

«Корхона иқтисодиёти» фани фирма ва корхона турлари, уларнинг тузилиши, таркиби, тармоқ хусусиятлари, корхоналарнинг бозор шароитидаги яшаш муҳити, амалиётта боғлиқ холда, ишлаб чиқариш тажрибаларини умумлаштирган холда капитал ва ундан фойдаланиш самарадорлиги ва уни баҳолаш, ишлаб чиқариш стратегиясини аниқлаш, янги маҳсулотларни яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи, барча турдаги ресурслардан фойдаланишда максимал даражадаги

* И.Каримов. Ватан саждаоҳ каби мұқаддасдир. Т.: «Ўзбекистон», 1996, 86-бет.

самарадорликни таъминлаб энг юқори фойдага эришиш йўллари ҳақида билимлар беради. **Унбу фанинг мөхияти ҳам шундадир.**

Маълумки, ишлаб чиқаришни барча элементлари – хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергетика ресурслари, меҳнат ресурслари (малакали кадрлар), техника ва технологияларга инсон меҳнати таъсир этмаса ҳаракатсиз ўз жойида қолади. Шунинг учун улардан фойдаланиб ишлаб чиқаришни ёки хизмат ишларини бажаришни ташкил этиш лозим бўлади. Меҳнат маҳсулдорлиги (самарадорлиги)ни – маълум шароитларда ишлаб чиқаришни бошқариш, режалаштириш, ташкил этиш даражаси хал этади.

Корхона иқтисодиётни фанини ўрганишда республикамиз иқтисодиётини ривожланшининг ҳозирги шарт-шароитлари, турли хил тармоқларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги, уларнинг хусусиятларига, корхоналарнинг мулк шакллари бўйича ажратилишига, мулкдан фойдаланишга бўлган муносабатларга катта аҳамият берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (53-модда): «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади» - деб ёзилган.

Айниқса, ҳозирги вақтда иқтисодий билимларсиз, фикр-мулоҳазаларсиз ҳеч бир раҳбар ёки тадбиркор хўжалик вазифаларини хал этиш бўйича асосли қарорлар қабул қила олмайди. Энг муҳим хўжалик вазифалари – бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унга раҳбарликни амалга оширишdir.

Энг юқори натижаларга эришиш мақсадида кўлланилаётган техника, технология ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, турига асосан ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш ҳамма нарсани хал қиласди. Корхона фаолиятининг пировард натижалари ҳам худди шунга ва мулкдан фойдаланишга бўлган муносабатларга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ресурсларидан маълум вақт мобайнида фойдаланишни йўлга қўйишнинг илмий асосланган тузимиmdir.

Бошқарув ишларининг муҳим қисми бу режалаштиришdir.

Режалаштириш – маълум вақт мобайнида меҳнат жамоасининг меҳнат натижалари, уларнинг ўсиш суръати ва нисбатини белгиловчи вазифаларни қабул қилиш бўйича ҳаракатлари мажмуасидир. Режа – корхоналарни техника ва технологияларини ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, маҳсулот турларини янгилаб бориш, такомиллаштириш, фойдани ошириш ва меҳнаткашлар жамоасининг ижтимоий аҳволини, яъни турмушини ва меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнат ҳақи тўловларини ошириш бўйича фаолиятини тартибга солади.

Фанин ўрганини объекти бўлиб, давлат ва нодавлат мулкига асосланган фирмалар, микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Уларни фаолият кўрсатиши ва ривож топишнинг, ҳукуқ ва мажбуриятларининг асоси бўлиб талаб, рақобат, пул ҳаракатининг тезлиги ва бошقا бозор қонунлари, иқтисодий қонунлар ва мулк шакллари хизмат қиласди.

Ушбу фан соҳасидаги билимлар барча иқтисодий фан соҳалари учун ҳам тааълуқлидир. Ундаги билимлар микроиқтисодиёт, бизнес ва тадбиркорлик, банк иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, статистика назарияси, корхоналар хўжалик фаолиятининг тахлиси, солиқ ва солиқка тортиш, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик молияси, инвестиция каби фан соҳаларини мукаммал эгаллаш учун замин яратади ва билимлар мутаносиблигини таъминлайди.

Корхона иқтисодиёти фанининг мақсади – моддий неъматлар қаерда, қандай шароитларда, кимлар томонидан, қандай технология, хом ашё ва материаллар иштироқида бунёд этилишини ва етказилиши кераклигини, максимал фойда олини ва уни қандай тақсимлаш зарурлигини ўргатишпайдир. Булар ҳаммаси корхона ва тармоқлар хусусиятидан келиб чиқади ва фанинг мөхиятини кўрсатади. Ушбу фанда саноат ёки иқтисодиётимизни бир бутун ягона хўжалик организми сифатида ривожланишини умумий қонуниятларини ҳисобга олини, юзага чиқарини зарур бўлади.

Масалан, қиймат қонуни маҳсулотни унга қилинган харажатларни ҳисобга олган баҳода сотилишини талаб этади. Хаётда кишилар товар қийматига эмас баҳосига дуч келадилар. Товар баҳоси товар қийматининг кўринишидир, қиймат қонунини амалда қўлланилишидир. Бундан баҳони шаклланиш механизмини яхши билиш, баҳодан иқтисодиётни бошқариша фойдаланиш зарурияти келиб чиқади. Менгнат унумдорлигини ошириб бориш қонунини бузулиши эса муомалада «ортиқча пулларни» келтириб чиқаради, пул муомаласи (харакати) бузилади, маҳсулот камёблиги пайдо бўлиб, талаб қондирилмай қолади. Демак, иқтисодиётнинг ҳар қандай бўгинларида иқтисодий қонунлар ва бозор қонунлари талабига риоя қилиш лозим бўлади.

Шундай қилиб, иқтисодий фаолият молияни вужудга келтиради.

Молия – бу иқтисодий категория бўлиб, хўжаликнинг барча соҳаларида пул муносабатларини хосил қилиш, уларни тақсимлаш ва ишлатиши жараёнидаги иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Мазкур жараёнда иқтисодий фаолият устивор аҳамиятга эга, яъни у пул бўлишини талаб қиласди. Бунинг учун товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат ишларини бажаришни йўлга кўйиш, ривожлантириш зарурдир. Товарлар ва хизматлар

таҳсимлангандан сўнг истеъмол қилинади ҳамда қиймат шаклида турли хил мақсадларни мўлжаллаган пул ресурслари хосил бўлади, шунингдек бу пул товарларга айирбощланади, пировардида истеъмол қондирилади. Товар ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат куроллари қийматини ифодаловчи йиллик амартизацияя маблаглари, йигилиб боради ва молиявий ресурсга айланади.

Пул ресурслари — молиявий муносабатларнинг объектидир. Шунинг учун ушбу корхона иқтисодиёти фанининг бошқа ижтимоий-иктисодий фан соҳаларида тутган ўрни ва аҳамияти беъзиёсdir. Уни ўрганиш эса объектив заруриятdir.

1.2. Фанинг вазифалари ва уни ўрганиши усуслари

Корхона иқтисодиёти фанинг вазифалари ижтимоий-иктисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг объектив шароитлари ва ҳукуматимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари билан белгиланади. Улардан энг муҳимлари қўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатининг моҳияти ва мақсадини тушунган ҳолда саноат тармоқлари ҳамда унинг корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ҳолатини ва ривожланини хусусиятларини таҳлил этиш, унинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш;

- барча турдаги корхоналарда ишлаб чиқаришни бошқариш ва режалаштиришнинг илмий ва амалий асосларини аниқлаш, бошқариш усусларини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётининг ижтимоий-иктисодий аҳамияти ва моҳиятини таҳлил қилиш, техника ва технологияни ривожлантириш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усусларини ўрганиш;

- саноат қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этишининг шакллари даражасини ифода этувчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришни худудлар бўйича жойлаштириш принципларини (тамоилларини) ўрганиш;

- ресурслардан фойдаланиш даражасини аниқлаш, уни ошириш, яхшилаш йўлларини, усусларини кўрсатиш;

- меҳнат унумдорлигини ошириб бориш ва меҳнат ҳақи тўловларини ташкил этиш асослари ҳақида маълумот беришдан иборат;

- ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш асосида юқори натижаларга эришини йўлларини ўрганиш. Масалан, маҳсулот ҳажмини, даромад ва фойда миқдорини ошириш ва х.к.лар.

- келажакда иқтисодиётнинг турли хил соҳаларидаги ишлаб чиқариш ва хизмат ишларида фаолият кўрсатувчи ходимларни, мутахассисларни корхона иқтисодиёти билиmlари билан қуроллантиришдан иборат.

Фанни ўрганиш услуби (методологияси) деганда, уни ўрганиш фаолигитининг шакллари, усуллари ва уларнинг боғлиқлиги тушунилади. Ушбу фан бўйича масалани ўртага қўйиш, тадқиқот мавзуини ва илмий назарияни шакллантириш, шунингдек аниқланган натижани ҳақиқийлиги, яъни ўрганилаётган объектга мувофиқлиги жихатидан текшириш методологияни қўллашнинг энг муҳим томони ҳисобланади. Иккисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш услуби – тадқиқот ёки билим, англаш йўли, воқеликни амалий ёки назарий ўзлаштириш усуллари йигинидисидир.

Корхоналар иккисодиёти фанининг назарий ва услубий асосини иккисодий назария, тарихий материализмнинг диалектик усуллари ташкил этади.

Ишлаб чиқаришнинг барча муаммолари ана шу усуллар ёрдамида ўрганилади.

Ҳар қандай фанга ўхшаш иккисодиёт ҳам ўзи ўрганадиган қонун ва қонуниятларни аниқлаш учун маълум хил усуллардан фойдаланади.

Ҳақиқий ҳаётимиз катта миқдордаги хилма-хил ҳодиса ва жараёнлардан ташкил топган. Масалан, ҳар бир кишининг бўйининг узунлиги, сочининг ранги, оғирлиги, кўз тузилиши, унинг ранги, турли хил нарсаларга қизиқиши, товарларни истеъмол қилишдаги таъби, диди, даромадининг даражаси бор. Лекин бу хусусиятлар ҳар кимда ҳар хил.

Агар супер маркет магазинига кирган кишиларнинг хатти-ҳаракатини ўрганадиган бўлсак, у ҳолда бизга унинг хусусиятларини кераги бўлмайди, бизни ҳақиқатда шу кишилар қайси товардан қанча миқдорда ҳарид қилишлари мумкинлиги қизиқтиради. Масалан, бошқа мисолни олсак, фирманинг бозордаги хатти-ҳаракатини ўрганадиган бўлсак, у ҳолда бош менеджернинг оила аъзолари ёки уни ишга қандай машинада бориши бизни қизиқтирумайди. Биз учун энг муҳими - шу фирма (ёки корхона) қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаради, бунда у қанча ҳаражат қиласи ва натижада қанча даромад олади деган масаладир.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиласидиган бўлсак, биз ўрганмоқчи бўлган ҳодисаларни тасодифий ва вақтнинчалик ва ҳозирча аҳамияти бўлмаган хусусиятлардан (омиллардан) тозаладик, уларни ҳисобга олмадик. Масаланинг моҳиятини ифодаловчи жараёнларни умумлаштириб, тартиба солдик. Бундай ўрганиш усулини **илмий абстракция усули деб аталади.** Шу усул ёрдамида юзага чиқарилган қонуниятларни амалиётда қўллаш, чунки улар фақат бир кишини ёки фирманинг хатти-ҳаракатини эмас, балки аниқ бир шароитдаги ҳар қандай субъектларнинг хатти-ҳаракатини кўрсатади. Бундай хатти-ҳаракатларни турлича вақтларда (кун, ой, йил) кузатиш ва турлича натижалар олиш мумкин. Бунда статистик усуллардан, динамик қаторларни таҳлил

қилиши усулларидан фойдаланган бўламиз. Бундай усулда олинган ахборотлар вақт омилини ифода этади.

Иқтисодиётда анализ ва синтез усуллари кенг ишлатилади.
Анализ (тахлил) усулида ўрганиладиган объектни бўлакларга бўлиб, алоҳида-алоҳида ўрганилса, синтез усулида улар ҳақидаги ахборотларни умумлаштириб, умумий хуносалар қиласиз.

Ходисаларни тахлил қилишда позитив ва норматив таҳлил усуллари ҳам ишлатилади.

Позитив ёндошув воқеаларни реал ҳолатини ифода этади.

Норматив усулда ёйилганда - у ёки бу жараёнга баҳо берилади.

Масалан, метрополитенда юриш баҳоси кейинги икки йилда 50 сўмдан 150 сўмга онди десак - бу позитив ёндошув. Агар биз мётрополитенда юриш баҳосини 50 сўмдан 150 сўмга кўнайишни, кишилар даромадини камайтириб турмуш тарзини пасайтиради десак, бу норматив ёндошув **хисобланади**.

Турли хил иқтисодий жараёнларни боғлиқлигини юзага чиқариш учун функционал таҳлил усули ишлатилади. Масалан, корхона маҳсулотининг баҳосини бозорда тушиб кетишини, унинг даромадига, ҳаражатларини қоплашига, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақларини тўпллашига қандай таъсир этади. Корхона ўз ҳаражатларини қандай қоплайди, деган саволларга жавоб топилади.

Иқтисодий моделлаштириши усулини ишлатиш ҳар қандай фикрларни, чизмаларни, жадвалларни ва шунингдек, жараёнларни математик тарзда ифодалаш имкониятини беради.

Булардан ташқари индукция ва дедукция, оптималлаштириш каби усуллар ҳам ишлатилади.

Индукция усулида далиллардан, ҳақиқий маълумотлардан назария томон ҳаракат қилинади.

Дедукция (гепотетик) усулида аввал назария яратилиб, улар амалиётда синаб кўрилади.

Назорат саволлари

1. Иқтисодий фаолият нима?
2. Корхона иқтисодиёти фанининг мақсади ва вазифалари.
3. Жамият аъзолари талабини қондириш йўллари.
4. Фани ўрганиши усуллари ва уларнинг кўлланилиши.

П БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА КОРХОНАЛАР

2.1. Меҳнат тақсимоти ва корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари

Меҳнат тақсимоти ва меҳнат унумдорлигини ошириш қонунини биринчи марта инглиз классик иқтисодчisi Адам Смит очган. Унинг назарий хуносалари товар, пул, иш ҳаки, фойда, капитал ва бошқалар ҳақидаги ҳозирги замон концепциясининг асосида туради. Адам Смит кишиларнинг иқтисодий фаоллигини рабатлантирувчи асосий нарса «табиий тарзда» меҳнат тақсимоти жараёнида амалга ошириш мумкин бўлган шахсий манфаатдорлик деб ҳисоблаган, шунинг учун жамиятни гуллаб-яшнаши учун рақобат эркинлиги, капитални, пулни ва кишиларни эркин ҳаракати зарур, деб кўрсатган.

Корхона иқтисодиёти илмини әгаллашда энг аввал меҳнат тақсимоти ва уни шакилланиши масаласига аҳамият бериш лозим бўлади. Шунинг учун халқ ҳўжалиги ёки бутун мамлакатимиз иқтисодиёти таркибида янги тармоқлар, корхоналар ва уларни кейинчалик алоҳида ишлаб чиқаришларга бўлинниб кетиши меҳнат тақсимоти таъсирида рўй беради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти миқёсида жаъми меҳнат ёки ижтимоий меҳнат тақсимоти турлича шаклларда бўлади:

1. Умумий.

2. Хусусий.

3. Бирламчи меҳнат тақсимоти.

Умумий меҳнат тақсимоти - Ўзбекистон халқ ҳўжалигини ирик соҳаларга бўлиннишида кўринади. Масалан, саноат, қиплок ҳўжалиги, капитал қурилиши, транспорт, савдо, алоқа, фан ва бошқалар.

Хусусий меҳнат тақсимоти - халқ ҳўжалигининг ҳар бир соҳасини мустақил тармоқларга бўлиннишида ифодаланади. Масалан, саноат таркибида – озиқ-овқат, енгил саноат, машинасозлик, металлургия, қурилиш материаллари ва бошқа тармоқлар.

Бирламчи меҳнат тақсимоти – корхона иҷидаги меҳнат тақсимотини ифодалайди, яъни корхонани цех ва ишлаб чиқариш участкаларига бўлиннишида кўринади.

Хусусий ва бирламчи меҳнат тақсимоти таъсирида, масалан, саноат таркибида мутассил равишда янги тармоқлар, ишлаб чиқаришлар пайдо бўлиб боради. Бундай ўзгаришлар бозор қонунларига бўйсунади. Саноат таркиби бўйича 16 ирик тармоқ комплексларига ажратилади:

I-гр. Электорэнергетика.

II-гр. Ёқилғи саноати.

III-гр. Қора металлургия.

IV-гр. Рангли металлургия.

V-гр. Кимё ва нефткимё саноати.

VI-гр. Машинасозлик ва метални қайта ишләши.

VII-гр. Ўрмон, ёғочни қайта ишләши ва цементлөз қороз саноати.

VII-гр. Қурилиш материаллари саноати.

IX-гр. Ойна ва чинни-сопол буюмлари ишлаб чиқариш саноати.

X-гр. Енгил саноат.

XI-гр. Озиқ-овқат саноати.

XII-гр. Микробиология саноати.

XIII-гр. Ун-крупа ва омухта-ем ишлаб чиқариш.

XVI-гр. Медицина саноати.

XV-гр. Полиграфия саноати.

XVI-гр. Бошқа саноат ишлаб чиқаришлари (рассомчилик буюмлари, мусиқа асбобларини ишлаб чиқариш, заргарлик саноати, кимёгарлик ва бўяш, ветеринарлар учун доривор пренаратларни ишлаб чиқариш, ўйингчоқлар (резинадан бошқа), тўлиқ системадаги сув қувурлари ва бошқа саноат ишлаб чиқаришлари – протез буюмлари ишлаб чиқариш, чизмачилик ва концелярия учун буюмлар, кўргазмали қўлланмалар ва бошқа рўзгор, хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш. Барча тармоқ ва корхоналар ўртасида узвий ишлаб чиқариш алоқадорлиги, боғлиқлиги мавжуддир. Ҳар бир корхона мулк шаклидан қатий назар юқорида кўрсатилган тармоқ комплекслари ўз наъбатида алоҳида ихтинослашган тармоқларга ва улар эса ишлаб чиқаришларга бўлинади. Масалан, машинасозлик 45 та, қурилиш материаллари саноати комплекси эса 7 та ихтинослашган тармоқлардан иборат. Ўз хўжалик фаолиятини режалаштириш ва стратегиясини аниқлашда ана шу боғлиқликни ва ҳар бир тармоқ корхонасининг ўзига хос хусусиятларини албатта ҳисобга олиши зарур. Акс холда ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкил этишда бир қанча муаммолар пайдо бўлади ва пировард натижалар яхши бўлиб чиқмайди.

Барча турдаги корхона ва фирмалар, тармоқлар ўзларининг қуидаги хусусиятларига эгадирлар:

1. Ишлаб чиқарадиган маҳсулоти ёки хизмат ишларининг иқтисодий йўналиши. Бошқача қилиб айтсан яратиладиган маҳсулот қаерда ва қандай мақсадларда ишлатилади.

2. Ишлаб чиқариш техника ва технологияси.

3. Ишлатиладиган ҳом ашё ва материаллари.

4. Меҳнат шароитлари.

5. Кадрларнинг таркиби, касби.

Бу белгилар бир хил бўлса корхоналар ўхшаш корхона ҳисобланади ва аксинча белгиларнинг ҳар ҳиллиги билан корхоналар, фирмалар ва тармоқлар бир бирларидан ажратилади.

Корхона ва тармоқ хусусиятларини яхши билиш муҳим иқтисодий аҳамиятга эга...

2.2. Корхона ва фирмалар тавсифи ва уларни турларга ажратилиши

Иқтисодий фаолиятнинг хиллари - бу истеъмол ва ишлаб чиқаришдир. Одатда ишлаб чиқаришнинг фойдали, қимматга эга бўлган натижалари истеъмол қилинади. Бундай неъматлар фойдали, рационал хатти-ҳаракатлар маҳсулидир. Ўз наебатида нималарни истеъмол қилиш зарурлигини ишлаб чиқариш ҳал этади. Нимани истеъмол қилиш зарур бўлса ўшандай неъматлар ишлаб чиқарилади. Бундай иқтисодий вазифалар уй хўжаликлари, корхоналар ва фирмалар даражасида талаб ва таклиф, рақобат каби бозор қонунлари ва ресурсларнинг фойдали тақсимланиши асосида бажарилади.

Бозор иқтисодиётida корхона ишлаб чиқариш объектидир, яъни тадбиркорлик фаолияти учун ишлатиладиган мулкчилик мажмуасидир. Корхона -тадбиркорлик обьекти; ҳалқ хўжалигининг энг қуий ёки дастлабки ҳал қўлиувчи ишлаб чиқариш бўғинидир. **Корхона - меҳнаткашлар жамоаси мулкидан фойдаланиши асосида маҳсулот ишлаб чиқариб, уни истеъмолчига сотадиган ёки саноат ҳарактеридаги турли хизмат ишларини бажарадиган юридик шахс ҳукуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъектидир.**

Корхона ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш мақсадларида қимматли қоғозлар чиқариш ҳамда сотиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларнинг қўшимча пул маблағларини жалб этиш ҳукуқига ҳам эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан (1995 йил 21 декабрь №163-1; 1996 йил 29 август №256-1) тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси»нинг 39-моддасига биноан “Юридик шахс тушунчаси”га куйидагича таъриф берилган:

«Ўз мулкидан, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади».

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Корхона тўғрисидаги бундай тушунча қуйидагиларни таъминлайди:

- кредиторлар талабини қондириш кафолатланади.
- таъсисчиларнинг тадбиркорликдаги таваккалчилигини камайтиришини таъминлайди. Чунки хўжалик обороти

иштирокчилари олдида таъсис эттнлар эмас, балки шу корхона жавоб беради;

- корхонада барча ишлаб чиқариш омиллари - меҳнат, капитал, хом ашё - материаллар бирлашади;

- товарлар ишлаб чиқарилади ва хизмат ишлари бажарилади;

- уни таъсис эттнларнинг мақсадга эришиши таъминланади.

Корхонанинг иқтисодий мөҳиятини қўйидаги 1-чизмадан кўриш мумкин.

Саноат таркибидаги турли хил корхоналарга қўйидаги белгиларнинг умумийлиги, ягоналиги хос бўлади (1-чизма).

1-чизма.

Корхоналарнинг иқтисодий мөҳияти.



1. Корхонанинг ишлаб чиқариш-техник жиҳатдан ягоналиги;
2. Ташкилий - иқтисодий жиҳатдан ягоналиги;
3. Ўз мулкига, хўжалигига мустақил эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи, жавобгарлиги.

Корхоналар қонун билан ман этилмаган ва ўз уставида кўрсатилган турли хилдаги хўжалик фаолияти ишларини амалга оширади. Бу ерда кўриниб турибдики биринчи ўринга корхонанинг мустақиллиги чиқади. Корхона мустақиллиги нималарда кўринади? Корхонага ўз мулкидан фойдаланиш ҳукуқи берилган. У мустақил равишда ходимларни ишга олиши, уларга иш ҳақи тўлаши, ўз фаолиятини режалаштириши, ресурслардан фойдаланиш бўйича фойдани тақсимлаши, ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириши каби масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди.

Корхонанинг ўз фаолиятидаги эркинлиги, мустақиллиги - бу унинг жамият, давлат, ўз жамоаси, шериклари, истеъмолчилари ва хом ашё етказиб берувчилари олдидағи онгли равишдаги масулияти, жавобгарлигидир.

Корхона жавобгарлиги қонуний ва меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган. Демак, ҳаридорлар ҳам ишлаб чиқарувчилар ҳам, хом ашё сотувчилар ҳам ўз фаолиятларида эркиндирлар. Шундай экан, нима учун иқтисодиёт бетартиб ривожланиб кетмайди деган савол туғилади. Бунга сабаб бозор қонунларини амал қилишидир: талаб ва тақлиф қонуни, рақобат, пул муомаласи, товарларнинг қиммати, фойдалилиги ва бошқалар.

Корхона устав асосида иш олиб боради. Уставни корхонани таъсис этувчи (ёки таъсис этувчилар) тасдиқлади. **Корхона уставида қўйидагилар белтилаб қўйилади:** корхонанинг номи, унинг қаерда жойлашганлости, фаолият тури ва мақсадлари унинг назорат органлари, уларнинг ваколати, корхона мол-мулкини ташкил этиши ва фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби, корхонани қайтадан ташкил этиши ва унинг фаолиятини тўхтатиш шартлари.

Корхона паспорти - бу корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари, ресурслари ва ундан фойдаланиш даражаси, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, корхонанинг умумий техник - иқтисодий кўрсаткичларини ифода этувчи ҳужжатdir. Корхона паспорти ҳақида маҳсус қўлланма ҳам бўлиши зарур. Қўлланма корхона паспортини тузиш учун кўрсатмалар беради.

Техник - иқтисодий ҳисоблаш ишларини олиб бориш учун фақат паспортдаги ахборатлар кифоя қилмайди, балки улар билан боғлиқ бўлган норма ва нормативлар, йиллик ҳисобот маълумотлари, баҳони белгилаш, бизнес-режа маълумотлари ҳам зарур бўлади.

Паспорт маълумотлари ёрдамида ишлаб чиқаришнинг муҳим холатлари, йўқотилган имкониятлар, қувватнинг етишмаслиги кабиларни ҳисобга олинади ва юзага чиқарилади. Бозор иқтисодиёти қонунининг талаблари эса бундай ҳужжатни корхонада бўлишини объективиз зарурият қилиб қўяди.

Корхона турлари

Мулк шаклларининг янгилашишига яраша турли хилдаги корхоналар ташкил топди. **I. Мулк шаклларига кўра корхоналар қуидаги турларга бўлинади:**

1-жадвал

Мулк шакллари бўйича корхона турлари

Мулк шакллари	Корхона турлари
Фуқаролар мулки асосида	Оилавий ва якка тартибдаги корхоналар
Жамоа мулки асосида	Жамоа корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари, акционерлик жамиятлари, чекланган жавобгарликка эга бўлган жамиятлар, ўртоқлик хўжаликлари, ижтимоий ташкилот корхоналари ва диний ташкилот корхоналари.
Давлат мулки асосида	Давлат корхоналари, давлат коммунал хўжалик корхоналари.
Ташкил тувчилиарнинг мулкини бирлаши асосида	Кўшма корхоналар.
Мулк шаклидан қатъий назар	Кичик корхоналар ва ижара корхоналари.

Кўрсатилган мулк шакллари асосида Ўзбекистонда уч турдаги бизнес амал қиласди:

- якка тартибдаги хусусий корхоналар;
- ўртоқчиллик уюшмаси;
- корпорациялар, акционерлик жамиятлари; (бунда акция ёгалари ўз хиссаларини истаган вақтда очиқ бозорда сотишлари ёки сотиб олишлари мумкин).

II. Мулка кўшган ҳиссасига кўра: унитар корхона ва командит ширкат хўжалиги ажратилиди.

Унитар корхона.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида кўрсатилишича:

Унитар корхона* - бу ўзига биринтириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тизкоратчи ташкилотдир.

“Унитар” - лотин тилидан олинган бўлиб, бирлик (рус тилида единство) деган маънони беради.

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва унга қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона

* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи кисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. Тошкент-1997, 70,71,72 мoddалар; 199 – 201-бетлар.

ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас. Унитар шаклда фақат давлат ва муниципиал корхоналари тузилиши мумкин. Масалан, газни қайта ишловчи «Муборакнефтгаз» унитар корхонаси.

Командит ширкат

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ ширкатлар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган, ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир нечта иштирокчи (ҳисса қўшувчи, командитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат командит ширкат ҳисобланади.

Қонун асосида тадбиркорликни ташкил этишининг идеал шакллари йўқ, ҳар бир кўрсатилган шаклдагилар ўзларининг авзалликлари ва камчиликларига эга. Шунинг учун эндигина иш бошловчи тадбиркорлар қайси шаклини таълами турли хил шарт шароитларга боғлиқ бўлади.

Корхоналар йириклиги бўйича: йирик, ўртача, майда корхоналарга ажратилади. Уларнинг йириклигини аниқлашда қўйидаги кўрсаткичлар ишлатилади:

- а) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;
- б) ишчи ва хизматчиларнинг сони;
- в) йиллик маҳсулотлар ҳажми.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан кичик ва ўрта бизнес эгалари қўйидаги гуруҳларга ажратилади:

- якка тадбиркорлик, микрофирма, кичик корхона, ўртача корхона, дехкон хўжалиги, фермер хўжалиги.

- якка тартибдаги тадбиркорлик юридик шахс ташкилисиз ва ишчи ёллаш ҳуқуқига эга бўлмаган, қўлида хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги хақида гувоҳномаси бор бўлган жисмоний шахсdir.

- микрофирма - мулк шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш тармоқларида ўртача 20-кишигача; ва бошқа соҳаларида 5 кишидаги 10 кишигача ходими бўлган корхоналарdir.

- кичик корхона - енгил, озиқ-овқат саноати, металга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёючни қайта ишлаш, либел саноати ва қурилиши материаллари, саноатида йилига ўртача 100 кишигача ходими бўлган; фан, илмий соҳада, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси,



савдо ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларида 25 кишигача ходими бўлган корхоналардир.

- **Деҳқон хўжалиги** ўз фаолиятини юридик шахс сифатида амалга оширувчи ва оила бошлиғига умрбод мерос қилиб берилган ўз томорқасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оиласвий майда товар ишлаб чиқарувчи хўжаликдир.

- **Фермер хўжалиги** фермер хўжаликлари аъзоларининг фаолиятига асосланган, унга узоқ муддатта фойдаланиш учун ижарага берилган ер томорқаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни амалга оширадиган, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъектидир.

III. Ишлаб чиқаришнинг типлари бўйича: оммовий типдаги, серия тинидаги ва якка буюртма асосида ишлайдиган корхоналар ажратилади.

IV. Ихтисослаштириши даражаси бўйича: корхоналар ихтисослаштирилган ва ихтисослаштирилмаган, универсал ва аралаш корхоналарга бўлинади. Ихтисослаштириши – бу бир хил турдаги ёки технологик жиҳатдан ўхшаш, яқин бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришdir.

V. Маҳсулот танинчидаги ҳаражатларнинг саломогига қараб корхоналар:

- а) хом-ашё материалларни кўп истеъмол қиладиган;
- б) асосий фондлар билан кўпроқ қуролланган;
- в) электр энергияни кўп истеъмол қиладиган;
- г) меҳнат сарфини кўп талаб қиладиган турларга ажратилади;

VI. Техника тараққиётининг даражаси бўйича: автоматлаштирилган ва автоматлаштирилмаган, комплекс механизациялаштирилган ва қисман механизациялаштирилган корхоналар ажратилади.

VII. Йил давомида ишлани вақтига кўра: узлусиз (бир йил, ой, сутка) тўлиқ ишлайдиган, иш режими асосида ишлайдиган ва мавсумий ишлайдиган корхоналар ажратилади.

VIII. Ишлаб чиқариш технологияси ва жараёнларининг хусусиятлари бўйича:

- механик жараёнлар кўпроқ ўрин эгаллаган;
- кимёвий жараёнлар кўпроқ ўрин эгаллаган корхоналар.

IX. Маҳсулотининг иктиносидий йўналиши бўйича:

- ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи;
- истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш корхоналари.

X. Меҳнат қуролларини меҳнат буюмларига таъсир этиши хусусияти бўйича:

- қазиб чиқариш саноати корхоналари;
- кайта ишлаш саноати корхоналарига ажратилади.

Бозорга ўтиши даврида корхона ва фирмаларнинг асосий вазифаси - бозор талабини қондирадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва максимал фойда олишdir.

Корхоналар ихтиёрий равишда ўз мустақиллигини, юридик шахс мақомини сақлаб қолтап ҳолда турли хил бирлашмаларга киришилари мумкин. Масалан, концерн, ҳолдинг компаниялари, акционерлик уюшмалари, тармоқ ва худудий бирлашмалари таркибида бўладилар. Масалан, «Ўзбекентилсаноат», «ДАҚ» компанияси, 22 та корхонада 235 ҳилдаги ҳалк истеъмол маҳсулоти турларини ишлаб чиқаради, «Ўзбекчармпоябз» уюшмаси 18 та корхонадан иборат бўлиб, 331 хил маҳсулот ишлаб чиқаради, «Ўзбекипаги» уюшмаси 4 та корхонадан иборат бўлиб, 685 ҳилдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради, булардан ташқари «Файзхолдинг» компанияси, «Ер-мой тамаки саноати», «Ўзбек гўшт-сут саноати», «Ўзбекмевасабзавотсаноат-холдинг», «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув акционерлик компанияси», «Ўзпахтасаноат», худудий акциядорлик бирлашмаси ва бошқалар. 2003 йили республикамиизда 4,5 минг акционер жамиятлари бор эди.

Ўзбекистонда концернлар 1992й ўрталаридан бошлаб ташкил этила бошланди. Улар масалан, «Узбекнефтгаз», «Узсувлерилиш», «Узқурилишматериаллари», «Узозик-овқат саноати» концернлари. 1993 йилдан концернлар корпарацияларга айланба бошланди. Улардан бири - Тошкент-Давлат Қурилиш Корпорацияси ("Тошкент қурилиш").

Концернга мисол сифатида АҚШнинг "Дженерол маторс" бирлашмасини кўрсатишмиз мумкин. Бу концерн АҚШнинг 126 та, Канадада 13-та автомобил заводларини ва шунингдек 36 мамлакатда ишлаб чиқариш ва сотув марказларини ташкил этган. Унинг маҳсулоти 15-та фирмалар орқали реализация қилинади.

Конгломерат - ўз фаолияти юзасидан боғлиқ бўлмаган кўпгина компанияларни бирлашиб кетиши асосида ташкил топадиган концернлар. Конгломерат ўз фойдасини кўпини ишлаб чиқариш соҳасидан эмас, балки қимматли қофзлар ишлаб чиқариш йўли билан топади. Бундай ҳолат уларни масалан, инвестиция фондлари билан яқинлаштиради. Конгломерат одатдаги концерндан фарқ қиласан ҳолда ишлаб чиқариши кўпроқ диверсификация қилиш кўлами ва молиявий операциялар билан шугуфланади.

Холдинг компанияси - бу корхоналарни бирлаштириш эмас балки ўз молия фондларини, капиталларини бирлашишидир. Унинг фарқ қилувчи томони шундаки, у бошқа "шуъба" компанияларни акциялар пакетини сотиб оладилар, акционерлар капиталларига эгалик қилиб, уларнинг ҳар қандай фаолиятига аралашишлари мумкин. Холдинг - алоҳида корхоналар кучи етмаган молиявий ресурсларни бирлаштириш усулларига эгадир...

Акциялар пакетини қўлга киритиши туфайли **холдинг-компания**, бошқача қилиб айтсан - корпорация уларга боғлиқ бўлиб қолган фирмаларга:

-раҳбарлик қилади;

* Рынок ценных бумаг. №5, 2003 г. стр. 6.

-молиявий ёрдам кўрсатади;
-инвестициялар стратегиясини белгилайди;
-бош, етакчи жамиятнинг мақсад ва вазифаларига қараб уларни ривожланиши йўналишларини кўрсатади.

Холдинг компаниянинг бошқа фирмаларнинг акционерлик капиталида иштирок этиши уларни ўзларининг қимматли қоғозларини сотиб олишига мажбур қиласди. Шундай қилиб боғланниб қолган фирма асосий бўлган холдинг компаниянинг, яъни корпорациянинг акционерлик капиталининг иштирокчисига айланниб қолади. Ундан кейинги бошқа кичик корхоналар, компаниялар ҳам етакчи, бошчи (“она”) бўлган компаниянинг акцияларини сотиб олишга мажбур бўладилар.

Демак, бундай компаниялар (“она”, “бала”, “навара”, “авара”) йигиндиси корпарация деб юритилади.

Ўзбекистонда бир неча 10 йиллар давомида бутун Марказий Осиё региони учун қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб берувчи корхоналар яратилган эди. Улар ҳозирги вақтда «Ўзсельхозмашхолдинг» компанияси таркибига кириб қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, уни истеъмолчига етказиш ва шунингдек барча эксплуатация қилиш мобайнида унга тўлиқ хизмат қилиш каби бир қанча масалаларни ҳал этадиган бўлди. Булар йирик акционерлик жамияти бўлган «Тошкент трактор заводи», «Ўзбексельмаш», «Чирчиқсельмаш», «Ўзагромашсервис асоцияси» (аввалги «Ўзсельхозтехника»). «Тошкент трактор заводи» лизинг бўйича 8 хил модификациядаги тракторларни етказиб беради. «Ўзбексельмаш» сенжаллар ва ем-кашак йигувчи техникани, «Чирчиқсельмаш» эса плуглар, чизел машинаси, пахта кўсагини терувчи машинасини ва бошқа хил маҳсулотларни ишлаб чиқаради, уларнинг жами 20 хил.

Улар ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқариб аввалги даражасига аста-секин чиқмоқда.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш ва унга сервис хизматларини бажариш ишларининг ҳаммаси «Ўзсельхозмашхолдинг» иктиёрига ўтказилди. Бундай қарорни қабул қилининшига хорижий ишлаб чиқарувчи фирмалар ва диллер хизмат кўрсатишидаги дунё амалиёти тажрибалари асос бўлади.

1996 йилдан бошлаб тармоқда тузилган регионал техник марказлар қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқарувчилар учун тўлиқ ҳажмда техникавий сервис ишларини бажарадиган бўлдилар. Уларнинг таъсисчилари бўлиб корхоналар ва холдинг – компаниянинг ўзи ҳисобланади.

Республикамизда 2003 йили 13 та регионал марказлар ишлаб турган. Улар таркибига 98 та бўлимлар ва фирмаларга хизмат кўрсатиш учун 20 та майда улгуржи дўконлар киради.

Агар 1996 й. Ўзбекистон аграрчиларига 39 млн. сўмлик маҳсулот сотилиб, техникавий сервис хизмати кўрсатилган бўлса, 2001 иили 5,4 млрд. сўмлик шундай ишлар бажарилди. Техникавий марказлар ҳозирги вақтда ўз истеъмолчилари учун таклиф этадиган хизмат турлари ниҳоятда кўпайиб кетган...*

Масалан, “Агромашхолдинг” таркибига Россия, Украина ва Козоғистондаги корхоналар киради; уларда 22 минг киши меҳнат қиласида.

“Агромашхолдинг” очиқ хиссадорлик жамияти 5 та машинасозлик корхоналарини, бирлаштиради. Булар: “Красноярск комбайнлар заводининг ишлаб чиқариш бирлашмаси” бўлган ОҲЖ, “Назаров машинасозлик заводи” ОҲЖ, “Алтайдизель” ОҲЖ, Кустанай дизел заводи. Холдингнинг филиаллари шохобчаси мустақил давлатлар ҳамдўстлиги саноати ривожланган асосий районларини қамраб олган. “Агромашхолдинг” ОҲЖ бутун ҳамдўстлик мамлакатларида 35 тадан кўп сервис Марказларини ташкил этган.

Сервис марказлари қишлоқ хўжалик техникасини эҳтиёт қисмлар билан таъминлайди. Кафолатли таъмирилаш ишларини амалга оширади, механизаторлар ва хизматдаги ходимларни ўқитадилар, ва шунингдек техникаларни 5 йил муддат билан лизингга топширадилар.

Барча ишлаб чиқариладиган комбайнларнинг умумий хажмида холдингнинг мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларига сотадиган маҳсулот салмоғи 45 фоизни ташкил этди. “Агромашхолдинг” ОҲЖнинг 2003 йилдаги сотган маҳсулотиҳажми 240 млн. АҚШ долларини ташкил этди. (“Бизнесвестник Востока” 20 ноябр 2003 й. N47. с. 8)

Яқин йилларда “Агромашхолдинг” ОҲЖ Ўзбекистонда ўзининг сервис-марказини очиши режалаштирган.

Холдинг компанияси дон йигувчи “Енисей-950”, “Енисей 1200-1 НМ” (Красноярскада ишлаб чиқарилади) шоли йигувчи “Енисей 1200 РМ” комбайнларини ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон дехконлари учун эса “ВТ-100” ва “ВТ-150” дизелли тракторларни янги авлодини таклиф этмоқда.

Корпарация (акционерлик жамияти) – акция, облигациялар чиқариш йўли билан кўшина хусусий капиталларни бирлаштириш натижасида капитал яратадиган корхоналарни ташкил этиш шаклидир. Ҳар бир фуқаро учун қандай ҳукуқлар берилган бўлса, корпарациялар ҳам шундай ҳукуқлар берилган юридик шахсdir. Улар ўз мулкига әгалик қилиш ҳукуқи, ссуда олиш, мулкни гаровга қўйиш ва уни тугатиш, судга мурожат қилиш ҳукуқини олади. Корпарация қонун олдида жавоб беради, шунинг учун уларни суд ҳукмига топшириш мумкин.

* Вера Рудакова. Инженерная «Неотложка для дехканов». // «Правда Востока» 12 октября 2002г.

Масалан, «Ўзкурилини материаллари» акционерлик компанияси 100 дан ортиқ корхоналарни (шу жумладан 53 та акционерлик уюшмаларни) ўзида тўплаган. Улар йилига 40 млрд. сўмга яқин товар маҳсулоти беради. Айниқса улар таркибидаги цемент саноати мухим ўрин тутади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 6 та цемент заводи бўлиб, улардан энг йириги «Қизилкўмцемент» акционерлик жамиятидир. Унинг қуввати йилига 3300 минг тонна цемент ишлаб чиқаришдир. Ўзбекистон цемент заводларининг йилик қуввати 6830 минг тонна.

Корпаративлар АҚШ иқтисодиётида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Масалан, АҚШ қайта ишлаш саноатида уларни ҳиссаси жаъми маҳсулот хажмидаги 90% ни ташкил этади, лекин 500 та йирик корпаративда мамлакат ялпи миллий маҳсулотини 40% дан кўп ишлаб чиқарилади. Акционерлар мулки асосида монополистик гигант ишлаб чиқаришлар ўсиб чиқсан. Улар дунё миқёсидаги компанияга айланганнага анча бўлган.

Демак, хозирги замон иқтисодиётида акционер компаниялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Улар фаолияти миллий бозорга эмас, дунё бозорига мўлжалланган. Акционерлик жамиятларини шаклланинши ва ривожланинши ишлаб чиқариш кучларини ривожланинши, ишлаб чиқариш кўламини ўсиши, ва шахсий капитални чекланганлиги билан боғлиқ бўлиб, бунда йирик корхоналарни яратишни, темир йўлларни, каналлар куриш ва шунга ўхшаш хусусий капитални бирлаштини талаб этади.

Фирмалар ва уларнинг турлари

Фирма - товар ишлаб чиқариш ва барча соҳаларда хизмат ишларини бажариш учун фойда олиш мақсадида ресурсларини жамлайдиган ва ундан фойдаланадиган тадбиркорлик шаклидир.

Фирмалар таркибидаги юридик шахс ҳуқуқига эта бўлган турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлади. Фирмани ҳар бир фуқаро якка тартибида фаолият кўрсатиш учун ёки бир гуруҳ кишилар ўртоқчиллик шаклида юридик шахс бўлмасдан ҳам ташкил этишлари мумкин. Конун асосида бизнес ва тадбиркорликни ташкил этишининг идеал шакллари йўқ. Тадбиркорликни қайси шаклда бўлиши турли хил шарт-шароитларга боғлиқ. Ривожланган капиталистик дунёдаги фирмаларни асосини ҳозиргача худди шу якка хўжаликка асосланган кичик фирмалар ташкил этади.

“Фирма” сўзи биринчи бор Италия давлатининг шимолий ва марказий вилоятларида у ерда капитализмни ривожлана бошланиши билан ишлатиладиган бўлди. XV-XVII асрларда фирмалар Голландия, Англия, Франция, Германиянинг Ганзей шаҳарларида пайдо бўла бошлади кейинчалик эса бутун дунёга ёйилиб кетди.

Бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан корхона ва фирмаларнинг турли хиллари пайдо бўла бошлади. Масалан:

Факторинг фирмалари - улар бошқаларнинг қарз мажбуриятларини векселларини сотиб оладилар. Мисол учун бир фирманиккинчи ишлаб чиқарувчи фирмадан векселга товар олади, учинчи фирма эса биринчидан шу векселни унинг қийматини 3-5% пасайтириб сотиб олади. Учинчи фирма иккинчи фирмадан вексел учун пул процентлари олади.

Лизинг фирмалари. Лизинг бу ижаранинг ўзига хос шаклидир. Кувватлироқ фирма бошқа молиявий маблағлари камроқ бўлган корхонага шартнома асосида маълум муддатта дастгоҳлар, машиналар ва бошқа мол-мулклар беради ва ижара муддати тутагандан сўнг ижарага олган томон бу маблағларни қолдик қиймати бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эгадир. Лизинг фирмалари ўзлари киритган маблағлари хисобига лизинг олган томондан лизинг тўловлари олади.

Инжинииринг фирмалари. Булар обьектлар ёки қурилмаларни фойдаланиш учун топширадиган ёки биринчидан партия маҳсулотини чиқаришга тайёрлаб берувчи лойиха, қурилиш ишлари билан шугулланувчи ташкилотлардир.

Консалтинг фирмалари. Улар ишлаб чиқаришнинг, лойиха ишларининг турли хил соҳалар бўйича, ҳўжалик юритишнинг янгича шаклларига ўтиш, раҳбарликни яхшилаш ва шунга ўхшаш ишларни амалга ошириш бўйича маслаҳатлар берадилар.

Венчур фирмалари ёки таваккалчилик фирмалари - янги товар ёки янги бозорларни қидириб топшиш учун йирик компаниялар томонидан молиялаштириладиган фирмалардир.

Селенг фирмалари. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкларини масалан, ер томорқалари, бинолар, дастгоҳлар, йўллар, қимматбахо қоғозларини жалб этиб, улардан ўзи хоҳлаган тарзда бемалол фойдаланувчи фирмалардир.

Траст фирмалари. Траст - бу (ингл.) ишониш, ишонч дегани. Улар ўз фаолиятини ишончли шахс сифатида амалга оширадилар. Ўзаро тузилган шартномага кўра ишониб топширилган томонга тегишли бўлган мол-мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилади. Траст фирмалар банкротлик ҳолатидаги мулкни тутатади, акцияларга эгалик қилиш ҳуқуқини топширади, молиявий ресурсларни, қимматли қоғозларни ва хоказоларни бошқариши ишларини олиб боради.

2.3. Корхоналарда ҳўжалик фаолиятини ташкил этишининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари

Маълумки, мамлакатимизда ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини барпо қилиш ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятда бошланди. Шунинг учун ҳам, иқдисодий ислоҳотларнинг биринчидан босқичида энг аввало бозорга хос янгиликларнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди.

Ишлаб чиқариш суръатининг, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл кўйилмади, тўлов ҳолати яхшиланди, ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларини масалан, нефть ва газ конденсати қазиб олиш, олтин, дон, енгил саноат, озуқа саноати ва бошқаларни такомиллаштиришга эътибор берилди. Натижада Ўзбекистонга нефть ва нефть маҳсулотлари, гўшт ва сут, дон маҳсулотларини четдан олиб келинишини бир неча баробар камайтиришга эришдик. Бу даврда мулк, ташки иқтисодий фаолият, банклар ва банк фаолияти, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, кооперация, хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари тўғрисида, монопол фаолиятни чеклаш, корхоналар, бирлашмалар ташкилотлардан солиқ олиш, биржалар ва биржа фаолияти, банкротлик тўғрисида, хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятини кафолатланиш, лизинг тўғрисида, ер ҳақида, фермер хўжалиги, дежкон хўжалиги, ижара корхоналари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотни таъминловчи бир қанча фармонлар ва ҳукумат қарорлари чиқди.

Бу хил қонунларнинг кўплари саноат корхоналари, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган фирмалар ва хўжаликларга тегишлайдир.

Ўзбекистон Республикасида корхоналар фаолиятига боғлиқ бўлган қонунлар товар - пул муносабатлари ривожланаётган ва бошқарилаётган бозор шароитида мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятини қайта ташкил этиш ва тутатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради.

Қонун фойда олишни кўзлаб иш олиб борадиган корхоналарни мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятини белгилайди, бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқарув идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Бу даврдаги қонун чиқариш жараёни конституциявий жихатдан асосланган икки муҳим принцип «турли шаклдаги (шу жумладан, хусусий) мулк эркинлиги ва тенглиги принципи» ҳамда «иқтисодий фаолият эркинлиги принципи» асосида ривожланди.

Буюртмачилар, портфелиги шаклланиши, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш портфелини буюртмачилар талабага кўра шаклланишининг барча тармоқларда хом-ашё, тайёр маҳсулот захирасини номлиги ҳам, рангли металлургия, ун-тегирмони, полиграфия, металлни қайта ишлаш, химия ва нефтехимия, озиқовқат, айниқса машинасозлик тармоқ корхоналарида сезиларли даражасидир.

* Журнал «Экономические вестник Узбекистан». №7. 2003 с. 4.

Бозор муносабатлари талабларига жавоб берса оладиган хиссадорлик компаниялари, уюшмалари, биржалар, қимматбаҳо қорозларни ҳисобга оладиган ва сақтайдиган депозиторий, савдо уйлари сингари бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

Бу қонунлар ташки иқтисодий фаолиятни сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди, хорижий сармоялар учун имтиёзли шароит яратди, ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларни очиқ турдаги жамиятларга айлантириш жараёнини бошлаб берди.

Лекин ижтимоий-иктисодий вазият хамон анча мураккаб эканини ҳам эътироф этиши лозим. Масалан, ҳали ҳалқ хўжалиги соҳаларида мулкчиликнинг янги шакли қарор топиши талаб даражасида чинакамига таъминланмайти. Сармояларнинг етарли эмаслиги иқтисодиётни яхшилаб қайта қуришга тўсиқ бўлмоқда, ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши кўп тармоқларда ҳозиргача ҳам давом этмоқда.

2.4. Бозор шароитида корхоналарнинг ривожланиши муҳити

Корхона фаолиятининг пировард натижалари кўп жиҳатдан уни ўраб турган шарт-шароитларга боғлиқ бўлса ҳам ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари (ресурслар) ва уларни бирлаштириш, улар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатни ташкил этиш ҳар доим ҳал қилиувчи аҳамиятга эта бўлади. Шунинг учун корхона фаолиятини фақат ички ва ташкиш шароитларга боғлаб қўйиш тўғри бўлмайди. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бир қанча бозор муаммолари пайдо бўлди. Булар мулк шакллари, бахони белгилаш, фойда олишнинг енгил йўлларини топиш, рақобат шароитларидан чиқиб кетиш ва бошқалар.

Бозор дастаклари ўз-ўзидан ишлаб чиқаришга раҳбарликни яхшиламайди, меҳнатни нормал ташкил қилмайди, меҳнат интизомини, кишиларни яхши ишлашини таъминлаб бермайди. Бозор муносабатлари ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиувчилардан билим ва маҳорат талаб этади, муваффақиятли ривожланиб бозорда ўз ўрнини топиши, уни сақлаб қолиш учун ўзининг ички дунёсини ўзгартириши, мулкка эгалик қилиш ҳиссини, ундан унумли фойдаланишга бўлган қизиқишини ошириш керак.

Корхона фаолиятини белгиловчи барча ички шарт-шароитларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- I. Техникавий шарт-шароитлар; корхонанинг техникавий даражаси;
- II. Иқтисодий шароитлар;
- III. Ташкилий шарт-шароитлар. Раҳбарликни ташкилий тузилиши-ни яхшилаш, меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни

ташкил этиш, хўжалик қарорларини қабул қилиб уни амалга ошириш. Бу соҳадаги имкониятлар хали тўлиқ ишга солинаётгани йўқ.

IV. Ижтимоий-психологик шароитлар. Бундай шароитлар харажат талаб қилмай ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Хали бу соҳада инсон омили: уни касби, малакаси, маҳорати тўлиқ ишлатиласетгани йўқ.

Корхона ўзининг барча ички шароитларидан биргаликда бир вақтда фойдаланиб олдига қўйтган вазифаларни бажариши мумкин. Корхона ўз фаолиятида ташки муҳит таъсирида ҳам бўлади. Улар: ресурсларни топиш, келтириш, кадрларни танлаш, ёллаш, истеъмолчиларни топиш, давлат ташкилотлари билан мулоқатда бўлиш, мамлакат иҷидаги иқтисодий сиёсатни билиш.

Ҳар бир корхона ўзининг ҳуқуқий мақомига эга. Унда корхона ўз ишини қандай бошлаши керак, солиқларни қачон, қанча миқдорда тўлаши зарур ва хоказолар кўрсатилади. Давлат корхона учун унинг фаолиятини тартибга солувчи, уни ҳимоя қилувчи, бошқарувчи бўғин бўлиб юзага чиқади. Давлат корхона фаолиятининг ҳуқуқий нормаларини белгилайди, корхона фаолиятига маълум даражада таъсир кўрсатади. Давлат якка хокимликка қарши сиёсат олиб бориб айрим кучсиз корхоналар рақобатда синиб қолмаслиги, айрим хил ҳом ашё, маҳсулотлар баҳоси ошиб кетмаслигини олдини олиб, уларни тартибга солиб туради.

Давлат пул ва кредит сиёсати ёрдамида инвестицияга бўлган талаб ва таклиф нисбатига, уни тузилишига таъсир ўтказади. Инвестиция талаб қилувчи товарлар бозорида инвесторларни ҳатти-ҳаракатлари стратегиясини белгилайди. Иқтисодиётнинг ҳолатига (инфляция даражаси, бюджет тизимида камъёблик, ишлаб чиқаришнинг тузилиш ҳолати ва хоказоларга) қараб бозорни бошқаришнинг у ёки бу концепцияси кўлланилади. Ҳар қандай концепция қўйидаги мақсадларга қаратилади:

1) пировард мақсадларга эришишга (миллий даромадни ўсиши, аҳолини иш билан банд бўлиши, инфляция суратини пасайиши...);

2) оралиқ мақсадлар (капиталга бўлган талаб ва таклифнинг нисбати, ставка фоизлари, пул массасининг динамикаси ва бошқалар)


Шундай қилиб корхона фаолиятига таъсир этувчи ташки омиллар қўйидагилар:

- давлат;
- ҳом ашё етказиб берувчилар;
- истеъмолчилар ;
- рақобатчилар (бунда бозор ҳам корхона учун рақобат муҳити бўлади).
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- иқтисодий ўсиш;

- түлөв баланси;
- ахолини иш билан бандлык даражаси;
- техник ва технолагик мұхит
- иқтисодий ;
- сиёсий .

2-чизма.

Корхона фаолиятига таъсир этувчи ташқы мұхит (макромұхит) омиллари



Асосий иборалар ва түшунчалар

1. Бозор – бу товар айрбошлаш соҳаси бўлиб, бунда товарларга бўлган талаб, таклиф ва уларнинг баҳоси шаклланади. Бозорнинг амал қилиши иккى асосий қонунга бўйсинади: қўймат қонуни, ҳамда талаб ва таклиф қонунига.

2. Бозор иқтисодиёти – бу бозор муносабатларига асосланган хўжалик ҳаётини ифодаловчи ташкилот, тизим ва ҳолат.

3. Бозор муносабатлари – товар муомаласи, яъни товарни пулга, пулни товарга айрбошлаш йўли билан ишлаб чиқарувчиларни даромад олишдаги манфаатдорлигига асосланган иқтисодий муносабатлардир. Бозор муносабатлари учун товар ишлаб чиқарувчиларни мустақиллiği эркинлиги, баҳони эркин, ихтиёрий шакллантириш, ишлаб чиқарувчилар рақобати ва уларни истеъмолчига йўналтирилганлиги хос бўлади.

4. Позитив иқтисодиёт – иқтисодиётни бор бўлган (бўладиган) ҳақиқий ҳолатини ўрганади ва субъектив равишда иқтисодиётга баҳо беришдан озоддир.

5. Норматив иқтисодиёт - субъектив шахсий фикрлашлар асосида маълумотлар беради; у нима бўлиши кераклигини кўрсатади.

6. Аралаш иқтисодиёт - бу эркин бозор иқтисодиётидир. Бундай тизимда иқтисодий қарорлар уй хўжаликлари, корхоналар томонидан уларни бозордаги ўзаро алоқадорлиги, бир-бирига таъсири жараёнида давлат аралашнувисиз қабул қилинади.

7. Бозор конъюктураси - маълум даврда шаклланган бозор ҳолати (бахо даражаси, талаб ҳажми, харидорларнинг мавжудлиги ва х.к.).

8. Корхона - меҳнаткашлар мулкидан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариб, уни истеъмолчига сотадиган ёки саноат характеристидаги турли хил хизмат ишларини бажарадиган юридик шахс ҳукуқига эга бўлган мустақил ҳўжалик субъектидир.

9. Маркетинг - бу талаб ва эҳтиёжни йўли билан қондиришига қаратилган кишилар фаолиятини бир туридир.

10. Санация - корхоналарни инқирозга юз тутаётган вақтида молиявий-техникавий ёрдам кўрсатиш.

11. Мултипликатор - билимларни тарқатиш, ўқитиш.

12. Танъяма - (француз. - улущ, қисм) корхона ва банкларнинг соғ фойдаси ҳисобидан олинадиган, асосан, бошлиқларга ҳамда фирманинг юқори табақа хизматчиларига тўланадиган қўшимча ҳақ, мукофот.

13. Имидж - обрў, ташки кўрининиши.

14. Менталитет - билимларнинг ўртача даражаси.

Назорат саволлари

1. Корхона турлари ва уларнинг вазифалари.

2. Корхоналар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конуни.

ІІІ БОБ. КОРХОНАНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ


3.1. Корхонанинг умумий ва ишлаб чиқариш тузилиши

Саноат корхонаси (бирлашмаси) умумий, ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилишга эгадир. Корхонанинг умумий тузилиши ишлаб чиқарышнинг тузилишини ва меҳнаткашлар жамоасига хизмат кўрсатувчи бўлимларни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш бўлимларига: турур жой, коммунал хўжалик, мактабгача боллалар боғчаси, яслилар ва соглиқни сақлаш муассасалари, дам олиш уйлари, санаторийлар, клублар, маданият саройлари, ўкув юртлари ва бошқалар киради.


1. Корхонанинг умумий ёки ташкилий тузилмаси – бутун корхона бўлимларининг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолиятини бошқаришга қаратиглан бўлимлар таркибидан ва уларни ўз вазифаларини бажарishi бўйича боғлиқлигидан иборатдир. Қўйидаги 3-чизма «Ўзноммаҳсолот» давлат акционерлик корпорацияси бошқарувининг тузилмасини кўрсатади.

3-чизма.

«Ўзноммаҳсолот» давлат-акционерлик корпорацияси бошқарувининг таомиллаштирилган ташкилий тузилмаси



Маркетинг фаолиятига йўналтирилган корхонани ташкил этилиши



Одатда, корхона бизнес-режасига асосан ташқаридан молиявий маблағлар олиш зарур бўлади, шунда ҳар бир раҳбар ходим ҳақида маълумот бериши керак. Корхонани (балким Сизнинг

корхонангизни) молиялаптириш тўғрисида бир қарорга келишда кредитор раҳбар-ходимларнинг малакаси ва тажрибасига ишонади. Шунинг учун аниқ турдаги корхона раҳбарларининг, унинг муовинларининг исми ва фамилияси, маълумоти, иш тажрибалари, мансаби бўйича шу корхонадаги вазифалари тўғрисида ахборот тайёрлаб қўйилиши керак бўлади.


Бундан ташқари, корхонага қанча хизматчи кераклигини билиш ва уларни ёллаш учун ўз фаолиятини яхшилаб, синчилаб ўрганиб қўйиши зарурдир. Штатдаги ходимлар рўйхати тайёр бўлгандан сўнг корхонанинг ташкилий тузилишини ёритиш лозим. Бунда ким кимга бўйсунини кераклиги поғонаси кўрсатилади.

Бу маълумотлар, биринчидан, ташқаридаги корхона фаолияти билан қизиқувчиларга керак бўлади. Исккунчидан корхонанинг ўз ходимлари учун ҳам керак бўлиб қолади. Уларни бундай ахборотлар қизиқтириб қолиши мумкин.

Масалан, ошхона гарнитурлари, ухлаш учун гарнитурлар, кофе ичиш учун столчалар, журнал учун столчалар ишлаб чиқарувчи хорижий «Пайн» компаниясининг ташкилий тузилиши қўйидагичадир:

5-чизма

“Пайн” компаниясининг ташкилий тузилмаси




«Пайн» компаниясининг ҳар бир сотувчига тўғри келадиган йиллик сотиши ҳажми 200000 доллар бўлиб, умумий бир йилдаги маҳсулот сотиши миқдори 680 минг долларни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришининг тузилиши – корхона цехларининг таркиби, сони, жойлашиш тартиби, цехлараро меҳнат тақсимотини ва уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги узвий алоқадорлиги билан характерланади

6-чизма эса Тошкентдаги очиқ турдаги “Қизил тоңг” тикувчилик хиссадорлик корхонасининг ташкилий тузилишини кўрсатади:

**Тикув корхонасининг қабул қилинган (типик)
ишлаб чиқариш тузилиши**



Йирик корхоналарда участкалар цехларга бирлаштирилади. Цех - корхонанинг маҳсулот тайёрлашида, асосий ишлаб чиқаришга ёки корхонага хизмат кўрсатишда маълум хил жараёниларни бажарувчи, корхонанинг маъмурий, территориал ишлаб чиқариши бўгинидир. Цех ишлаб чиқариш участкаларидан, улар эса иш ўринларидан иборат бўлади. Цехлар ва участкалар асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи, чиқиндилардан маҳсулот тайёрловчи бўғинлар шаклида бўлиши мумкин. Асосий цехлар ва участкаларда шу корхонанинг асосий маҳсулоти тайёрланади. **Машинасозлик корхоналарида** - қуюв, темирчиллик-пресслаш, механика ва йигув цехлари, тикув, пойабзал корхоналарида - бичиш, тикиш ва пардозлаш цехлари асосий ишлаб чиқариш бўғинлари ҳисобланади. Турли хил саноат корхоналарида бир хилдаги цехлар асосий цех ёки ёрдамчи цех бўлиб қолмайди. Улар тайёр асосий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги иштирокига кўра ажратилилади. Масалан, машинасозликда асосий ҳисобланган

механика цехи енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида ёрдамчи цех вазифасини бажарип – асбоб-анжомлар ишлаб чиқаради; махсус ихтисослашган ремонт корхонасида ремонт хўжалиги ёрдамчи эмас асосий цех деб ҳисобланади.

Хизмат кўрсатувчи цех – асосий ва ёрдамчи цехлар фаолиятининг узлуксиз ишлани учун зарур шароит яратади. Булар транспорт ва омбор хўжалиги сифатида ташкил этилади.

Махсус цех ва участкалар асосий ишлаб чиқариш чиқиндилиридан халқ истеъмоли буюмларини тайёрлайдилар. Айрим корхоналарда махсус цех ва участкалар турли буюмлар ва идишлар тайёрлаш билан шугулланади.

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш тузилишининг технологик, буюмли, технологик-буюмли турлари қабул қилинган.

I. Технологик таркибдаги ишлаб чиқариш тузилмасида цехлар ва бўлинмалар технологик турдошлик тарзида ташкил этилади. Бунда ҳар қайси цех бўлинмалар умумий технологик жараёнининг айрим қисмини бажаришга ихтисослашган бўлади. Масалан, машинасозлик корхоналарида: қуюв, механик, йигув цехлари, фрезерлик, токарлик, пармелан бўгинлари, тўқимачилик корхоналарида: йигирув, тикув, пардозлаш цехлари шаклланган. Бундай корхоналарда цехларни технологик ихтисослашниши бошқаришни осонлаштиради. Лекин, ҳар қайси ишлаб чиқариш бўгинида кўп турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, бир маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошқаларига ўтилади, жиҳозларни қайта созлашга тўғри келади, натижада иш вактининг кўп қисми бекорга кетади. Чунки маҳсулот турини алмашшида жараёнлар таркиби ва кетма-кетлиги ўзгаради, цех ичидаги узатиш жараёнларининг узунилиги, даври ортади, йўналиши тарзи бузилади, цехлараро ҳамкорлик мурakkabлашади.

Асосий цехларни технологик жихатдан ихтисослаштирилганда тайёрланадиган маҳсулотлар турлари хилма-хил бўлиб, улар ўзгарувчан бўлади. Албатта бундай шароитда ишлаб чиқариш унумдорлиги пасаяди. Катта ҳажмдаги бир хил турдаги ёки чекланган маҳсулот тайёрланадиган корхоналарда эса ишлаб чиқаришни буюмли тузилиши қўлланилади.

II. Корхонанинг буюмли тузилиши технологик тузилишига нисбатан қатор афзалликларга эга. Будай шароитда маълум хил буюм, ёки уларнинг маълум қисмлари тайёрланади, улар шунга ихтисослашган бўлади. Ишлаб чиқариш тузилишини бундай шароитида ихтисослаштириш чукурлашади, янги техникини жорий этишга, автоматлаштиришга қулай шароит яратилади, ишлаб чиқариш жараёнининг йўналиши жонланади, поток усулини қўллашга имкон яратилади, ишлаб чиқариш жараёнининг узунилиги, давомийлиги қисқаради. Натижада меҳнат унумдорлиги ошади, маҳсулот таннахси пасаяди.

III. Бир турли маҳсулот ҳажми етарлича бўлмаган холларда корхоналар аралаш ёки буюмли - технологик тартибда ташкил этилади. Бу холда тайёрлов цехлари технологик тарзда тузилади, қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи цехлар ва буюмлар бўйича ихтисослашадилар. Маҳсулотни кўп ишлаб чиқарадиган машинасозлик корхоналарида (тайёрлов, куюв, темирчилик) йиғув цехлари одатда технологик тартибда тузилади. Бундай турдаги корхоналар пойабзал, тиқувчилик маҳсулотлари ва уй-рўзгор анжомларини ишлаб чиқариш саноати корхоналарида салмоқли ўрнини эгаллайди.

3.2. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона тузилишини ўзгартириши (реструктуризация)

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатлар даврида давлат мулкини хусусийлаштириш амалга оширилди, иқтисодиётга раҳбарлик қайта кўрилди, янги рақобатбардош йирик, ўртача ва майда корхоналар ва микрофирмаларни яратиш ва ривожлантириш ишлари амалга оширилди. Лекин хали хўжалик юритишининг ҳозирги шароитларига мослаша олмаган, кам рентабелли ёки зарарига ишлаб ўзгаришган корхоналар хали кўп Шунинг учун уларни даволаш ва ўз фаолиятини муттасил барқарор ривожлантириб боришига ўргатишимиш зарур. Бозор иқтисодиёти шарт-шароитларига корхоналарни ўргатиш учун уларни тузилишини қайта қуриш лозим. Бунда албатта давлатнинг кўллаб-куватлаши керак бўлади. Реструктуризация – корхонанинг ишлаб чиқариш ва бошқарув тузилишини, капитал тузилишини технологик жараёнлари ва бошқа томонларини ўзгартиришини тақозо этади.

Реструктуризациядан мақсад, шакланаётган бозор иқтисодиёти шароитида уларни мувоффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлашдир. Реструктуризация – корхонани стратегик ривожланиш йўлларидан бирини танлаб олиш, ташкилий, иқтисодий, техникавий чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишни назарда тутади. Натижада корхоналар ҳозирги оғир иқтисодий ҳолатдан тараққиётнинг зарур бўлган даражасига чиқиб оладиган.

Реструктуризацияга тегишли жараёнларнинг қуйидаги йўналишларини ажратиш мумкин:

- ҳуқуқий – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини таъминлаш;
- назорат фаолияти, бошқа субъектлар билан шартномалар тузиш ва бошқа муносабатлар бўйича ҳукуқларини қайta, кўриб чиқиши;
- молиявий – активлар, мажбуриятлар, шахсий капиталлар, инвестицияларни излаб топиш йўлларини ўзгартириш;
- ташкилий – корхонанинг ташкилий бўғинлари ва алоқалари таркибини ўзгартириш;

- **операцион** (жараёнли) – ишлаб чиқариш жараёнлари, технология ва техникавий қуролланиш даражасини ўзгариши.

Реструктуризация ишларини амалга ошириши механизмлари қўйидагилар:

- 1) корхона ҳолатини диагностика қилиш;
- 2) корхона фаолиятини соғломлаптириш чораларини ишлаб чиқиши, асослаши;
- 3) ишлаб чиқариш тадбир-чораларини амалга ошириши.

3.3. Корхоналар тузилишини такомиллантириш йўллари

Корхона тузилишига, унинг йўналишига, тайёрланадиган маҳсулотнинг йиллик ҳажми, тури, унинг кўп-озлиги, яъни ихтисослашиш даражаси хар йилги ўзгарувчанлик даражаси, маҳсулотнинг хусусиятлари таъсир кўрсатади. Шуларга асосланган холда дасттоҳлар ҳамда уларнинг жойлашиши ҳам белгиланади.

Одатда маҳсулот тури кам бўлган корхона тузилиши оддий бўлади. Енгил саноат, ёғочни қайта ишлаш ва қурилиш материаллари саноат тармоқларида ишлаб чиқариппинг нисбатан оддий технологияси қўлланилади, мураккаб бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мураккаб маҳсулот тайёрлайдиган машинасозлик заводларининг тузилиши ўзига яраспа мураккаб бўлади.

Корхона тузилиши ўзгарувчан **бўлиб**, унга бозор талаби, ижтимоий меҳнат тақсимотини чукурлашуви, техника тарақиёти ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил этиш даражаси, мутахассисларга хизмат кўрсатиш каби омиллар таъсир этади.

Ишлаб чиқариш тузилишини танлани ёки яхшилаш вазифаси янги корхоналарни қуриш, мавжуд корхоналарни қайта қуроллантириш, уларни янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ихтисослашиш даражасини ошириш, даврида ҳал этилади. Корхоналар тузилишини лойхалаштиришда ишлаб чиқаришни комбинациялаптириш кўзда тутилади, натижада хом ашёдан комплекс фойдаланиш имконияти яратилади. Мақсад – юқори унумдорликка эта бўлган техникани жорий этиш, ундан самаралироқ фойдаланиш, маъмурий бошқариш, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлар салмоғини, қувват бирлигига тўғри келадиган капитал қўйилма миқдорини камайтириш, юқори малакали кадрлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришdir.

Саноат корхонаси тузилишининг ўзгаришига ихтисослашиш даражаси катта таъсир кўрсатади. Ихтисослаштирилган корхоналарда чекланган турдаги маҳсулот кўп ҳажмда ишлаб чиқарилади, бу эса буюмли, ўзаро боғланган цех ва бўлинмалар тузиш имкониятини кенгайтиради.

Йирик корхоналарда, ихтисослаштирилган хизмат кўрсатувчи корхоналар, ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш имкони яратилади, у ўз навбатида ёрдамчи цехлар тузилишига таъсир кўрсатади.

Асосий ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ишларининг ҳажмини ошиб кетишига олиб келади. Бозор шароитида корхонадаги ёрдамчи жараёнларни механизациялаштириш, ёрдамчи цехларни ихтисослашиш даражасининг сустлиги уларга хизмат қилувчи маҳсус ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этишини тақозо этади.

Корхонада ишлаб чиқариш бўғинларини бир-бираига мутаносиб (пропорционал) бўлини. Ишлаб чиқариш тузилишини оптимал даражада эканлитикинга кўрсатади.

Кичик корхоналarda ишлаб чиқариш тузилишини такомиллаштириш, уларни цехсиз тузилишига ўтиш билан боғлиқ бўлади ва ихтисослашиш даражасини ошириб, бошқариш ҳаражатларини камайтирилади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш тузилишини такомиллаштириш йўллари қўйидагилардир:

- цехлар ва ишлаб чиқариш участкалари таркибини, уларни йириклиги, кувватини тўғри танлаш;
- корхонани яратиш бўйича генерал (бош) лойихага кўра цех ва омборлар мавълум тартибда, кетма-кетликда жойлаштирилиши зарур;
- юк ташувчи транспорт воситалари ишлаб чиқаришни нормал боришига халол бермаган холда корхона ичдиа энг қисқа масофада ҳаракат қилишини таъминлаш, маршрут схемасини тузиш;
- тармоқларда ишлатиладиган хомъашё, материаллар хусусиятини ҳисобга олиш;
- буюмларнинг конструкциясини мураккаблиги ёки оддийлигини ҳисобга олиш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш шаклларини инобатга олиш.

Корхона - узоқ давр хизмат қилиши, ишлаб чиқариш фаолияти шароитларини ўзгартириши, фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга қўллаш, янги хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириши, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиши ва кенгайтириши натижасида унинг ишлаб чиқариш тузилиши ҳам албатта ўзгариши. Бунда уни яхшилашнинг асосий йўллари қўйидагилар:

- цех ва участкалар сони ва йириклигини ўзгартиришда оптималликни таъминлаш;
- асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехлар орасида қувватнинг, ходимлар сонининг рационал даражада бўлишини таъминлаш;

- корхона фаолиятини режалаштиришда оптималликни таъминлаш;
- иктиносослаштириш ва кооперативлаштиришни рационал ташкил этиши.

Ҳозирги давр шароитида кўпгина корхоналарнинг тузилишида бозор муносабатлари билан боғлиқ бўлган янги бўлимлар: янги маҳсулот ишлаб чиқарадиган тажриба цехлари, ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш учун янги машина ва ускуналар тайёрланадиган автоматлаштириш ва механизациялаш-тириш цехлари, маркетинг маркази, ташкил иктиносидий фаолият бўлимлари ташкил этилмоқда.

Назорат саволлари

1. Корхона тузилиши ҳақида ахборот.
2. Корхонанинг ишлаб чиқариш тузилишига таъсир этувчи омиллар.
3. Бозор шароитида корхона тузилишини ўзgartириш йўллари ва механизамлари.

IV БОБ. КОРХОНАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Ишлаб чиқарышнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва иқтисодий аҳамияти

Кенг маънода ишлаб чиқариш деганда кишиларнинг тўғридан тўғри моддий неъматларга бўлган талабини қондиришга қаратилган ҳар қандай фаолияти тушунилади. Кишилик фаолиятининг турли ҳил томонлари, масалан чорвачилик, дехқончилик билан шуғулланиши, ерга ишлов бериш, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун хомъашёни қайта ишлап. Хозирги замон фанида “ишлаб чиқариш” тушунчаси турли хил моддий неъматларни ишлаб чиқариш фаолияти билан кифояланниб қолмай, балки фуқаролар, бутун жамият учун давлат даражасидаги хизматчиларни, банкиралари, адвокатлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, олимлар ва бошқаларни турли хилдаги хизмат . кўрсатиш жараёнларини ўз ичига олади.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш иштимоий тақрор ишлаб чиқарышнинг қуйидаги тўртта босқичидан бири ҳисобланади: ишлаб чиқариш-тақсимлаш-айирбошлиш-истеъмол.

Ишлаб чиқариш тақрор ишлаб чиқарышнинг бошқа босқичларiga қарагандо биринчи ўринда туради ва хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ишлаб чиқарышни жамиятни ривожланишидаги энг асосий омил эканлитини биринчи бор дунё иқтисодиётида инглиз сиёсий иқтисоди класиклари бўлган У.Петти, А.Смит, Д.Рикардолар ва францууз физиократлари Ф.Кене, А.Р.Тюрго, В.Мирабо, П.Дюпон, Де Немурлар ажраттан.

Иқтисодий фаолиятнинг мақсади нима деганда - бу умуман нарсаларни ишлаб чиқарышни кўпайтириш эмас, балки фойдали, қимматга эга бўлган (ценность вещей) неъматлари, яъни кишилар нимани қадрласалар шунни ишлаб чиқарышни кўпайтириш зарур. Неъматларни қиммати эса айирбошлиш жараёнида юзага чиқади.

Айирбошлишда турли хил қимматга эга бўлган нарсалар айирбошланади, чунки бозордаги иштирокчилар айирбошлиш учун бозорга келтирилган буюмларнинг фойдалилигини турлича бахолайдилар. Ҳар бир томон ўзи учун унча қимматга эга бўлмаган нарсаларни қиммати кўпроқ бўлганларига айирбошлиш қиласидилар.

Худди ана шунда айирбошлиш унумдорлигининг манбай кўринади. Бундай назария билан ишлаб чиқаришни бойлик яратишдаги аҳамияти инкор қилинмайди. Ишлаб чиқариш, сўзсиз бойликни кўпайтиради, лекин яратилаётган моддий неъматлар жамият талабини қондира олган, яъни истеъмолчилар томонидан тан олинган, қабул қилинган миқдори даражасида бойликни кўпайтирган бўлади. Акс холда ишлаб чиқариш фойдасиз, маъносиздир.

Бозор хұжалиғи шароитида буюмларни фойдалылғаннан истеъмолчи бақолаганлығи учун айирбошлаш жараёни унумдор ҳисобланади. Бундан ташқары айирбошлаш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлігінің оширади, ишлаб чықарувларнинг жамият учун зарур бўлган маҳсулотларни керакли миқдорда ишлаб чықаришга йўналтиради.

4.2. Ишлаб чықаришни ташкил этиши шакллари

Бозор иқтисодиётіда корхоналар ишлаб чықаришни қандай ташкил этиши зарур деган фундаментал савол 3 қисмдан иборат:

1. Алоҳида тармоқлар ўртасида ресурслар қандай тақсимланиши керак?
2. Ҳар бир тармоқдаги қайси фирмалар ишлаб чықаришни ташкил этиши лозим?
3. Ҳар бир фирма ресурсларни қандай комбинациясини, қандай технологияларни кўллаши зарур?

Мамлакат иқтисодиётини жадал суратларда ривожланиши саноат тармоқлари ва турли хилдаги корхоналар ўртасидаги меҳнат тақсимоти жараёнлари ва ишлаб чықарыш кучларини зарур бўлган соҳаларда умумлаштирилиши муҳим иқтисодий аҳамият касб этади. Айниқса, бозор иқтисодиёті шароитида бундай жараёнлардаги таркибий ўзгаришлар кучайиб бормоқда. Мехнат тақсимоти ишлаб чықаришни ихтиослаштириши ва кооперативлаштиришда яққол кўринади. Мехнатни умумлаштириши эса ишлаб чықаришни концентрациялаштириш ва комбинатлаштиришда ифодаланади. **Ишлаб чықаришни ташкил этишининг бундай шакллари:**

- 1) концентрациялаштириш;
- 2) ихтиослаштириш ва кооперативлаштириш;
- 3) комбинатлаштириш.

Улар ўзаро боғлиқ бўлиб, жамият ихтиёридаги барча ресурслардан, корхона мулкидан фойдаланишдаги муносабатлар даражасини ифодалайди.

Концентрациялаштириш – майда, бир хил, ўхшаш маҳсулот ишлаб чықарувчи корхоналарни йириклиштиришdir. Ишлаб чықаришни йириклиштириш агрегатлар, дасттоҳлар қувватини ошириш, ўхшаш технологик жараёнлар қувватинини ошириш, корхоналарни йириклигини ошириш шаклларида олиб борилади.

Масалан, агрегатлар қувватини ошириш – электрэнергетика, металлургия, кимё, ёқилғи, қурилиш материаллари тармоқларида сезиларли даражада намаён бўлади.

Технологик жараёнлар бўйича концентрациялаштиришга – металлургияда – домна печлар, пўлат еритувчи печлар, прокат маҳсулотлари ишлаб чықариш; Тўқимачиликда – йигириш, тўқиши, бўяш. **Машинасозликда** - қуюв, механик ишлов бериш, йикув жараёнлари мисол бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида концентрациялаштириш, унинг самарадорлигини йирик корхоналарга боғлиқлиги, корхоналар йириклиги (йирик, ўртача ва майда корхоналар), концентрациялаштириш даражасини аниқлаш тўғрисидаги аввалги тушунчалар анчагина ўзгарган.

Майдада корхоналар ҳам ҳозирги замон техника ва технологияси билан қуролланган бўлса йирик корхоналарнинг барча афзалликларини ўзида тўплаган бўлади. Бундай корхоналар оптимал йириклидаги корхоналардир...

Микрофирма ва кичик корхоналар афзаллиги ҳақида бизнес ва тадбиркорлик фанида батафсил айтилган.

Ихтисослаштириш - бу алоҳида ишлаб чиқариш участкалари, цехлар, корхоналар тармоқларни конструктив ва технологик жиҳатдан ўхшаш бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ёки жараёнларни бажаришга кўчириннадир.

Саноатда, унинг турли хил корхоналарида ихтисослаштириши куйидаги шаклларда ривожланади:

- буюмлар бўйича ихтисослаштириш;
- қисмлар, агрегатлар бўйича ихтисослаштириш;
- технологик жараёнлар бўйича ихтисослаштириш.

Бир корхона миқёсида тутулланган ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариши ташкил этиши - унга доимо хизмат қиливчи, зарур бўлган қисмларни етказиб берувчи ихтисослашган корхоналарни ташкил этилишини тақоза этади. Масалан, шарикли подшипниклар ишлаб чиқариш, поршень, карбюратор, редуктор, қуймалар, эҳтиёт қисмлар, телевизор трансформаторлари, телевизорга футлярлар, конденсаторлар, юқори босимли насослар, диван-кроватлар учун оёқлар ва бошқаларни ишлаб чиқаришлар. Бундай ўзаро доимий ишлаб чиқариш алоқадорлигига эга бўлган корхоналарда **кооперативлаштириш** мавжуд бўлади. Шунинг учун кооперативлаштириш шакллари ҳам ихтисослаштириш шаклларига мос равишда бўлади. Саноат таркибидағи корхоналар сони қанча кўпайиб борса кооператив алоқадорлик шунча кўп ривожланган бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида турли хилдаги мулк шакллари ва шунга яраша кичик ва хусусий корхоналарни кўплаб яратилиши кооперативлаштиришни ўз-ўзидан ривожланиб кетишини объективиз зарурат қилиб кўяди.

Кооперативлаштириш - корхоналарнинг бўш турган имкониятлари, ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, мураккаб маҳсулотларни тезроқ ҳамкорликда ишлаб чиқаришини ташкил этиши учун шарт-шароитлар яратади. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади.

Комбинатлаштириш - хомашё ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндилиарини қайта ишлаб истеъмолга яроқли маҳсулотни ишлаб чиқаришини ташкил этиши


ва хомашё материалларни кетма-кет тартиб билан қайта ишләшни ташкил этиш демакдир.

Бир комбинат таркибида түрли хил саноат тармоқларига мансуб бўлган мустакил ишлаб чиқаришлар ташкил этилади, умумлаштирилади. Комбинатларда бошқарув, коммуникация (сув, газ, пар, электрэнергия, транспорт хизмати) системалари бирлашган бўлади. Бунда ишлаб чиқариш технологик жихатдан узвий боғлиқ бўлади. Масалан, комбинатлаштириши буюмларга, кимёвий ва термик ишлов бериш жараёнлари юқори бўлган шароитда зарур бўлади.

1. Хомашёни кетма-кет қайта ишлашга асосланган комбинантлар. Мисол учун металлургия комбинати, нон ишлаб чиқариш комбинати, тўқимачилик комбинати ва бошқалар. Масалан, металлургияда аввал темир рудаси эритилади, ундан чўян, кейин пўлат ва прокат маҳсулоти олинади. Тўқимачаликда – йигирув, тўкув, бўёқ ишлари биргаликда кетма-кет олиб борилади.

2. Хомашёни комплекс (тўлик) қайта ишлашга асосланган комбинатлар. Масалан, кокс-кимё комбинати, тўшт-сут ишлаб чиқариш комбинати, ёғочсозлик, цељлюоз-погоз комбинати ва ҳ.клар. Мис рудасини эритиб, ундан бир қанча фойдали моддаларни ажратиб олиш хам бунга мисол бўлади.

7-чизма



Кокс-кимё саноатида кўмирни тўлик қайта ишлаб кокс, кокс гази, қаттиқ ва суюқ кимёвий маҳсулотлар яъни мўм, аммиак, бензол, олтингутурт олинади; газ ҳолидаги маҳсулотлардан – этилен, метан, водород маҳсулотлари олинади (8-чизма).

8-чизма



Бозор иқтисодиётида, ресурслар чекланган шароитда улардан рационал фойдаланишинг иқтисодий аҳамияти кўп жихатдан ишлаб чиқариш шаклларини ривожланиш даражасига боғлиқ бўлиб қолади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий ривожланиш даражаси ишлаб чиқариш турларига бевосита боғлиқдир.

4.3. Ишлаб чиқаришни рационал даражада ташкил этишининг асосий қоидалари (принциплари)

Ишлаб чиқаришни ташкил этишининг шартлари қўйидагилар:

1. Мехнат.
2. Тадбиркорлик қобилияти.
3. Капитал ёки меҳнат қуроллари.
4. Табиий ресурслар-фойдалали қазилмалар, сув, ҳаво, ўрмонлар ва ҳ.к.

Бошқача қилиб айтсак, меҳнат буюмлари ва меҳнат қуроллари-бу ишлаб чиқариш воситаларидир. Ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат ишлаб чиқариш кучлари тушунчасини ҳосил қиласди.

Шунга асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиши деб маълум вақт мобайнида ишлаб чиқаришнинг барча элементларидан (ресурсларидан) унумлироқ фойдаланиш усуллар мажмуасига айтилади.

Машхур иқтисодчи А.Маршал юқоридаги ишлаб чиқариш омилилари қаторига ишлаб чиқаришни ташкил «этиш» омилини қўшиди.

А.Й. Шумпетер 1912 йили ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» китобида бу омилини хозирги замон тилида - тадбиркорлик деб атади. (С.Н. Ивашковский Микроэкономика. Москва «Дело», 1998. 373с).

Ишлаб чиқариш фаолиятининг широрд натижалари - маҳсулот хажмини кўпайиши, меҳнат унумдорлигини, фойда ва даромадни ўсиши, маҳсулот сифатини яхшиланиши, ишлаб чиқариш харажатларини камайиши ва ходимларнинг меҳнат ҳақи тўловларини кўпайиши, ижтимоий аҳволини яхшиланиши энг аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиши даражасига боғлиқ. Корхонада аъло сифатдаги технология, малакали ишчи-хизматчилар, керакли хомаё материяллар бўлиб улардан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқаришни яхши ташкил этилмаса ресурслар истроф бўлади, қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шунинг учун ишлаб чиқаришни ташкил этиши **моддий** неъматлар яратишнинг энг муҳим шартлари бири бўлиб юзага келади.

Ишлаб чиқаришни оқилона ёки рационал даражада ташкил этишининг энг муҳим хозирги замон усуллари қўйидагилар:

1. Маҳсулотни ўхшаш, бир хил турдагиларини ишлаб чиқаришни чеклаш ва кўплаб, оммавий равишда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

2. Ишларни бажаришни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида (фазаларида) бир вақтнинг ўзида олиб боришни таъминлаш, яъни паралеллик;

Паралеллик - буюмларни ишлаб чиқаришни операциялар бўйича бир вақтда бажаришдир. Бундай шароитда маҳсулот кўплаб ишлаб чиқарилади.

Узлуксизлик шарти - ишлаб чиқариш жараёнларини тўхтовсиз танаффуссиз, узилишиларсиз боришни ифодалайди.

3. Ишлаб чиқариш участкалари, цехлардаги ишларни мутаносиблигини (пропарционаллигини) таъминлаш;

Пропорционаллик принципи - ишлаб чиқариш жараёнлари-нинг ҳамма ишлаб чиқариш бўғинлари (асосий ва ёрдамчи цехлар, участкалар, ускуналар группаси ва иш жойининг ишлари қобилиятини (вақт бирлигига меҳнат унумборлигининг нисбати) бир-бирига ўзаро аниқ мос келишилгидир. Агар бу қоидаларга амал қилинмаса, номутаносибликлар натижасида «тор жойлар» юзага келади, бу эса ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайишига тўсқинлик қиласи.

Пропорционаллик саноат корхоналарини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш асосида ҳам таъминланади.

4. Ишлаб чиқариш жараённида меҳнат буюмлари ҳаракатини тазлаштириш;

5. Синхронлаш – бу операцияларни вақт жиҳатдан тенглигини таъминлашдир.

Ишлаб чиқариш жараёнини синхорлаш қуийдаги тадбирлардан иборатdir:

а) оғир ишларни бажаришда вақтини қўшимча иш жойлари ташкил этиб операциялар тенглаштириш;

б) меҳнат буюмларини операцияларро ва линиялараро ташпиш вақтларини тенглаштириш;

в) иш жойига хизмат кўрсатишни яхшилаш ва ишчиларнинг дам олиш бўйича, ишлардаги танаффусларини тенглаштириш;

г) меҳнат буюмларининг поток йўлидаги силжиши жараёнининг тугаси билан уларни ташпиш вақтларини бир-бирига мослаш.

Ушбу шартлардан хатто биттасига риоя қилинмаса ҳам ишлаб чиқариш жараёни тўла синхронлашмайди.

6. Ишлаб чиқаришдаги **мўътадиллик** (ритмийлик) тенг вақт ичида бир хил микдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ёки аксинча. Ишлаб чиқаришнинг мутътадиллиги автоматлаштириш учун шароит яратади.

Бир меъёрда маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш

Ишлаб чиқариш жараёнини оқилона ташкил этиш бир меъёрда ва узлуксиз маҳсулот ишлаб чиқаришга шароит яратади. Саноат корхоналарининг бир меъёрда ишлаши, ускуналардан тўғри фойдаланиш, иш билан таъминлаш ва моддий техника таъминотини яхшилашга қаратилган.

Корхоналарни бир меъёрда ишлаши муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Унга эришипдан асосий мақсад жамиятни турли маҳсулотга бўлган эҳтиёжини ўз вактида қондириш.

Корхонанинг ҳамма маблағларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ва ҳамкорликдаги корхоналарнинг, транспорт ва савдо шоҳобчаларининг ишлаб чиқариш маблағларидан самарали фойдаланишдан иборатdir. Саноат корхоналарининг (цеҳ ва ишлаб чиқариш бўйимини) бир меъёрда ишлаши – ишлаб чиқариш маблағидан тўлиқ фойдаланиб, аввалдан тузилган графикка риоя қилиб, корхонани ҳамма бўйимлари томонидан бир меъёрда маълум турдаги ва сифатдаги маҳсулот ишлаб чиқариш режасини бажаришдир.

Корхоналарнинг ҳамма бўғинларининг бир меъёрда ишлаши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ва уни реализация қилишга шароит яратиши, шунингдек маҳсулот тайёрлашда режага амал қилиб, истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириш ва маҳсулотни ўз вактида жўнатишнинг муҳим омилидир.

Корхонани бир меъёрда ишлаш коэффициенти қуийдаги формула бўйича аниқланади:

$$K_m = 1 - \frac{\sum_{1}^n Q_x}{\sum_{1}^n Q_p} \text{ ёки } K_m = 1 - \frac{\sum_{1}^n A_{p\sigma}}{Q_p}$$

бу ерда: K_m – бир меъёрда маҳсулот ишлаб чиқари коэффициенти;
 Q_x – маълум даврда (кун, соат) режа-даражасида, ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;
 Q_p – режа бўйича ишлаб чиқарилладиган маҳсулот ҳажми;
 $A_{p\sigma}$ – режа бажарилмаган кунлардаги (суткадаги) маҳсулот ҳажми.

Масалан, корхонанинг бир декада давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қуийдаги 2-жадвалда берилган.

		Декада күнләри									
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII I	IX	X
Режа	208	20	22	20	21	22	20	20	20	21	22
Факт	173	15	18	16	17	20	20	22	20	17	18

Шу маълумотлар асосида мұттадиллик даражасы

$$K_m = 1 - \frac{27}{208} = 1 - 0,13 = 0,87 \text{ га тенг бўлади.}$$

Саноат корхоналарида технологик ва бошқа жараёнларни илғор, айниқса поток усулларида ташкил этилганда маҳсулотни бир меъёрда, ритмда ишлапшига имкониятлар кенгаяди.

Корхонани мұттадил, бир маромда ишлапшини таъминлаш шартлари қўйидагилар:

- ишлаб чиқариш жараёнини тўғри режалаштириш;
- ишлаб чиқаришни ўз вақтида ва тўлиқ техникавий тайёрлаш;
- ишлаб чиқаришни моддий-техника ресурслари билан аниқ ва бир меъёрда таъминлаб туриш;
- машина ва дастгоҳларни ўз вақтида режа бўйича таъмирлаш;
- ишларни бажаришни ўз вақтида учёта олиш ва назорат қилиш;
- ишлаб чиқаришни ва меҳнатни рационал ташкил этиш;
- малакали кадрларни доимий ишлар билан таъминлаш;
- маҳсулот сифатини ўз вақтида техник назоратдан ўтиш;
- ишлаб чиқариш жараённан узлуксизликни таъминлаш.

Бунда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш имконияти яратилади.

Ишлаб чиқаришни рационал ташкил этиш учун қўйидагиларни таъминлаш зарур:

1. Ўрнатилган технологик жараёнларга ва улар орасидаги боғлиқликни таъминлашга қаттиқ риоя қилиш;
 2. Участкалар, цехлар ўртасида аниқ меҳнат тақсимотини амалга ошириш. Бунинг ишлаб чиқариш ихтисослашган бўлиши лозим.
 3. Меҳнат буюмларини ишлаб чиқаришдаги характеристини белтиланган маромда ва тартибда боришига риоя қилиш;
 4. Дастгоҳлар, ишчиларни рационал жойлаштириш улар ўртасида ишларни аниқ тақсимлаш ва ишчиларга хизмат кўрсатиш.
- Ишлаб чиқаришнинг кўшимча яширин бўш қолган имкониятларини ишга тушуриш, фан-техниканинг янги ютуқларидан фойдаланиш фақат ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш йўли билан таъминланиши мумкин.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишини яхшилалы, такомиллаштириш йүллари бу ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперативлаштириш, комбинатлаштириш, унификациялаш, нормалаштириш илғор усуллардан фойдаланиш ва бошқалар.

4.4. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари

Корхона фаолиятининг асосини ишлаб чиқариш, жараёни ташкил этади.

Қазиб чиқариши саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни бўлиб минерал ҳомъашёни қазиб чиқариш ва ёқилғини табиий заҳиралардан олиш; қайта ишлаш саноатида - ҳомашёни қайта ишлаб истеъмолга яроқли маҳсулот ишлаб чиқариши.

Асосий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги иштирокига қараб ишлаб чиқариш жараёни асосий жараёнларга, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларга ажратилади.

Асосий жараёнларга тўғридан тўғри ҳомашё; материалларни режада кўрсатилган турдаги тайёр маҳсулотта айлантириш жараёнлари киритилади.

Масалан, машинасозлик корхоналарида - чўян, пўлат эритмаларидан қўйилган маълум хил шаклдаги буюмлар, уларга механик ишлов бериш, термик ишлов бериш, штамповка, бўяп ва бошқалар.

Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларга асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи жараёнлар киради. Масалан, асбоб-анжомлар, ускуналар, энергия билан таъминлаш, транспорт хизмати кўрсатиш, яъни барча хизматлар ва шунингдек ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган хизмат ишлари - омбор хўжалиги, лобаратория хизмати, транспорт хизмати, таъминот ва тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиш (сотиш) хизмати, жараёнларни назорат этиш ва бошқалар.

Асосий ишлаб чиқариш бир қанча фазаларга бўлинади:

1. Тайёрлов
2. Қайта ишлаш
3. Йигув (ишлов бериш) ёки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши.

Металлургияда - домна, мартен ва прокат ишлаб чиқариши жараёнлари; пойафзал фабрикаларида - бичиши ва тикиши (йигим) жараёнлари ва шунга ўхшашлар.

Масалан кабель ишлаб чиқариш корхонасида: **Биринчи** - тайёрлов жараёни бўлиб кабелларни тортиш, изоляция қилиш; **Иккинчи** - қайта ишлаш жараёни - ўрапш ва бронировка қилиш. **Учинчи жараён** - шланг кийгизиш, синаб кўриш ишлари амалга оширилади.

Хар бир фазалар ўз навбатида хусусий жараёнлардан таникил топади. Улар маҳсулот тайёрлаш бўйича нисбатан тутгалланган жараён ҳисобланади. Масалан, машинасозликда қуюв

цехида - металлни эритиши, ер формаларини тайёрлаш, унга қуиши, стерженлар тайёрлаш ва ҳ.к.

Хусусий жараёнлар ўз наебатида технологик операцияларга бўлинади.

Технология операциялар деб ишлаб чиқаришнинг бир обьекти - детал ва узел, буюм устидан бир ёки бир неча ишчиларни бир иш жойида бажаётган ишлаб чиқариш жараёнларнинг бир қисмига айтилади. Технология жараёнлар билан бир қаторда айрим корхоналарда табиий жараёнлар ҳам амалга оширилади. Бунда инсон иштирокисиз, лекин унинг назоратида табиий кучлар таъсирида, масалан вино, пиво ичимлигини ачитиш, хамирни ачитиш, иссик буюмларни очиқ ҳавода совутиш, ёғочларни табиий куритиш, металл буюмларни емирилиши ва бошқалар.

Технологик жараёнлар ва табиий жараёнлар биргаликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини ташкил этади.

Хар қандай корхона ўз колича ишлаб чиқариш кучларини бир бутун ишлаб чиқариш жараёнида баргаликда амал қилишини назарда тутади. Шунинг натижасида янги қиймат пайдо бўлади (9-чизмага қаранг).

Янги қийматни яратиш корхона активларини маълум хил қисмлари қийматини, уларни емирилишига яраша аста-секин пировард маҳсулот қийматига қўшилиб бориши билан амалга оширилади. **Янги маҳсулот қийматини яратиш қуйидагиларга боғлиқ бўлади:**

- корхонада амалга ошириладиган жараёнларга;
- шу корхона ишлатадиган хом ашё, материаллар, комплект буюмлар ва хизматларга;
- корхонанинг меҳнат ресурсларига (ишчи хизматчилар сифатига);
- ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни босқичларида ишлатиладиган технологияларга;
- корхона инфра тузилмасига.

9-чизма

Корхона инфратузилмаси				
Ягона ишлаб чиқариш жараёни				
Корхонанинг меҳнат ресурслари				
Дастлабки хом ашё, материаллар, комплект буюмлари ва ташқаридан олинган хизматлар				
Ишлаб чиқариши тайёрлаш	Маҳсулот ишлаб чиқариш	Маҳсулотни сотиш	Маркетинг ва реклама	Маҳсулот сотилгандан кейинги хизматлар

Корхонада маҳсулот қийматини яратиш босқичлари^{*} Шундай қилиб, хусусан янги қиймат корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш мобайнида таркиб топиб боради. Демак, ишлаб чиқариш жараёнларининг босқичлари қуйидагилар:

- ишлаб чиқаришни тайёрлани;
- ишлаб чиқариш;
- тайёр маҳсулотни сотиши;
- маркетинг ва реклама;
- маҳсулот сотилгандан кейинги хизматлар.

Натижада истеъмолчи корхона таклиф этган маҳсулотни олади. Бу ерда билишимиз керакки, янги қийматни яратилишини, маҳсулотни фойдали бўлишини, истеъмолчи олдиндан белгилаган бўлади.

Янги қиймат корхонанинг ишлаб чиқариш активлари (ресурс) миқдорига боғлиқ бўлмайди, фақат унинг ҳар бир истеъмолчи талабларига тезлик билан аҳамият бериш бўйича ички имкониятларига боғлиқ бўлади.

Демак, корхонанинг вазифаси мижозларни қидириб топиш; талабларни ўрганиш; талабга мос келувчи товарлар сифатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, мижозларга товарларни етказиб бериш, маҳсулот сотилгандан кейинги хизматлар режасини шакллантириш ва уни амалга оширишдан иборат.

4.5. Мехнат буюмларини ишлаб чиқаришдаги ҳаракати ва ишлаб чиқариш даври

Мехнат буюмларини ишлаб чиқаришдаги ҳаракати:

- кетма-кет ҳаракати
- паралелл ҳаракати
- аralаш ҳаракати турларда бўлади.

Буюмларнинг ишлаб чиқариш жараёндаги ҳаракат турлари корхона типига ва ундаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш усувларига мувофиқ равишда ишлатилади.

4-жадвал

Ишлаб чиқаришни ташкил этиши			
	Типлари	Усувлари	Турлари
1.	оммавий	потокли	паралелл
2.	серияли	группали	кетма-кет

* Стротег. Планир. С. 97

• В.С.Ефремов «Стратегическое планирование в бизнес системах». Москва. Финпресс. 200 г. С. 98-99

3.	Якка буюртмали ишлаб чиқариш типи	бирламчи	аралаш
----	-----------------------------------	----------	--------

Ишлаб чиқаришнинг оммавий тиши. Оммавий ишлаб чиқариш бир турдаги маҳсулотни нисбатан узлуксиз, доимий равища кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариши, уни тақорорланиб туриши ва участкаларни ихтисослашганлиги билан характерланади.

Бундай корхоналар асосан енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида мавжуддир. Корхона фаолиятининг иктиносиди самарадорлигини ошириши кўп жиҳатдан ўзига хос турдаги ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлиб, янада илғор технологияни жорий этиши ва ишлаб чиқаришни ташкил этиши даражасига биноан белгиланади.

Серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиши, бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет конструкция жиҳатидан ўхшаш, бир хил бўлмаган буюмларга ишлов бериш жараёнларини ифодалайди. Бу хилдаги ишлаб чиқаришга машинасозлик корхоналари мисол бўлаолади.

Маҳсулотни серияли ишлаб чиқарувчи корхоналарда кўпроқ тақорорланадиган маҳсулот тайёрланади, доналаб ишлаб чиқаришга нисбатан маҳсулотнинг тури бирмунча чекланган бўлади.

Серияли ишлаб чиқаришга қўйидаги асосий хусусиятлар хосдир:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларининг (номенклатурасининг) кўплиги ва доимийлиги;
- ихтинослаштирилган иш жойига доимий равища бириктирилган операцияларни бажариш;
- маҳсулотни сериялаб ишлаб чиқариш ва буюмларни, деталларни партиялаб, олдиндан белгиланган тартибда навбатданавбат ишлаб чиқаришга киритиш;
- ихтинослашган ва маҳсус ускуналар билан бирга универсал асбоб-ускуналарни қўллаш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда кўп меҳнат талаб этадиган ва қўл меҳнати ёрдамида бажариладиган ишнинг улушкини камайтириш;
- ишлаб чиқариш жараёнининг нисбатан қисқариш;
- ишлаб чиқаришни оператив бошқарилишини марказлаштириш.

Серияли ишлаб чиқаришнинг турини аниқлайдиган кўрсаткич бир цехда тайёрланадиган деталлар, буюмлар бўйича дастгоҳларнинг юкланиши коэффициенти (K_{cep}) дир ва у қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$K_{cep} = \frac{D_{oc'}}{D_c}$$

Бу ерда: $D_{oc'}$ – деталлар бўйича операцияларнинг сони;
 D_c – цехда ўрнатилиган дастгоҳларнинг сони.

Бирламчи типдаги доналаб маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар хусусияти қўйидагилардан иборат:

- тайёрланадиган маҳсулотнинг кўп хиллилиги, улардан кўпининг ишлаб чиқаришда такрорланмаслити, шунингдек, уларнинг оз миқдорда ишлаб чиқарилиши;
- универсал дастгоҳ ва йигув аебоб ускуналарнинг кўлланилиши;
- кўл билан йигиладиган ва якунловчи операциялар саломгининг катталиги;
- ишлаб чиқариш жараёнининг нисбатан даврийлиги;
- ускуналарни тез-тез созлаш натижасида улардан фойдаланиши коэффициентининг пастлиги;
- универсал дастгоҳлардан, юқори малакали, тажрибали чизмалар асосида мустақил ишлай оладиган ишчилар меҳнатидан фойдаланиши.

Маҳсулотни доналаб ишлаб чиқарадиган корхоналар самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги даражасининг пастлиги, асосий ва ёрдамчи материалларнинг кўп сарфланиши, маҳсулотнинг таннахи юқорилиги билан бошқа корхоналардан фарқ қиласидар.

Бундай корхоналарга турбогенераторлар, катта қувватли эксковаторлар, прокат станлари, блюменглар ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар мисол бўлади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишининг энг илғор усули бу поток усулидир. Бундай шароитда ҳар бир иш жойлари ихтисослашган, технологик жиҳатдан ўхшаш ишлар доимий бўлиб иш жойига бириктириб қўйилган бўлади, иш жойлари технологик жараённи боришига қараб жойлаштирилган, меҳнат буюмлари бир иш жойидан бошқасига бир хил йўналишда транспорт ёрдамида узатилади.

Поток усулида ишлаб чиқаришнинг асосий бўғини бу поток йўлидир. Поток йўли технологик жараёнлар оқимига мос ҳолда кетма-кет жойлаштирилган, ва уларга бириктирилган операцияларни бошқариш учун мўлжалланган иш жойларининг йигиндисидир.

Поток йўлида операциялар синхронлашган бўлади. Натижада, ишлаб чиқаришни пропорционаллиги ва муътадиллиги таъминланади. Бунда опрациялар вақти поток йўлининг тактика тенг ёки унга яқин бўлади. Ишлаб чиқаришда узлуксизлик таъминланади. Бунда маҳсус ихтисослашган дастгоҳлар, машиналар ишлайди.

Поток йўлининг такти бу икки турдаги маҳсулотни кетма-кет ишлаб чиқариш оралигидаги вақтдир. Такт узунлиги (ч) маҳсулот ишлаб чиқариш программаси ва поток йўлининг фойдали иш вақти фондига боғлиқдир.

$$\Psi = \frac{\Phi_p}{N_p}$$

бунда Φ_p - режа давридаги поток йўлининг фойдали иш вақти фонди, (соат, мин);
 N_p - шу даврдаги маҳсулот ишлаб чиқариш программаси, дона.

Мисол. Смена даврида ишчиларни дам олиш вақти 2 марта 10 миндан деб мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 153 дона. Шунда поток йўлининг тактини узунлиги 3 минутта тенг бўлади:

$$\Psi = \frac{480 - 10 \cdot 2}{153} = 3 \text{ мин.}$$

~~транспортировка қилинса (Нт) у жолда кейинги навбатда турган транспортировка қилинса (Нт) у жолда кейинги навбатда турган партиядаги буюмларни узатиш вақти поток йўлининг ритмини (R) кўрсатади. Унинг узунлиги тактини транспортидаги буюмлар партиясининг микдорига кўпайтириш билан топилади: R=g.p tr.~~

Бизнинг мисолимизда $R=3.10=30$ мин.. Тактта тескари бўлган микдор поток йўлининг унумдорлигини ёки ишлаш темпини (суръатини) кўрсатади. Такт 3 мин бўлганда бир минутда ишлаб чиқарилган маҳсулот (деталлар, буюмлар) микдори $1/3$ га тенг бўлади ёки поток йўли бир соат ишлагандан 20 дона буюм ишлаб чиқарилган бўлади.

Операциялар узунлигини (Топ.) поток йўлининг тактига (ч.) нисбати билан бир операцияни бажаришдаги иш жойларининг сони топилади.

$$P = \frac{T_{\text{оп}}}{\chi} = \frac{12}{3} = 4$$

Поток йўлининг такти (ч) ва унинг ҳақиқий иш вақти фонди (Φ_x) асосида узлуксиз синхронлашган поток йўлининг ишлаб чиқариш қуввати топилади:

$$K = \frac{\Phi_x}{\chi}$$

Масалан, поток йўлининг йиллик иш вақти фонди 590000 мин, ишлаш такти - 2,8 мин. У жолда поток йўлининг йиллик қуввати

$K = \frac{590000}{2,8} = 210714$ буюмга тенг. Агар битта буюмға шұндағы деталлардан 7 та ишләтилса (кетса) линия 30102 буюм ишлаб чиқарип керак бўлади.

Ишлаб чиқарини даври ва уни аниқланыс усуллари

Ишлаб чиқарини ташкил этиш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири ишлаб чиқариш жараёнидаги маҳсулотларга сарфланган вақтдир. Бу вақт қанча қисқа бўлса, ишлаб чиқарини ташкил қилиш даражаси шунчак юқори ҳисобланади ва маҳсулот ишлаб чиқариш тезлашади.

Ишлаб чиқариш даври – таркиби бўйича инн бажарини даври ва танаффус даврларига бўлинади. Иш бажарип даври – технологик жараёnlар (операциялар) вақти, ишлаб чиқаришга тайёргарлик билан боғлиқ вақтлардан, табиий жараёnlар, техник назоратни олиб бориш, материалларни цех ва участкаларга, иш жойларига етказиб бериш учун кетадиган вақтлар йиғиндиcидан иборат.

Танаффус вақти – ўз ичига сменалар ўртасидаги танаффус ва узулишлар бошқа ишлар билан ускуналар банд бўлиши натижасида операциялар орасидаги кутиш вақтлари йиғиндиcидан иборат.

Ишлаб чиқарини жараёнидаги танаффуслар иккى гурӯхга бўлинади: Биринчи гурӯхга корхоналарнинг иш режими билан боғлиқ бўлган танаффуслар тааллуқлидир (дам олиш ва байрам кунлари, овқатланиш танаффуси билан боғлиқ бўлган тўхташлар). Бу танаффуслар ишлаб чиқарини ташкил қилиш, иш сменасини тайёрлаш, ускуналарни созлаш ва режа асосида таъмирлаш учун белгиланган бўлади. **Иккинчи гурӯх** – ишлаб чиқарини ташкил этиш билан боғлиқ танаффуслар. Бундай танаффусларни қисқартирилиши ишлаб чиқарини поток усулида ташкил қилиш ва турли хил ишлаб чиқариш участкаларида ишни параллел равишда бажарип натижасида амалга оширилади.

Ишлаб чиқарини даврининг узунлиги – маҳсулот мураккаблиги, уни меҳнат салмоғи, техник ва технологик даражаси, ва ишлаб чиқаришдаги шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Умумий ишлаб чиқариш даври қуйидаги формулага биноан аниқланади:

$$T_{\text{ц}} = \sum t_{\text{тех}} + \sum t_{\text{таб}} + \sum t_{\text{н}} + \sum t_{\text{tp}} + \sum t_{\text{co}} + \sum t_{\text{мо}}$$

бу ерда: $T_{\text{ц}}$ – ишлаб чиқариш даврининг умумий узунлиги (соат, кун);

$\sum t_{\text{тех}}$ – технологик жараёnlарнинг вақти;

$\sum t_{\text{таб}}$ – табиий жараёnlарнинг вақти;

- $\sum t_n$ - техникавий назорат вақти;
 $\sum t_{tp}$ - транспортда ташиш вақти;
 $\sum t_{co}$ - деталларнинг сменалар ва жараёнлар орасида туриб қолиш вақти;
 $\sum t_{mo}$ - ярим тайёр маҳсулотларнинг иш сменалари орасида ва цехлараро омборларда туриб қолиш вақти.

Меҳнат буюмларини ишлаб чиқаришдаги ҳаракатини кетма-кет бориши қуйидагича изоҳланади: Ҳар қайси операцияда деталлар партиялаб ишлаб чиқарилади. Олдинги операциялар бўйича ҳамма деталларга ишлов берилмагунга қадар деталлар кейинги операцияга узатилмайди.

Буюмнинг кетма-кет ҳаракатида ишлаб чиқариш даври (цикл) « T_{kk} » қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$T_{kk} = \sum_1^m t_{dona} \cdot n$$

бу ерда: T_{kk} – буюмларга кетма-кет ишлов беришдаги ишлаб чиқариш даври (мин, соат, кун);

$\sum_1^m t_{dona}$ – деталларга барча операцияларда ишлав бериш вақти.

n – партиядаги деталлар сони.

m – жараёндаги операциялар сони.

Меҳнат буюмларининг кетма-кет силжини, уни ташкил этилишини оддийлиги билан ажралиб туради. Бунда унча қўп бўлмаган бир хил меҳнат буюмлари партиялаб, асосан доналаб ва майда сериялаб ишлаб чиқарилади

Меҳнат буюмлари ишлаб чиқариш жараённада параллел равишда ҳаракат қилганда барча ишчи ўринларида маҳсулот ишлаб чиқариш бир пайтда ҳамма операцияларда бажарилади.

Меҳнат буюмлари параллел ҳаракат қилганда ишлаб чиқариш даври қуйидагича аниқланади:

$$T_{par} = \sum_1^m t_{dona} - (n - 1) \cdot t_{ay}$$

бу ерда: T_{par} – буюмларга параллел ишлов бериш шароитидаги ишлаб чиқариш даври (мин, соат);

t_{ay} – энг узун операцияларнинг бажариш учун сарфланган вақт (мин).

Ишларни параллел равишда олиб бориши усули маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришда қўлланилса, самарали натижага эришиш

мумкин. Бу ишлаб чиқариш даврининг қисқаришига ҳамда ускуналарнинг иш билан бир меъерда таъминланишига имкон яратади. Операцияларни параллел олиб бориш ва кўп сериялаб ишлаб чиқариш амалда кенг тарқалган.

Операцияларни аралаш турда (ҳам параллел, ҳам кетма-кет) олиб бориш, унда ишлаб чиқариладиган деталларни узатиш қисман доналаб, қисман партиялаб ташкил этилади. Бу усул поток линияларда ва партиялаб ишлаб чиқаришни ташкил қилишда, операциялар вақт жихатидан турли хил узуонлиқда бўлгандана ва буюмлар операциядан операцияга нотекисе узатиладиган ишлаб чиқарышларда кенг кўлланилади.

Операцияларни аралаш турда олиб бориш вақтини қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$T_{\text{ик}} = \sum_1^m t_{\text{дона}} \cdot n - \sum_1^m t_k (n - 1)$$

бу ерда: $T_{\text{ик}}$ – буюмларга параллел ва кетма-кет ишлов беришдаги ишлаб чиқариш даври (мин, соат);

$\sum_1^m t_k$ – «қисқа» операцияларни бажариш вақти йигиндиси (мин, соат).

Операцияларни параллел ҳамда кетма-кет ёки аралаш тартибда олиб боришни ускуналар қуввати бир хилда бўлмаган ва операциялар қисман синхронлашган ишлаб чиқарышларда қўллаша мақсадга мувофиқдир.

Партиядаги маҳсулот ҳажмининг ўсиши туталланмаган ишлаб чиқарышнинг ва айланма маблағларнинг ўзгаришига боғлиқ. Маҳсулот партиясининг ҳажмини аниқлаётганда тайёрлаш-якунлаш ва маҳсулот бирлигини тайёрлашга сарфланадиган вақт орасидаги нисбат бирдан-бир асосий омил ҳисобланади, чунки у ускуналардан фойдаланиш даражасига сезиларли таъсир этади. Партиядаги буюмлар сонини қўйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\Pi_k = \frac{t_{\text{ти}}}{t_{\text{дона}} \cdot K_c}$$

бу ерда: $t_{\text{ти}}$ – ишлаб чиқарышни тайёрлаш-якунлаш бўйича партиядаги буюмларга сарфланадиган вақт (мин, соат);

$t_{\text{дона}}$ – маҳсулот бирлигини тайёрлашга сарфланадиган вақт (мин, соат);

K_c – созлаш коэффициенти (тайёрлаш-якунлаш вақтининг партиядаги деталларни ишлаб чиқарышга сарфланган вақтга нисбатан).

Асосий иборалар ва тушунчалар

1. Ихтисослаштириш – бу алоҳида ишлаб чиқариш участкалари цехлар, корхоналар ва тармоқларни ўхшаш бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кўчиришдир.

2. Кооперативлаштириш – бу корхона ва тармоқларнинг бўши турган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш мақсадида, улар ўртасида ўрнатилган доимий ишлаб чиқариш алоқадорлигидир.

3. Концентрациялаштириш – бу майда, бир хил ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни йириклиштиришdir.

4. Комбинатлаштириш – бу турли хил саноат тармоқларига мансуб бўлган ишлаб чиқаришларни хомашё ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида бир комбинатта тўпланишидир.

5. Ишлаб чиқариш жараёни – бу хомашё материалларни тайёр маҳсулотга айлантириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар йигиндишидир.

6. Ишлаб чиқариш даври – бу хомашё материалларни тайёр маҳсулотга айлантириш учун кетган вақт миқдоридир.

Назорат саволлари

1. Икътисодий фаолиятнинг мақсади нима?

2. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари, уларнинг моҳияти.

3. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш қоидалари, типлари, усууллари, турлари ва уларнинг моҳияти.

4. Бир меъорда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг даражасини аниқлаш.

5. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари, фазалари.

6. Корхонада маҳсулот қийматини яратиш босқичлари.

В БОБ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

5.1. Режалаштиришнинг моҳияти ва вазифалари

Ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва тартибли ривожлантириш бошқарув фаолиятининг асосий вазифасидир. Бошқарув ёки раҳбарликсиз ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиб бўлмайди. Бу хилдаги ишлар режа асосида амалга оширилади. Режалаштириш (бизнес-режани тузиш) раҳбарликнинг бир қисмидир.

Демак, менеджмент - «бошқарув», бу турли хил ташкилотлардаги кишиларни бошқариш фаолиятининг хили, вазифалари (функцияси)дир.

Бунда мақсадга эришин учун меҳнат, интеллект ва бошқа кипилар хатти-ҳаракатининг мотивлари (сабаблари) эҳтиёжни юқори даражада таъминлаш, бошқалар томонидан ҳурмат, амалдаги ўсиш, мақоми (статус), тан олиш ва юқори баҳолаш.

Маънавий эҳтиёжлар, ташаббускорлик орқали ўзини кўрсатиш каби усуслар ишлатилади. **Режалаштириш** - бу иқтисодий қонунлар ва тажрибалардан фойдаланиш асосида режаларни, дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш жараёнидир. Масалан, қиймат қонуни талабига кўра маҳсулот баҳоси уни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича ижтимоий зарурий ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим. Жамғариш қонуни эса фойдани бир қисмини ишлаб чиқариши кентайтиришга ажратилишини тақазо этади. **Меҳнат унумдорлигини ошириб бориши қонуни** эса корхоналарни фан-техника янгиликларини ишлатиш асосида меҳнат ва моддий манбаатдорлигини оширади. Ана шундай мақсад ва вазифалар аниқ-равшан бўлгандан сўнг корхона ўзининг стратегик ривожланишининг йўналишларини ишлаб чиқади.

Фирма ва корхоналар - мижозлар, акционерлар, давлат бошқарув ташкилотлари, жамоатчилик билан бўғлиқ ҳолда фаолият кўрсатиш усусларини топишлари, уни кўллашлари зарур. Агар корхонанинг мақсад ва вазифалари жамият қонунлари ва маънавият тамоилиларига мос келса, у ҳолда корхонанинг ишлари муввафоқиятли якувланади. Корхона ҳаёт-мамотининг фалсафаси мулк эгасининг ва ўз ходимларининг гуллаб-яшинаши ва жамият ривожланишини таъминлашга қаратилиши зарур.

Бозор муносабатлари режалаштириш ишларига янгича ёндашини кераклигини объектив зарурият қилиб қўяди. Аввало, шуни айтиш керакки режа тузиш зарурияти турли хил сабаблар билан белгиланади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- келажакни ноаниклиги;
- режани бошқарувдаги аҳамияти;
- иқтисодий натижаларни (оқибатларни) оптималлаштириш.

Ҳақиқатда ҳам, агар корхона ёки қандайдир компаниянинг келажаги аниқ бўлганда эди, доимо режа тузиб боришига ҳожат қолмас эди.

Режалаштириши вазифалари қўйидагилар:

- рақобатчиларга қараганда корхонанинг молиявий барқарорлиги, капиталининг янада рентабеллиги даражасини таъминлаш;

- юкори даражада рақобатбардош маҳсулот сотиш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш ва бозорда корхона салмоғини ошириш,

- янти иш жойларни яратиш республикамизда ижтимоий ривоҷланишини таъминлаш учун жаҳон ҳамжамиятида давлатимиз обрў-эътиборини ошириш.

Режалаштириши жараёнида қўйидаги принципларига амал қилиши зарур.

- режалаштиришда узлуксизликни таъминлаш;
- оптимальлик;
- тежжамиорлик;
- бозор талабига мослашиши (ўзгарувчанлик);
- корхона режаси билан унинг ишлаб чиқариш бўғинлари режасининг ягоналитини таъминлаш;
- зарур соҳаларни ажратиш;
- комплекс ривоҷланишини таъминлаш.

Режалаштириши ўз моҳияти (предмети) бўйича маҳсулот ҳажми, маркетинг ишлари ва уни сотиш, ходимлар сони ва иш ҳаки, корхона қуввати, ишлаб чиқариш ҳаражатлари, ҳаражатлар ва даромад, фойда каби кўрсаткичлардан иборат^{*}.

Режанинг моҳияти 40 га яқин кўрсаткичлар ёрдамида, ёритилади ва бу кўрсаткичлар бўйича вазифалар қабул қилинади, корхона фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Режа кўрсаткичлари:

- натурал ва қиймат кўрсаткичлари;
- миқдорий ва сифат кўрсаткичлари;
- синтетик ва аналитик (хусусий) кўрсаткичлари туругига ажратилади;
- миқдорий кўрсаткичлар - маҳсулотнинг умумий ҳажми-товар маҳсулоти, ялпи маҳсулот, ходимлар сони, фойда, даромад миқдори ва ҳ.к. лар;
- сифат кўрсаткичлар - ишлаб чиқариш рентабеллити, маҳсулот сифати (унинг кўрсаткичлари бўйича), фонд қиймати фонд рентабеллиги ва бошқалар;

* В.В.Кавалев, О.Н. Вролкова. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия» учебник.

«Проспект» Москва, 2002. С. 139.

Ф.Котлер. Основы маркетинга. Москва, «Прогресс», 1990. Гл. 17. С. 574-577.

- маҳсулот бирлиги учун металл ҳаражати, қувват бирлиги учун капитал қўйилмаси;

- натурал кўрсаткичлар - маҳсулот тури, нави, сифати бўйича миқдори;

- меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи.

Режалар турли хил белгилар асосида бир неча хилда бўлади:

- муддати бўйича - узоқ муддатли стратегик режа, жорий (1-3 й) йил учун тузиладиган режа ва қисқа муддатли оператив режа кунлик, ойлик ва бир йиллик режалар^{*};

- режалаштириш объекти бўйича корхона режаси (бизнес-режа), цех, участка, иш жойлари ва бригадалар бўйича.

- ҳужжат турлари бўйича - режа, программа, лойиха, прогноз режалар, буюртма;

- наряд режалар.

Оператив режалар корхона ичидағи цех, участка ва иш жойлари бўйича ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун кўлланилади. Бундай режа ишлаб чиқаришни кун, ойлар мобайнида мўътадил, бир ритмда боришини назорат қилиш, тъминлаш, хўжалик мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиб боришини кузатиш учун зарур бўлади.

5.2. Режалаштириш асослари

Режалаштириш асослари бўлиб қўйидагилар хизмат қиласди:

- кўзланган мақсадга эришиш учун корхона ихтиёрида турган иқтисодий шарт-шароитларни, ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаш;

- режа даврида муҳим ўрин тутадиган бозор хусусиятларини ўрганиш, баҳолаш;

- рақобат даражасини билиш;

- корхона кирган тармоқ хусусиятини ҳисобга олиш;

- корхонанинг ўзини йириклиги;

- мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ҳолатини ҳисобга олиш.

Режа топширикларни тўғрилигини, оптималлигини асослашда норма ва нормативлар муҳим ўрин тутади. Уларсиз режа тузиш мумкин эмас.

Техник-иқтисодий норма ва нормативлар корхона ихтиёрида турган турли хилдаги ресурслардан - хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асбоб-анжомлар, меҳнатидан, ишчиларнинг иш вақтидан, машиналарнинг иш вақтидан, корхона қувватидан унумли фойдаланиш меъёрини кўрсатади. Норма ва нормативлар корхонада

* В.В.Ковлев, О.Н.Волкова. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. «проспект». Москва, 2002, С. 136.

тәжамкорликни таъминловчи, ресурсларни ўрнига қўйиб исроф қилмай фойдаланишини ва умуман ҳаражатларни камайтириб меҳнат унумдорлигини ошириш заруриятини талаб этади

Норма ва нормативлар қўйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Меҳнат (иш вақти) бўйича нормативлар;

2. Меҳнат воситалари (асосий капитал) дан фойдаланиши нормативи;

3. Меҳнат буюмларидан (айланма капиталдан) фойдаланиши нормативи;

4. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш нормативлари. Булар - ишлаб чиқариш даври, тугалланмаган ишлаб чиқаришларни йил охирида ва йил бошидаги колдиги, хомашё материалларининг омбордаги қолдиқ меъёри ва бошқалар.

5. Маҳсулот сифатининг нормативи (меъёри). Бу янги маҳсулот турлари миқдорини умумий маҳсулот хажмидаги салмоғи, олий сифатдаги маҳсулотлар салмоғи, маҳсулот таркибидаги фойдалали моддалар меъёри, буюмларнинг чидамлилиги писиқлиги ва ҳ.к.

6. Ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатлари нормативи, рентабеллик нормаси.

7. Янги лойиҳадаги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириши нормативи. (Ҷехлар, корхоналар қуввати, агрегатлар, дастгоҳлар қуввати).

Норма деб маҳсулот ёки иш бирлигига маълум шароитларда хомашё, материаллар энергия ва иш вақтини (меҳнатни) энг кўп сарф қилиш мумкин бўлган миқдорига айтилади. Белгилантган меъёрдан, нормадан ортиқча сарф қилиши мумкин эмас. Норматив миқдорлар эса ишлаб чиқариш воситаларидан (капиталдан) фойдаланиши даражасини, уларни маҳсулот оғирлигининг, ҳажмининг ҳар бирлигига тўғри келадиган ҳаражат миқдорини ифодалайди. Ҳаражат нормалари меҳнат шароитларини яхшиланиши, янги замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга киритилиши билан унумсиз меҳнат ҳаражатлар, чиқинди ва исрофларни камайиши ҳисобига нисбатан камайиб боради. Унумдорлик нормалари эса ошиб боради. Шундагина улар илгор фан-техника тараққиётни ютуқларини ўзида тўплаган бўлади.

Режалаштиришда бир қанча усуllibар ишлатилади:

1. Баланс усули
2. Мақсадли – дастур, лойиҳа тузиш.
3. Иқтисодий математик усули.

1-Мисол. Моддий ресурслар баланси, талабни ресурсларга мос келишини, тенглигини кўрсатади. Агар режалаштириш жараёнида шу тенгликни йўқлиги юзага чиқса у ҳолда талабни камайтириш ёки қўшимча ресурс олиш имкониятларини қидириш, топиш лозим, режани баланслаштириш керак.

Норматив усул эса норма ва нормативлардан фойдаланишига асосланган.

2-Мисол. Бир дона буюмни ишлаб чиқариш бүйича вақт нормаси 10 соат, йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 120 минг дона. У ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш программасининг меҳнат саломги (охирлиги) 1200 минг норма – соат бўлади.


3-Мисол. Капиталнинг ўтган йиллардаги рентабеллиги 9% бўлди. Агар режа йилида капитал ҳажми 5% кўпайса фойда қанча бўлади? Режа йилидан аввалги йилда корхонанинг баланс қиймати 200млн с. бўлади. У ҳолда режа давридаги фойда қўйидаги миқдорда бўлади: $228,9 = 200 \times 0,09 /$

Графика усуллари турли шаклда ва бўлиши мумкин: сеткали (чиzmaga қаранг), координата ўқларидан тузилган чизиқли бўлиб, бунда X- иш вақти, Y - иш тури. Корхонани заарсизлик нуқтаси ҳам худди шундай ҳисобланади, бунда X-ишлаб чиқариш ҳажми, Y-маҳсулот қиймати.

Сеткали усул янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни режалаштиришда ишлатилади:

9-чиズма

Ишлаб чиқаришни тайёрлишнинг сеткали графити



Бу ерда О-ходиса (масалан, 1-техник топширикни узатиш, 9-тажриба наъмунасини тайёрлаш), иш бажариш муддати (масалан 1-ходисадан 2-ходисагача 20 кун ўтади.

Мақсадли дастур усули мураккаб лойиҳаларни амалга оширишда кўлланилади. Бу усулнинг модели чизмада келтирилган.

Иқтисодий математика усули режалаштиришда турли хил модификацияда кўлланилиши мумкин. Уларнинг моҳияти шундаки, модель бир қанча кўрсаткичлар ва коэффициентлар асосида тузилади. Бошқа омилларга (x) боғлиқ бўлгани топилади, режалаштириладиган ўзгарувчан миқдор (y) топилади.

Масалан, кўрсаткичларни чизиқли боғлиқлиги қуийдаги формулада ифодаланади.

$$y = a_0 + a_1 x_1 + a_2 x_2$$

Бунда у-электроэнергияни истеъмол ҳажми, КВт соат
 X_1 -технологик дастгоҳлар қуввати КВТ;
 X_2 -Ишлаб чиқариш программаси дона

a_0, a_1, a_2 – ретроспектив маълумотлар асосида ҳисоблаш усули билан олинган коэффициентлар.

X_1 ва X_2 режа давридаги миқдорини билан ҳолда режа бўйича электр энергиянинг харажат миқдорининг аниқлаш мумкин.

Фирма ёки корхона фаолиятини турли хил томонларини режалаштиришнинг кўрсатилган усуллари режа тузувчилар, мутахассис ва раҳбар ходимлар учун дастури амалдир.

5.3. Корхонада стратегик режалаштириш

Генри Форд 1926 йили ўзининг «Бугун ва эрта» номли китобида «ўз корхонасида индустрIALIZацияштиришни ўзининг чўққисига чиқарадиган келажакнинг ишлаб чиқариш тизимини яратганлитини» фарх билан ёзган эди. Корхонадан тайёр автомобилни ишлаб чиқаргунча кетган вақт атиги 81 соатни ташкил этар эди. У иқтисодий, технологик ва ижтимоий-сиёсий шароитларга оптимал даражада мос келадиган, айрим ҳолларда уларни ривожланишидан ҳам юқори келадиган тизимни яратди.

Генри Форд эришган ютуқларни уни фикрлаш, стратегик режалаштириш ва бошқариш қобилияти билан изоҳлаш мумкин. Бундай қобилиятта эга бўлган кишилар ҳақида уларга табиат кўра билиш қобилиятини инъом этган дейдилар.

Ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш жараёнида бундай узокни кўра билиш олдинми кечми режа шаклини қабул қилиш учун асос бўлиб қолади.

Хўжаликлар фаолиятини режалаштиришсиз, унинг мақсадини амал қилиш ва ривожланиши йўналишларини, принципларини аниқламасдан ҳар қандай бошқарувни амалга ошириш мумкин эмас. Жамиятнинг ҳар қандай тизимида режалаштириш бошқариш тизимининг умумий функцияларининг (вазифаларининг) асоси бўлиб қолади.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли хилдаги корхона ва хўжаликларнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларни фаолият кўрсата олиши ва ривожланиши йўналишларини танлаш тўлиқ ва бутунича шу корхонанинг менеджерлари зиммасига тушади. Стратегик режалаштириш ва бошқариш вазифалари муҳим аҳамиятга эта бўлади.

Стратегик режалаштириш узок даврга мўлжалланган бўлиб корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти кўлами ва соҳаларининг сифат даражасини ёки умумий миқдорини янада ошириш бўйича мақсад ва вазифаларини шакллантиришни назарда тутади.

«Стратегия» деганда корхона фаолиятининг мақсадлари ва унга эришини воситалари мажмуаси тушунилади. Адабиётларда «Стратегия» тушунчасига ҳозирги вақтда бир хил ёндошиш йўқ.

Стратегик режалаштириш корхонани уни ўзига унчалик аниқ бўлмаган ташки мухит ва омиллар, уларнинг ўзгарувчанлиги билан

боғлиқ бўлган объектив сабаблар туфайли пайдо бўлди. Корхона фаолиятига таъсир этувчи ташқи омиллар ҳақида юқорида айтилган эди.

Стратегик режалаштиришнинг методологик асоси қўйидагилар:

I. Корхона мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида маълум мақсадларга эришиш учун яратилади; унда ресурслар мавжуд бўлиб улар моддий неъматларга (маҳсулотлар, хизматларга) айлантирилади; корхонада ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва сотилган маҳсулот ҳаражатлари ишлаб чиқариш фаолиятининг натижалари билан тақдосланади;

II. Корхона ичидаги муҳитнинг мураккаблиги ва ўзгарувчанлиги. Корхона очиқ иқтисодий фаолият кўрсатувчи тизим сифатида бўлганлиги учун унга бир қанча ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Шунинг учун корхона фаолиятининг самарадорлигини кўп жиҳатдан унинг ана шу шарт-шароитларга мослашини қобилияти билан аниқланади.

III. Ҳар бир корхона ўзига хос (унивал) хусусиятларга эга (бу хусусиятлар ҳакида илгари батафсил айтилган).

Шунинг учун стратегик режа тузишда турли хил корхоналар учун бир хил қарор қабул қилиш тўғри бўлмайди, уларнинг хусусиятларини инобатта олиш зарур.

Корхона бурчи (миссияси) - бу унинг бош мақсади, уни яшаш мақсади, у режа даврида шунга эришиши керак.

Миссия тушунчасига корхона ишлаб чиқаридиган маҳсулотлар; хизматлар хусусияти, бозор тавсилоти мижозларини топишни; даромад олиш мақсади; технологияси, яъни дастгоҳлари тавсилоти, технологик жараёнлар тавсилоти, технологиядаги янги ютуқлар; рақбатбардошлиқ қобилияти, яшай олиш омили ҳақидаги ахборотлар, ўзининг кучли ва бўш томонлари ҳақида, маркетинг, молия, ишлаб чиқариш, технология, ходимлар ахборотлар, хуллас ўзи ҳақидаги фикрлар киради.


Бундан ташқари «Миссия» тушунчасига корхонанинг ташқи қиёғаси, унинг шериклари, мижозлари, жамият олдидаги ижтимоий ва иқтисодий жавобгарлитини ифода этувчи имиджи.

«Миссия» - корхонани ташки дунёга чиқмоқчи бўлган ўз таасуротларини ифодалайди.

«Миссия»:

1. Корхона мақсадини аниқлайди,
2. Корхона мақомини аниқлайди,
3. Корхона ичидаги коммуникацияларни яхшилашга хизмат қиласади.

Стратегик режалаштириши босқичлари (жараёнлари)



«Миссия»га мисол сифатида турли хил корхоналар бўйича ахборотлар келтирамиз:

1. «ЭШПЛ» фирмасида - (шахсий компьютер ишлаб чиқаради) «инсониятни такомиллаштирувчи дунё бўйича интелектуал воситаларини ривожлантиришга хисса қўшиш»
2. Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослашган «Мерк» фирмасининг кўра билишини «Биз инсоният саломатлигини сақлаш ва яхшилаш учун биз бизнес билан шугуллананаиз». Бизнинг барча ҳаракатларимиз шу мақсадга эришиш нуқтаи назаридан ўрганиши зарур.

3. Диснея компаниясининг кўра билиши: «Кишиларни баҳтли қилиш».

4. 10 май 1850 йилда Шотландияда (Глазго) ўзининг савдо маркалари билан жаҳонга машҳур бўлган Томас Джонстоун Липтон кишини хайратта соловучи бозорни сезувчанлиги ва ностандарт рекламаларни ўйлаб топиш қобилияти билан катта мувваффакиятларга эришди. Унинг номи: «Пакетлардаги чой», «Липтон чойини ичинг» деган ёзувлар билан жаҳонга машҳур бўлиб кетди. Ўша даврдаги Америка бизнесменларининг чакириги (девизи) Липтонни ўзига тортди. Бу чакирик: «Биз Худога ишонамиз, лекин ҳамма нарса учун биз нақд пул тўлаймиз» деб кўрсатилган (БВ рўзномаси. 13 май 2004 й. №19 «Томас Липтон»).

5. Макдональдс фирмасининг миссияси: «Кишиларга тез-тез хизмат кўрсатиш, арzon ва иссиқ таом етказиш».

6. IBM компаниясининг миссияси: «Ахборотларга талабни қондириш» Миссиядан фарқ қилган ҳолда «мақсадлар» корхона фаолиятининг аниқ йўналтирилишини кўрсатади.

Фан-техника тараққиётини жадаллик билан бориши корхона ва ташкилотларга ўзларининг ривожланишини бўйича мақеадларини шаклланишига керак бўлган тажрибаларни тўплаш учун вакт қолдирмай кўяди. Иқтисодиётни глобаллашуви шароити корхоналарни барча рақобатчиларни амалда аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолатда қолдирмоқда.* Шунинг учун корхона ва хўжаликларнинг янги таркибий ўзгаришлар тўғрисидаги корхоналари стратегик режалаштиришининг классик ўсиш ва рақобатта боғлиқ эканлигини тушуниш кераклигини кўрсатмоқда.

Амалий ахборотлар таҳлили кўрсатишича, стратегик режалаштиришининг классик назарияси кўрсатмаларидан, ўзларининг кучли томонларини ва рақобатчилик мухитидан чиқишига бўлган ҳаракатини ривожлантириш учун ҳозирги вактда фақат кучсиз бўлган корхоналар (йириклигидан қатъий назар) фойдаланмоқда.

Асосий иборалар ва тушунчалар

1. Режалаштириши - бу иқтисодий қонунлар ва илгор тажрибалардан фойдаланиш асосида режаларни, дастур ва лойхаларни ишлаб чиқариш жараёнидир.

2. Норма - маҳсулот ёки иш бирлигига маълум шароитларда хомашё, материаллар, энергия ва иш вақтини энг кўп сарф қилиш мумкин бўлган миқдоридир.

3. Норматив миқдорлар - ишлаб чиқариш корхона мулкидан фойдаланиши даражасини уларни маҳсулот оғирлигини, ҳажмининг ҳар бирлигига тўғри келадиган харажат миқдоридир.

4. Стратегик режалаштириши - узоқ даврга мўлжалланган бўлиб корхонани ишлаб чиқариш кўлами ва соҳаларининг сифат даражасини ёки умумий миқдорини янада оцириши бўйича мақсад ва вазифаларини шакллантиришни назарда тутади. «Стратегия» тушунчасига ҳозирги вактда бир ҳил ёндошиш йўқ.

Назорат саволлари

1. Режалаштиришнинг можияти, мақсади ва вазифалари.
2. Режалаштириш асослари.
3. Корхонанинг бозор имкониятларини баҳолаш тартиби.
4. Корхонада стратегик режалаштириш вазифалари ва босқичлари.

* Евремов И.С. Стратегическое планирования. Москва. «Финпресс», 2001, С. 75.

VI БОБ. МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

6.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг моҳияти ва кўрсаткичлари

Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси (программаси) корхонани ривожлантириши режасининг ёки бизнес режжанинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Режжанинг бу қисмидаги ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулот ҳажми унинг турлари, нави ва сифат кўрсаткичлари бўйича корхона мажбуриятлари кўрсатилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасида натурага кўрсаткичлар муҳим ўрин тутади. Масалан; тонна, метр, килобайт, соат, кубметр каби кўрсаткичлар. Улар ёрдамида хар бир маҳсулот тури бўйича кимга қанча микдорда маҳсулот ишлаб чиқариши мумкинлигини, сарф-харажатлар микдорининг меъёрини Масалан, маҳсулот бирлиги учун кетадиган иш вақти ёки меҳнат харажатлари, хомъашё, материаллар, ёқилиғи, энергия харажатлари меъёрини, буюртмачилар талабини шартномага кўра бажарищдара жасини аниқлаб бориши мумкин бўлади. Бундан ташкари натурага кўрсаткичлар ёрдамида корхонада хомъашё материалларга ишчи-хизматчиликларга бўлган талабни, меҳнат ҳақи тўловлари микдори, хар бирини маҳсулот учун меҳнат ҳақи (баҳосини) тўловини аниқлаш, ишлаб чиқаришдаги барча бўйинлар (10x участкалар) ўртасида мутаносибликини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакилларини- (концентрациялаштириш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш, комбинатлаштириш) танлаш, хомъашё ресурслари билан таъминлаш, уларнинг захираларини микдорини аниқлаш имконияти яратилади.

Натурага кўрсаткичлар корхона ва тармоқларнинг ўзига хос томонларини, хусусиятларини хам ифода этади, Ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Буларнинг хаммаси ишлаб чиқаришни режалаштириш жараёнида албатта хисобга олиниши зарур. Акс ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида йил давомида узилишилар, туриб қолишилар, натижада иш вақти, дастгоҳлар унумдорлиги, қувватидан ва бошқа ресурслардан фойдаланиш самара сиз бўлиб чиқади, унумсиз харажатлар пайдо бўлади.

Шунинг учун маҳсулот микдорини унинг хусусиятлари ва сифатини тўғри ва тўлароқ ифода этувчи кўрсаткичлар тўғри танлаб олиниши лозим.

Масалан, газмаларни погон ва к.в. м.ларда гиламларни - к.в.м. ва дона ҳисобида гиштни - дона ва кум.м, оқ тунука к.в.м. тоннада, кимёвий толаларни тонна ўрнига тонна метрларда ишлаб чиқариш режалаштирилади.

Машинасозликда дасттоҳлар, машиналар, ускуналарнинг истеъмолга яроқли хусусиятларини тўлароқ ифода этувчи кўрсаткичлар ишлатилади. Масалан, йигирув машиналари дона ҳисобидан ташқари, минг йигирув веретенда ўлчанади, ўзгарувчан ток генераторлари дона ва минг киловатт, электровозлар - дона ва минг от кучи аккумуляторлар - дона ва млн, ампер соат, скрепелар - дона ва минг кумм (чўмичининг ҳажми) ҳисобида ўлчанади.

Қора ва рангли металлургияда маҳсулот сифатидан бозор юқори даражада талаблар қўйилмоқда, Масалан, металл таркибини сифатини яхшилаш, прокат ва трубаларнинг таркибида умуман металл ҳажмини, тоннадаги оғирлигини камайтириб, уларнинг юқори сифатдагиларини ва тоннали бўлганинни саломгини оширишга зарурият туғилмоқда,

Минимал ўғитлар ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчига етказиб бериш улар таркибида шартли бирлиқ ўрната озиқа моддаларни мавжудлигини хисобга олган ҳолда амалга оширилади, демак маҳсулотнинг истеъмол қиймати, истеъмолга яроқлийлик даражаси юқори ўринга қўйилади. Буюртмачилар талабига кўра маҳсулот ишлаб чиқариш натурал ўлчовларда портфелини шакиллантириша (рея тузишда) маҳсулот тури ва нави тушувчанлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Номеникатура - бу маҳсулот турининг натурал бирлигидаги рўйхати.

Ассортименти ҳар бир турдаги маҳсулотни уни сифат хусусиятлари бўйича таркиби, маркаси, сорти, профили каби томонлари билан берилган миқдордан ажратилишидир.

Демак, ассортимент бу ҳар бир турдаги маҳсулотни унинг хиллари, маркаси. Устки кийимлар қандай материалдан тикилишига, фасони, размерига қараб ажратилади. Расмий маълумотларга кўра уларнинг хили 110 та бўлса ассортименти ундан ҳам кўпdir.

Кир ювиш машиналарининг 250 хили; кир ювиш парашогининг 150 хили бор; 90 хилдаги велосипедлар; 85 хилдаги мониторонлар, радиоприёмники 50 хилдан кўпи, телевизорларнинг 45 хили, сотувчилар ва электр приборларни 35 хили маълум. Натурал бирлика маҳсулот ишлаб чиқариш программасида маҳсулотнинг сифат даражаси ҳам кўрсатилади.

Маҳсулот сифати бўйича барча техник - иктиносидӣ кўрсаткичлар, дунё амалиётидаги энг олий даражадаги эришилган ютуклар талабига жавоб бериши керак. Демак, режада маҳсулотларнинг стандарт талаблари ва сертификатлаш шартларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини мўлжаллаш зарур.

Натурал кўрсаткичларнинг аҳамияти юқори бўлишига қарамасдан улар корхонада маҳсулотнинг умумий ҳажмини, ишлаб чиқариш суръатини, таркибини меҳнат ҳажми тўловлари фондини

аниқлаш имкониятими бермайди. Бунинг учун қиймат кўрсаткичлар ишлатилади. Улар ялпи оборотдаги маҳсулот миқдори, ялпи маҳсулот, товар маҳсулоти, реализация маҳсулоти, соф маҳсулот, шартли нормадаги соф маҳсулот, меҳнат сафари (соат-минлар) миқдори бўйича маҳсулот ҳажми, хомашёга ишлов бериш бериш бўйича (НСО) маҳсулот ҳажми.

Бу хил кўрсаткичларни аниқлаш усули қуйидагилардир:

I Режадаги ялпи маҳсулот ($Q_{p.a}$):

$$Q_{p.a} \pm \Delta H + \Delta I$$

Бунда: ΔH - йил бошидаги тутулланмаган ишлаб чиқаришларнинг қолдигини ўзлаштириш;

ΔI - шунинг ўзи маҳсус асбоб-анжомлар, мосламалар бўйича.

II. Режадаги товар маҳсулоти ҳажми ($Q_{p.t}$):

$$Q_{p.t} = Q_t \pm \Delta Q_{O.T} \pm \Delta Q_{J.K.T.}$$

бунда: Q_t - товар маҳсулот ҳажми;

$\Delta Q_{O.T.}$ - омбордаги тайёр маҳсулот ҳажмини ўзгариши;

$\Delta Q_{J.K.T.}$ - режа даврининг (йилидининг) охирда шу йилнинг

бошидагига қараганда жўнатилган маҳсулот қолдигининг ўзгариши.

III. Реализация маҳсулоти ҳажми ($Q_{p.p}$) – товар маҳсулоти товар маҳсулоти ҳажмидан ташқари сотиш учун мўлжалланган ва шу режа даврида уларнинг ҳақини тўлаш керак бўлган маҳсулотдир. Улар, корхона ўзи ишлаб чиқарган ва сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар, саноат характеристидаги ишлар қиймати (шу кунладан, ўз дастгохлари ва транспорт воситаларини капитал таъмирлаш қиймати, ўзининг капитал курилиши учун ва корхона балансида турган бошқа ишлаб чиқариш билан бөглиқ бўлади. Хўжаликлар учун бажарилган ишлар қиймати).

Реализация маҳсулотини режа давридаги ўсишини (Q_p) қуйидагича топилади:

$$Q_p = \frac{Q_{p.p} - Q_{x.p}}{Q_{x.p}} \times 100$$

бунда - $Q_{p.p}$ - режа йилидаги маҳсулотни реализация ҳажми.

$Q_{x.p}$ - ҳисобот йилидаги реализация маҳсулоти ҳажми (келаси даврдаги режа баҳосида).

Бу кўрсаткич - ишлаб чиқариш фаолиятининг натижасини ифодалайди ва корхона фойдаси, ишлаб чиқариш рентабеллигини аниқлашга, соликдаги мажбуриятларни бажаришга, банк билан хомашё етказиб берувчилар, ўзларининг ходимлари билан хисоб-китоб ишларини бажариш ҳаражатларни қоплаш, келаси даврларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ишкониятларини аниқлашга ёрдам беради.

Булардан ташқари шартли - соф маҳсулот, норматив соф маҳсулот, ишлов беришнинг норматив қиймати (НСО), норма - соат ҳисобдаги меҳнат салмоғи кўрсаткичлари ишлатилади.

Шартли-соф маҳсулот унинг миқдори реализация маҳсулотидан моддий ҳаражатлар айирмасига тенг. Иш ҳақи ҳаражатлари, ижтимоий сугурта, амортизация ажратмалари, фойда миқдоридан иборат.

Соф маҳсулот ҳажми товар маҳсулотидан моддий ҳаражатлар ва шунингдек, асосий фондлар амортизациясини суммасини айриш билан топилади.

Демак, соф маҳсулот ҳажмида иш ҳақи ва фойда миқдори қолади. Унинг ҳажмига бошқа корхоналар яратган қийматлар (хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия учун тўловлар амортизация ажратмаси) қўшилмайди.

Бу кўрсаткич шу корхонанинг ўз меҳнати билан яратилган янги қийматни ифода этади ва корхона фаолияти натижаларини тўғри кўрсатади.

Нормадаги соф маҳсулот - бу ходимларнинг ижтимоий ажратмалар билан бирга асосий ва қўшимча иш ҳақини ва норматив фойдали ўз ичига олган маҳсулот баҳосидир.

Ишлов беришнинг норматив қиймати (русчасига -НСО) ўз ичига ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг ижтимоий мағфаатлари учун бўладиган ажратмалар билан бирга асосий ва қўшимча иш ҳақи умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик ҳаражатларини ўз ичига олади.

Бу кўрсаткичлар маҳсулот, хизматлар, ишлар таркибини, меҳнат фонди тўловлари ва ҳ.к. ни таҳлил қилиши учун ишлатилади.

Меҳнат сафари кўрсаткичи маҳсулот бирлигини ва бутун ишлаб чиқариш программасида мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун қанча меҳнат кетишини норма - соатларда ифода этади. Бу кўрсаткич корхонанинг ички хўжалик фаолиятини (пехлар, участкалар) режалаштирилишда зарур бўлади.

6.2. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш программасини шаклланиши

Кишиларнинг талабалари чексиздир, лекин уларни қондириш учун зарур бўлган ресурслар чекланган. Шунинг учун кишилар ўзларининг молиявий имкониятларига яраша энг кўп қониқтирадиган товарларни танлаб оладилар.

Талаб - ҳарид қилиш қобилияти билан белгиланадиган истеъмолдир. Истеъмолчилар кичик, ўртacha ва катта типда бўлиши мумкин. Улар корхоналар, компаниялар ва турли хилдаги хўжаликлардир. Лекин талаблар ишониб бўлмайдиган кўрсаткичдир, чунки улар ўзгариб туради. Кишилар хилма-хил,

янгидан-яңғы нарсаларни қидириб топишга ҳаракат қиласидиган, ҳамма ҳар доим ишлатиладиган, фойдаланадиган бир хил товарларни ёқтиримай қоладилар, мөъдаларига тегади. Товар танлашдаги ҳаракат маҳсулот баҳосини пасайышини ёки кишилар даромадини кўпайтиб бориши билан ҳам боғлиқ бўлади.

Кишилар ўз пулларига энг кўп қониқиши хосил қиласидиганларини танлаб оладилар. Масалан, “Фолсфаген” автомобили транспорт ўзида тўплаган, нархи ҳам нисбатан паст, ёқилгини тежайдиган, европа воситаларидағи элементар воситаларни стандартига мос бўлган машинадир. Лекин “Кодиллак” автомобили юқори даражадаги комофортга, арzonникларга эга Шу пулга шу машинани ҳарид қиласан киши бу хусусиятлардан кўпроқ қониқиши хосил қиласди.

Товар - бу харидор фикрини жалб этиши, ҳарид қилиши, фойдаланиши маҳсадида бозорга сотиш учун чиқарилиган истеъмолни ёки талабни қондирувчи барча нарсалардир.

Фараз қиласизки, аёл киши гўзалроқ бўлишини орзу қиласан бўлса, унинг бу талабини қондирувчи барча товарларни биз товарлар ассортиментини танлаш деб айтамиз. Бундай товарлар ассортименти косметика, янги кийим - бош косметолог хизмати, пластик операция ва бошқаларни ўз ичига олади. Лекин бу хил товарларни барчаси бирдек даражада зарур эмас...

Товар истеъмолчилар ҳоҳишига қанча кўп мос келса, ишлаб чиқарувчи шунчак кўп муваффакиятга эришади. Гап шундаки ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларни излаб топишлари, уларнинг талабларини юзага чиқаришлари, кейин шу товарни яратишлари ва уларга сотишлари зарур.

“Товар” тушиучаси моддий обьектлар билан чекланмайди. **Талабни қондирувчи барча хизмат турлари товар хисобланади.**

Буюмлар ва хизматлардан ташқари шахслар фаолияти, уларнинг манзили, ишлаб чиқаришни, хизматни ташкил этиши шакллари ва фикрлар, гоялар ҳам товар хисобланади.

Агар бозор иштирокчиси, яъни **корхона** маркетингини, истеъмолни юзага чиқариш, зарур хилдаги товарларни яратиш, баҳосини аниқланиш уларни таҳсислаш ва иқтисодий раббатлантириш тизимини устида яхши ишлаб бўлса, бундай товарлар **сотилмай қолмайди**. Ҳар биримиз биламизки истеъмолчилар тез сотиладиган товарларни навбатда туриб ҳам олишга тайёрдирлар.

Шуни ҳам айтиш керакки кўпчилик маркетингини, таъминот ва раббатлантириш ишлари билан бир хил деб хисоблайдилар.

Маркетинг - айрбошлаш йўли билан талаб ва эҳтиёжларни қондиришга қаратилиган кишилик фаолиятининг туридир. Масалан, аёл киши лаб бўёгини «Фабрикада косметика ишлаб чиқарилса, магазинда эса **ишионч сотилади**» деб кўрсатади, фирма раҳбари Чарлз Ревсон. Шунинг учун аёл киши шунчаки лаб учун бўёқ сотиб

олмаслиги ҳаммага түшүнүрлү, ёки магазиндан диометри чоракта бўлган фармалап буюмини харид қўймай, шу диометрдаги оралиқ (тешикни) харид қилинади деб кўрсатади билимдон сотувчилар.

Бошица мисол келтирасак, фақат бифштекс сотилмайди, ундан келадиган истеъмол қўлгандаги иштаҳани қитиқлайдиган хузур, роҳат сотилиши керак. Мижозга шу керак. Шунинг учун бозор иштирокчилари-сотувчилари ҳар қандай товар ортида яширинган талабларни юзага чиқариб, унинг хусусиятларини, ундан келадиган баҳрамандликни, фойдани сотишлари лозим.

Бир хил маҳсулотни ишлаб чиқариш фойдали бошқасини ишлаб чиқариш эса заарли эканлигини белгиловчи истеъмолчи талаби, бозор икътисодиёти унинг хоҳишини эркинлигини чеклайди.

Корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни истеъмолчи талаби билан мослантириш бўймаса ишлаб чиқариш банкротта учраб қолади.

Хомашё ресурсларини етказиб берувчилар ҳам шундай Ишлаб чиқариладиган маҳсулот қандай бўлса унинг учун шундай ресурс керак бўлади. Етказиб берувчилар меҳнат ва моддий ресурслари хисобига максимал фойда олишлари учун бозор тизими талабларига бўйсуниб истеъмол талабаридан келиб чиқиб ресурсларни таъланши лозим. Чунки фақат фойда кўрадиган фирмаларгина шу хилдаги ресурсларга ўз талабларини кўядилар, уларни харид қиласдилар. Демак, истеъмолни қондираоладиган маҳсулотлар учун ресурс етказиб берувчилар ўзлари истаган хилдаги ва сифатидаги ресурсларни етказиб беришда “Эркин” эмаслар.

Бозорлар тизими истеъмолчилар хоҳишини корхоналар ва ресурс етказиб берувчиларга топширади ва улардан қониқарли жавоб олишини кутади*.

6.3. Янги товарлар яратиш стратегияси

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилинни режасини тузини асослари қўйдагилардир:

- истеъмолчи талабларини юзага чиқариш;
- бозор холатини ва истиқболларини ўзгаришини ўрганиш: баҳони қолқиб туриши, валюта курсини ўзгаришини, ташки бозорга чиқиш имкониятлари, раҳобат, фонд бозорининг холати, тадбиркорлик учун имкониятлар мавжудлиги ва бошқалар.

- бозор чегарасини кенгайтириш;
- бозорга янада чукурроқ қириб бориш;
- корхонани ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш;
- солиқ тизимини ўзгаришини таҳлили;

* Экономикс. Кн. I. С. 83

-зарур бўлган ресурслар миқдорини ҳисоблаш. Бунинг учун хомъашё миқдори ва сифатини ўрганиш, уларни етказиб берилиши шартлари, масофаси;

-ходимларнинг миқдорини касби, ва мутахассислиги бўйича хисоблаш;

-инвестиция сиёсатини таҳлил қилиш;

-янги товар турларини яратиш устида иш олиб бориш ва яратиш;

-диверсификация.

Диверсификация шу ўзига ёқмаган тармоқ миқёсида чегараланиб қолмай бошқа фаолият соҳаларига кириб боришни тақозо этади. Бунда янги хабарлар, хизматлар янги бозорларга таклиф этилади. (Ф. Котлер. Основы маркетинга. Москва:, Издат. "Прогресс" 1990 с. 46-52; 83-102, 97-98.)

Ҳар қандай фирма ёки корхона ўз мақсадига етиши учун келажакни кўра билиши, онгли равишда қаёққа қараб кетаётганини билиши зарур. Ўз келажагини ўз холига ташлаб қўйиши лозим эмас. Бундай бўлмаслиги учун фирма бирданига икки тизимдан фойдаланини мумкин:

1. Стратегик режалаштириш;

2. Маркетингли режалаштириш тизими.

Стратегик режалаштириш ҳар қандай фирманинг бир қанча фаолият турлари, яъни маҳсулот турларини борлигидан келиб чиқади.

Аммо бу товарларнинг ҳаммаси истеъмолчини бир хил даражада қизиктирамайди. Шунинг учун қандайдир товарларни ишлаб чиқариш кўпаяди, бошқалари бир хил жажмда ишлаб чиқарилади, учинчи турдагилари эса ишлаб чиқаришдан бўшатилади. Фирма ўзини ўсib, ривожланниб боришига ишонч ҳосил қилиши учун келажаги бор бўлган янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиши керак.

Бундан ташқари фирма ёки корхона ўзининг чекланган ресурслари амал қилиб турган ишлаб чиқаришлари ўртасида қандай тақсимланиши кераклигин аниқ билиши зарур.

Стратегик режалаштиришнинг мақсади фирма кучли ишлаб чиқаришларни топиб, ривожлантириб боришдан ва кучсизларини эса камайтириб ёки умуман, тўхтатиб қўйганидан қаноатланиши керак.

Агар фирма қандайдир аниқ ишлаб чиқариш турини танлаш бўйича бир қарорга келган бўлса энди уларнинг ҳар бири учун батавсил ишлаб чиқилган маркетинг режаси керак бўлади.

Маркетингни режалаштириши деганда ҳар бир алоҳида ишлаб чиқаришлар, товарлар ёки фирманинг товар маркалари учун режа ишлаб чиқарини тушуниш лозим.

Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида катта миқдордаги ва аъло сифатдаги ахборотларни олиш усулларини кучайиб ва тураккаблашиб кетишининг сабаблари қўйдагилардир:

1. Фирма ўзининг бозорини кенгайтириб боради ва ўз мижозларини яхши билади;

2. Сотувчилар маркетингнинг кўпроқ баҳога боғлиқ бўлмаган омилларидан фойдаланадилар. Масалан, товарга марка белгилари бериш, товарни индивидуаллаштириш, реклама ва сотишни рағбатлантириш.

Маркетингли изланиши бу муттасил фирма олдида турган маркетинг ҳолати, улар ҳақидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва натижалари ҳақида ҳисобот беришдир.

Маркетингли ўрганинг чоришини кўйидаги вазифаларни бажарадилар:

- бозорни ўрганадилар;
- бозор имкониятларини хисобга оладилар;
- фирмалар ўртасида бозорни тақсимланишидаги ҳиссасини таҳлил қиласадилар;
- маҳсулотни истеъмолчига етказиш тартибини таҳлили;
- ишиши билармонликдаги фаолликни боришини ўрганиш;
- рақобатчи товарларни ўрганиш;
- юнуси муддатли прогноз режалар тузиш;
- янги товарга бўлган сезувчанлик (реакция)ни ўрганиш;
- узоқ муддатли прогноз режа тузиш;
- баҳо сиёсатини ўрганиш.

Шундай қилиб, биронта бозор иштирокчилари маркетингли изланишсиз фирма мижозларни, рақобатчиларини, диллерлар ва ҳ.к. ларни билиш

Ўрганиш усуллари - кузатиш, эксперимент синов ва сўров усулларидир.

6.4. Хўжалик шартномалари ва уларнинг бажарилишини баҳолаш

«Хўжалик шартномаси» деганда нимани тушунини лозим?

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг хукуқ ва бурчларини белгилаш, ўзgartириш ёки бекор қилишга қаратилган харакатларга шартнома (ёки битимлар) дейилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаралик кодекси (1999 йил) 101; 353 модда; ёки Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги 1998 йил 29 август қонунининг З-моддаси).

Шартнома - бу қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан, деҳқон (фермер) хўжаликлари билан деҳқончилик маҳсулотларини ҳарид қилувчилар (тайёрлов, савдо, қайта

ишиловчи ва бошқалар) ўртасида тузиладиган қонуний хүжжатдир. Шартномага кўра ишлаб чиқарувчи хўжаликлар қислоқ хўжалик маҳсулотларини шартномада назарда тутилган миқдорда, сифатда, ассортиментда (тури ва нави бўйича) ва муддатларда етиштириб бериш мажбуриятларини олса, иккинчи томондан (буортмачи, ёки истеъмолчи) эса уни қабул қилиб олиш, қийматини белгиланган ва келишилган нархларда тўлаш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аванс бериш ва маҳсулотни транспортда ташишида хўжаликка ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Мажбурият – бу фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан, бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳ.к. ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шартномалар – маҳсулот етказиб бериш шартномаларига, хизматлар кўрсатиш бўйича, изжара шартномаларига ва бажариладиган ишларнинг хусусиятига қараб бошқа турларда бўлиши мумкин. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатта (узоқ муддатли-5 йилгача) ёки тарафлар келишувида назарда тутилган бошқа муддатларга тузилиши мумкин. Агар шартномани амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у бир йилга тузилган деб ҳисобланади.

Шартноманинг моҳияти қўйидаги бандлар бўйича ёритилиши мумкин:

- I. Шартнома моҳияти (предмети), нима тўғрисида эканлиги;
- II. Томонларнинг мажбуриятлари;
- 2.2. Мижознинг (истеъмолчининг) мажбуриятлари;
- III. Томонлар ҳуқуқи;
- 3.2. Мижознинг ҳукуқлари;
- IV. Хизматларга истеъмолчининг пул тўловлари миқдори ва муддати;

- V. Томонларнинг жавобгарлиги;
- VI. Форс-Мажор мажбуриятлари;
- VII. Шартноманинг амал қилиш муддати, уни ўзгартириш, узиш тартиби;
- VIII. Шартноманинг бошқа шартлари;
- IX. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва тўлов ҳужжатлари.

Шартнома – эркинлик, ўзаро манфатдорлик, шартнома интизомига риоя қилиш, тарафларнинг мулкий жавобгарлиги принципларига асосланиб тузилади.

Хўжалик шартномаси, қоида тариқасида, тарафлардан бирининг Оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва

иккинчи тараф (таклифни қабул қилиши) акцептлаши йўли билан тузилади.

Офертада шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши шарт.

Оферта йўллаган шахс бошқа шахснинг (мижоз, истеъмолчи ва х.к.) акцептини олган пайтда шартнома тузилган хисобланади.

(Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодекси. Топкент «Адолат» 1996 йил 154-156 бетлар, 27-боб. 364-370 моддалар).

Хўжалик шартномаси ёзма шаклда, 3-нусхада хўжаликни ўзида тузилади.

Офертада шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши шарт.

Тузилган вактдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Агарда оферта ва акцепт талаблари бажарилган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя этилган деб хисобланади.

Хўжалик-шартномани 7 кун ичida имзоланиши ва тайёрловчига етказишга мажбурдир.

Агар шартнома шартлари бўйича хўжаликда эътиroz пайдо бўлса хўжалик худди шу 7 кун ичida келишмовчиликлар баёнининг икки нусхаси билан биргаликда тайёрловчига юборади.

Контрактация шартномасида у келишмовчиликлар билан имзоланганлиги кўрсатилади. **Бу ҳақда маҳсулот тайёрлаши ва унинг сифати бўйича давлат бош инспекциясига албатта маълум қилиниши керак.**

Тайёрловчи (ёки буюртмачи, истеъмолчи) келишмовчиликлар баёнини олгач 5 кун мабойнида уни кўриб чиқишига, қабул қилинган барча таклифларни шартномага киритишига, агар низоли масалалар бўлса худди шу муддатда хўжалик судига мурожат қилишига мажбурдир.

Имзоланган шартнома 3 кун ичida маҳсулот тайёрлаши ва уни сифати бўйича Давлат инспекциясига тақдим этилади. (Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни. 11, 12, 13 моддалар).

Хўжалик шартномалари қандай қонуний ва меъёрий - хуқуқий ҳужжатлар асосида тузилади?

Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзgartириш ва бекор қилишда юзага келадиган муносабатлар «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси», (1999 й). «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисида Низом» (1994й. 29 август), Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисида (1998й. 30 апрель), Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) тўғрисида (1998й. 30 апрель), Декон хўжалиги тўғрисида (1998й. 30 апрель), Ўзбекистон Республикасида

корхоналар тўғрисида (1991 й. 15 февраль), Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисидаги (15 февраль 1991 й. №207-ХII).

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунлари билан тартибга солинади.

Бу қонуннинг I бўлимида «Умумий» - қонуннинг мақсади вазифалари, хўжалик шартномаси тушунган, тадбиркорнинг фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий қонунлари кўrsatилган. Бу қисмлар қўйдагилар:

- хўжалик шартномаларини тузишнинг эркинлиги;
- тарафларнинг ўзгара манфаатдорлиги;
- шартнома интизомига риоя этиш;
- тарафдорларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

Булардан ташқари Конуннинг биринчи бўлимида шартнома тузувчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг шартнома муносабатлари соҳасидаги ваколатлари кўrsatилган. Қонуннинг II бўлими.

Хўжалик шартномасини тузиш, бажариш, ўзgartiriш ва бекор қилиш тартибига бағищланган.

III- бўлим - Хўжалик шартномаси бўйича талабномалар ва саволлар

IV- бўлим - Шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиши.

Хўжалик шартномалари тўғрисидаги Қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилиши.

V- Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик.

Хўжалик шартномаларини тузиш ва корхоналарни шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгарлик. «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (29 август 1998 й.) кўrsatилган.

Шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш нима?

Бу дегани-шартнома хўжаликларнинг юристлари, ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун хужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб қурилиши демакдир. Шартномаларни уларнинг имзоларсиз тузишга ўйл қўйилмайди. (1998 й. 29 август Ўзбекистон Республикаси қонуннинг 21-моддаси).

Агар хўжалик шартномаларида мўлжалланган ишлар қиймати энг кам иш ҳақининг 200 баробаридан ортиб кетса, бундай шартнома юристларнинг ёзма хуносасидан кейингина тузилади.

Дъявлар, бахсларни ҳал қилиши тартиби.

Товарларни етказиб берувчи хўжаликлар учун, ёки хизмат ишларини бажарувчилар учун шартнома мажбуриятдаги камчиликларининг хусусияти, хили ёки ҳолатига қараб, ўзига яраша қонун доирасида чоралар кўрилади. Уларнинг меъёри ҳар хил.

Агар хўжалик шартномалари бажарилмаса, бу тараф бошқа тарафга етказган зарини тўлайди; муддатлари кечикириб юборилса буюртмачига кечикирилган хар бир кун учун 0,5% пения тўлайди (мажбурият бажарилмаган товар қийматидан), бироқ бу пения етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50%-дан ошиб кетмаслиги керак.

Сифати, ассоциенти лозим даражада бажарилмаганлиги учун шундай товарлар (ёки ишлар) қийматининг 20% миқдорида сотиб оловчи жарима ундириб олишга хақлидир; **товарлар бут келмаган** бўлса етишмаёттган товарлар қийматини қўшган ҳолда бут (комплект) бўлмаган товарлар қийматининг 20% миқдорида етказиб берувчидан буюртмачи (сотиб оловчи) жарима ундиришга хақли.

Агар **товарлар лозим даражада ўраб, жойлаштириб жўнатилмаган** бўлса **50% миқдорида жарима тўлайди**.

Сотиб оловчи **товарларни олишни асоссиз** равишда рад этганилиги учун етказиб берувчига ўз вақтида олинмаган товарлар қийматининг 5% миқдорида; тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10% миқдорида жарима тўлайди. Шу билан бирга етказиб берувчи ўз муддатида асоссиз сабабларга кўра товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга хақлидир.

Хисоб-китоблар маҳсулот қабул қилиб олингандан сўнг 3-5 кундан кечикиримай амалга оширилиши керак.

Контрактация шартномасини тизиш муддатини асоссиз ўтказиб юборганиклари учун томонлар хар бир ўтказиб юборилган кун учун энг кам ойлик ишг ҳақини 10% миқдорида, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима тўлайдилар.

Неустойка (жарима, пеня) тўланганилигидан қатъий назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплади.

Шартнома тузиш амалиётида хўжалик судлари қўйидаги камчиликларни юзага чиқарганилар:

- 1) юкоридан кўрсатма кутиб ишлаш ҳоллари;
- 2) масъулиятни тўла ҳис этмаслик;
- 3) имзо чекиш ва муҳр босишида эътиборсизлик, намунавий шартнома шаклларини шундайлигича, хўжаликларнинг хусусиятларини ҳисобга олмай қабул қилиш;
- 4) баъзи бир хўжаликлarda шартноманинг тегишли бандлари тўлдирилмай қолади;
- 5) шартномада маҳсулот баҳосини белгилашда баъзи мутассадди раҳбарлар хўжаликлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларини аниқ ва тўғри ҳисоб-китоб қўйласлик;
- 6) томонларнинг, айниқса истеъмолчининг мулкий жавобгарлигини белгиловчи нормаларни (талабларни) шартномага кирмай қолиши, ва шартнома шартлари бузилган ҳолларда уларни қўлланмаслиги ҳоллари;

7) етиштирилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб ишларини ўз вақтида эмас, балки кечиктириб мавсум охирида, томонлар ўртасида солиштириши далолатномаси тузилгач амалга ошириш;

8) шартномада маҳсулотни сотиш баҳосини тўғри кўрсатмаслик;

9) аванс пулини тўлаш, маҳсулотни етказиб бериш ва хақ тўлаш муддатлари белгиланмай қолади;

10) шартномада мажбуриятни бажармаганлик учун томонлар ўртасидаги моддий жавобгарлик чоралари номутаносиб равишда тақсимланади. Шуни ҳам айтиш керакки, фақат моддий жавобгарлик билан чекланиб қолинган ҳолос. Масалан, гўшт тайёрлаб чиқарувчи хисссадорлик жамияти маҳсулотни ўз вақтида топширмаса 25% жарима тўлаши, тайёрловчи томон эса атиги 5% жарима тўлаши белгиланган;

11) шартнома тузишда айрим хўжалик раҳбарлари, шартномани ўзлари эмас, балки бошқа шахсларга имзолатиб, корхона муҳри билан тасдиқлайдилар;

12) айрим туман хўжаликларида контрактация шартномасини тузишга юзаки қаралади, бу муҳим қонуний ҳужжат номигагина тузилади (бир кунда);

13) контрактация шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда жавобгар шахсларга нисбатан даъво аризалари билан хўжалик судига мурожат қиласидиган ҳоллар кўп. Бу эса шартномага имзо чекувчи хўжалик раҳбарларининг ўз хуқуқларини яхши билмасликларини кўрсатади.

14) Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилоар ўртасида шартномаларни тузишда кўплаб хўжалик раҳбарлари. Бозор қонунларини, шартномаларни тузиш ва мажбуриятларини бажаришта тегишли бўлган қонун ва меъёрий ҳужжатларни яхши билмасликлари.

Корхона фаолиятининг энг олий моҳияти - бу истеъмолчилар талабини ўз вақтида тўла-тўқиз қондиришидир, - дейилган давлат корхонаси тўғрисидаги қонунда. Барча мажбуриятларни бажариш бу корхонанинг вазифасидир. Бу унинг фаолиятини баҳолашининг энг муҳим мезони, критерийсидир. Кейинги йилларда хўжалик шартномаларини бажариш Ўзбекистон корхоналарида анча кўпайди. 1996 йили 98,6%, 1997 йили 98%, 1998 йили 98,3% бўлди. Мажбуриятни бажармайдиган корхоналар сони анчагина камайди. Ҳали етказиб бериilmagan маҳсулотлар кўп. 1998 йили истеъмолчилар 8,8 млрд сўмлик маҳсулотни ололмадилар.

Барча амал қилаётган хўжалик шартномалари бажарилишини баҳолаш ва рагбатлантириш системаси корхоналарни ўз мажбуриятларини 100 фойз бажаришга қаратилган: бундай имтиёзлар, масалан, корхона ихтиёрида қоладиган фойда микдорини кўпайтириш; қайта ишлаш саноатида эса бюджетта тўловларда кўшимча имтиёзлар берилади, тўлов микдори камайтирилади ва корхона ихтиёрида қоладиган фойда 10% га кўпаяди.

Мажбуриятлар бажарилмаса мукофот фонди ҳар бир фоиз учун 3% га камайтирилади, агар мажбурият бажарилса 15% га оширилади;

Хўжалик шартномасидаги мажбуриятларни тўлиқ бажаришга бўлган жавобгарликни ошириш мақсадида корхонани хўжалик фаолияти натижалари бўйича мукофат факат мажбурият бажарилгандагина тўланади.

Бундай мукофат миқдори умумий мукофатнинг 50% дан кам бўлмаслиги зарур.

Агар мажбурият тўлиқ 100% бажарилмаса бундай мукофот тўланмайди.

Маҳсулотларни етказиб беришда камчиликларга йўл қўйилганда камчиликлар ўз вақтида ва ўз жойида йўқотилади. Истеъмолчи талабига биноан корхона йўл қўйган деффектларини 20 кун ичида йўқотиши зарур. Бу муддат ичида деффектлар йўқотилмаса харидор томон камчилиги бўлган маҳсулот қийматидан 20% миқдорида жарима солишга ҳақли. Кўрилган зарур корхона ҳисобига қопланади. Комплект бўлмаган буюмлар учун ҳам уни тузатиш учун поставщикка 20 кун мухлат берилади.

Бундай ҳолда ҳам шундай маҳсулот қийматидан 20% миқдорида жарима ундирилади.

Лекин хўжалик шартномасидаги мажбуриятларни бузилганлиги учун давлат орбитражсида кечкитириб ва жуда кам кўрилади.

6.5. Ишлаб чиқариш бўгинларида маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш дастурини бажарилиши унинг асосий цехлари фаолиятига боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир цех ўзининг бажариладиган ишлари бўйича топшириқ қабул қилиши лозим. Корхонанинг асосий цехларининг ишлаб чиқариш программасини тузиш технологик жараёнларни беришга тескари равишда амалга оширилади. Шуни айтиш керакки технологиянинг ишлаб чиқариш кувватини унинг истеъмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи цехларнинг куввати белгилайди.

Агар машинасозлик корхонаси бир йилда 2800 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун шартнома тузган бўлса, у ҳолда унинг йигув цехи учун 2700 бир маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш лозим, чунки корхона омборида 100 бирл шундай маҳзулотнинг нормадаги заҳираси мавжуд, қайта ишлаш цехида ишлаб чиқаришни узлуксиз давом этиши учун запас (задел) маҳсулотни 20 бирликка кўпайтириш зарур. Тайёрлов цехи кўп ҳолларда технологиядан четга чиқиб брак маҳсулотларга йўл қийилишини ҳисобга олиб (брак режалаштирилади).

2850 бирл. маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш зарур. Шулардан келиб чиқиб корхонанинг асосий цехлари ишлаб чиқариш дастури қўйидагича бўлади (бирл. ҳисобида):

5-жадвал

Кўрсатикичлар	Ҳажми	
	режа	чиқарилган маҳсулот
Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми	-	2800
Йигув цехи	2700	2800
Тайёрлов цехи	2850	2720

Цехлар бўйича қиймат ҳисобида ишлаб чиқариш ҳажми бир бирлик буюмнинг таннархидан ёки корхона ичидаги баҳосидан келиб чиқсан ҳолда топилади.

Кичик корхоналарда цехлар бўйича қиймат кўрсатикчлар аниқланмайди.

Цехлар бўйича йиллик топшириқ кварталларга, ойларга бўлиб кўрсатилади. Асосий цехларда режа топшириқлари барча турдаги маҳсулотлар бўйича кўрсатилади.

Ёрдамчи цехлар программасини корхона ўзлари учун ва бошқа ташкилотлар учун бажариладиган ишлар миқдорига қараб тузадилар.

Корхона бўйича бажариладиган ишлар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қабул қилинса, цех ва участкалар учун топшириқ иш турлари, буюмлар, деталлар, узеллар бўйича яъни тайёр маҳзулотни ишлаб чиқариш керак бўлган унинг бўлаклари бўйича берилади. Ҳар бир иш жойи учун эса - деталлар ва ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича берилади.

Цехларни қабул қилинган топшириқларни бажариш қуввати етадими - йўқми, уни билиш учун бир қанча ҳисоблаш ишлари, таҳлиллар олиб борилади;

- ишлаб чиқарилиши керак бўлган маҳсулотта (ишга) ҳар бир дастгоҳни сарф қиласидиган вақти (соати) аниқланади.

- ўхшаш типдаги дастгоҳларни иш бажара олиш қуввати топилади;

- режа даврида дастгоҳларга ва ишлаб чиқариш майдонларига бериладиган ишлар коэффициенти ҳисобланади;

- дастгоҳлар қувватидаги номутаносибликлар юзага чиқарилиб йўналтирилади;

- дастгоҳлар қуввати етмаган жойларни қувватини ошириш чоралари кўрилади.

Буюмларни ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз давом этиши учун барча цех, участка ва иш жойларида тугалланмаган ишлаб чиқаришларнинг нормадаги миқдори берилиши зарур. Уларнинг

қолдиги меъёридан ошиб кетса тайёр маҳсулот ҳажми камайиб кетади, ва айланма маблағлар ҳаракати, ишлаб чиқариш рентабеллиги пасаяди. Тугалланмаган, чала тайёр буюмларнинг етишмаслиги эса ишлаб чиқаришнинг мўътадил, бир меъёрда боришини бузади, дастгоҳлар ва ишчиларнинг бўш туриб қолишга, маҳсулот сотилишини камайиб кетишига, ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий натижаларини ёмонлашувига олиб келади⁷

Тугалланмаган ишлаб чиқаришларнинг (деталлар, ярим фабрикат буюмлар ва ҳ.к.) ни натурал миқдори ишлаб чиқаришнинг турлича босқичларида турган заҳиралари (запаслари) дир. Бундай заҳиралар тўрут хил бўлади:

1. Технологик;
2. Транспорт заҳираси;
3. Айланма заҳира;
4. Кутимаган ҳолатлар учун мўлжалланган заҳира;
5. Маҳсулот сотилишини ташкил этиш.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилиши зарур, акс ҳолда корхонани кейинги хўжалик йилида ишлаб чиқаришни тиклаш давом этдириш учун зарур бўладиган айланма маблағлари бўлмай қолади.

Шунинг учун ишлаб чиқариш дастурида мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан аввал уни сотиш имкониятларини ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун маркетингли изланишлар олиб бориши ва маҳсулотни сотиш стратегиясини ишлаб чиқиши керак.

Даставвал маълум баҳо даражасида бозорда шаклланадиган талаб асосида сотиш ҳажмини прогноз қилиш зарур бўлади. Маълумки, маҳсулотни сотиш ҳажми бозорда баҳони (бозор баҳосини, мувозанат баҳони) баҳони шаклланшишига боғлиқ мувозанат баҳо эса талаб ва таклифнинг нисбатига боғлиқдир.

Сотиш ҳажми аниқлангандан сўнг уни сотиш стратегияси ташланади. Бунинг учун қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- маҳсулотни сотишнинг энг яроқли шакллари ва усулларини топиш;
- маҳсулотни истеъмолчига етказувчи малакали кадрларни топиш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, ҳукуқ ва жавобгарликларини белгилаш;
- ходимларни муттасил сотишни ташкил этиш усулларига ўргатиш, маркетинг бўйича изланишлар олиб бориши;
- сотиш ҳақида алоқалар, муносабатлар ўрнатишни режалаштириш.

Маҳсулотни истеъмолчига етказиш тизими корхона йириклигига боғлиқ. Йирик корхоналар учун бир қанча сотув шахобчалари ташкил этилади: савдони кўрсатувчи, таклиф этувчилар, диллнерлар, фирманинг магазинлари ва бошқалар. Кичик корхоналар маҳсус савдо шахобчаларида сотишни амалга оширишда

комиссион мукофотлар, нархини тушириб (скидка) ёки савдо оборотидан бошқа процентлар ҳисобига мукофотлар берадилар.

Савдо билан шуғулланувчи мутахассисларнинг товарни сотиш ҳақидаги энг қулай фикр алмашувлари муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қўйидаги ишларни бажариш лозим:

- таклифларни тайёрлаш ва тақдим этиш;
- мижозлар талаби ва таъбини ўрганиш;
- битим тузишга ва фирмага бўлган ишончни таъминлаш, унга психолигик таъсир этиш;
- мижозни маҳсулотни сотиб олишга бўлган ҳоҳишини уйғотиш;
- мижозни шартнома тузишга ва бир қарорга келишига қизиқишни уйғотиш;
- товарлар ҳусусиятини мижозга намойиш қилиш, уни афзаллигини кўреатиш ва бошқалар,
- Янги сотув бозорларини излаб топиш;
- маркетологлар реклама компанияларини хизматидан фойдаланишини ўрганиши керак бўлган;
- ҳўжалик шартномаларини тузиш ва мажбуриятларни бажариши, ҳўжалик шартномаларни тузиш ва корхоналарни шартнома мажбуриятларини бажармаганиликлари учун жавобгарлиги «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий - ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (29 август 1998 й.) кўрсатилган.

Асосий иборалар ва тушунчалар

1. Хўжалик шартномаси - фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзgartириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлардир.

2. Мажбурият - фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян харакатни амалга оширишга, чунонча: мол-мулкни топшириш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш пул тўлаш ва х.к. ёки муайян харакатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса-қарздордан ўзининг мажбуриятларини, бажаришини талаб қилиш ҳусусиятига эга бўлади.

3. Оферта - бир ёки бир неча аниқ кишиларга таклифни киритган шахснинг таклифи асосида тузилган шартнома **ОФЕРТА** дейилади. (Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси. 367-модда).

4. Акцепт - оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси 370-модда).

5. Актив - бухгалтерия ҳисобининг бир қисми бўлиб, унда корхонага тегишли барча нарсалар акс этдирилган бўлади. Моддий

бойликлар, пул маблағлари, олиш керак бўлган қарзлари (маълум муддатлар).

6. **Пассив** - ҳаражатларни даромаддан ошиб кетган миқдорини акс этдиручи бухгалтерия балансининг бир қисми. Тўлов балансидаги дефекит.

7. **Банк** - кредит - молия муассасаси бўлиб, унда корхоналарнинг ёки алоҳида шахсларнинг вақтинча бўш турган пул маблағлари тўплланган бўлади ва уларни кредит (қарз, ссуда) сифатида берилади, мамлакатда пул ҳаракатини тартибга солади.

8. **Бухгалтерия ҳисоби** - хўжалик жараёнларини, уларнинг натижаларини ва пул ҳисобида ишлатилган ресурсларни ҳисоб рақамларida акс этдириш.

9. **Валюта бойликлари** - хорижий валюталар, қимматбаҳо қоғозлар; қимматбаҳо металлар; қимматбаҳо табиий тошлар.

10. **Валюта резервлари** - олтинни марказлаштирилган захираси ва марказий банклардаги ва мамлакатнинг валюта-молиявий ташкилотларида хорижий валюталар.

11. **Валюта** - мамалкат пул бирлиги; хорижий давлатларнинг пул белгиси; хорижий пул бирликларида (вексел, чек ва ҳоказо) ифода этилган муюмаладаги ва тўловдаги ҳамда халқаро ҳисобкитобларда ишлатиладиган кредит маблағлари.

12. **Диверсификация** - шу фирма ишлаб чиқарадиган маҳсулот турини кенгайтириш; мамлакат иқтисодиётини ривожлантишдаги янги сифатли холат.

13. **Дилилер** - кўпинча ўз номидан ва ўз ҳисобидан товарни бошқаларга сотиб юборадиган шахс ёки фирма.

14. **Маҳсулот етказиб берип шартномаси** - шартномага мувофиқ етказиб берувчи келишилган муддатта товарни харидорга мулк сифатида тошириш мажбуриятини олади, харидор эса товарни қабул қилиш ва унинг учун маълум миқдорда пул маблағарини тўлаш мажбуриятини олади.

15. **Мижоз** - доимий харидор, буортмачи.

16. **Контракт** - товарга эгалик қилиш хукуқини сотувчидан харидорга ўтишини мўлжаллаган, товар ва хизматларни олди-сотди шартномаси.

17. **Баҳо либерализацияси** - марказий бошқармалар назоратидан бўшатилишига йўналтирилган баҳони шакллантиришнинг давлат сиёсати ёки бундай назоратни анчагина бўшаштирилиши.

18. **Товар маркаси** - товарлар ёки хизматлар ўхшашлигини бошқа рақобатчиларнинг шундай товарларидан фарқлаш учун зарур бўлган номи, ибора, белги, символ, чизма ёки уларни мутаносиблиги.

19. **Марка номи** - марканинг бир бўлаги, масалан, «Эйвон», «Шеврале».

20. **Марка белгиси (эмблема)** – марка бўлаги, уни англаш мумкин, лекин айтиш қийин (мумкин эмас), масалан, символ, кўриниш, фарқлаб турувчи бўёқ ёки ўзига хос бошқа кўринишлар.

21. **Товар белгиси** – ҳукуқий ҳимоялаш билан таъминланган марка ёки унинг бўлатидир. Товар белгиси сотувчилар ҳукуқини ҳимоя қиласди.

22. **Фьючерс** – келажакда акциялар, облигациялар, валюта ёки товарларни маълум баҳода сотиб олиш бўйича контракт.

23. **Форвард битими** – бугун келишилган муддат ва баҳода келажакда қимматли қофозлар, валюта ва товарларни сотиб олиш бўйича келишув.

24. **Овердрафт** – Европа банкларида кредит олишнинг усуllibаридан бири.

25. **Декарт** – муддатидан аввал пул тўланганлиги учун товар баҳосидан чегирма ёки товон сифати ва микдорини келишув (битим)га кўра мос келмаслиги.

Назорат саволлари

1. **Хўжалик шартномаси деганда нимани туциниши лозим?**
2. Мажбурият нима?
3. Шартнома қандай тузилади ва қандай ҳукуқий ҳужжатлар асос бўлади?
4. Даъволар, баҳсларни ҳал қилиш тартиби қандай?
5. Шартнома тузишдаги камчиликлар нималардан иборат?
6. Хўжалик шартномаларини бажаришни баҳолаш тартиби.

VII БОБ. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ

7.1. Маҳсулот сифати ва сифат кўрсаткичлари

Маҳсулотнинг сифати – шу маҳсулотнинг мўлжалланган мақсадларда фойдаланишга яроқли эканлигини белгиловчи хусусиятлар йиғиндишидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида хилма-хил товарлар чиройли ўралган, жойлаштирилган, ишонарли реклама қилинаётган бўлишига қарамай сифатсиз маҳсулотлар ҳам топилади. Айрим ҳолларда инсон саломатлигига путир етказадиганлари ҳам мавжуд. Мисол, сифати сотилаётган маҳсулот сифатини текшириш бўйича ўтказилган рейд маълумотларидан фойдаланамиз:

- соч бўёқлари ўрнига кишини жалб қиласидан пакетчаларда оддий гилам бўёқлари сотилган;
- хусусий тадбиркорлар маркировкаси бўлмаган, номи кўрсатилмаган, ишлаб чиқариш жойи, қачон чиқарилганлиги, сақлаш муддати номаълум бўлган колбаса маҳсулотларини ҳам сотовуга чиқарадилар;
- лаборатория текширувлари жуда кўп ҳолларда сифатсиз бўлган маргаринлар, пишлоқ, кир ювиш порошоги, шампуналар, сут, маҳсулотлари ва бошқаларни борлигини тасдиқлаган;
- нон маҳсулотларида 50% ҳолатларда намлиги кўп, оғирлиги паст бўлган;
- ош тузида ҳам йод моддаси бўлмаган ва намлиги кўп бўлиб чиқкан;
- сарик ранга бўялган макарон маҳсулотлари таркибига тухум кўшилмаган;
- тиниқ-кўкимтири, сарик сақичларда аллергенлар мавжудлиги топилган;
- муз қаймокнинг кўпгина сортларида кўпик ва краскаларни ниҳоятда кўплиги топилган.

2003 йили 602 та ишлаб чиқариш, 1025 номдаги маҳсулот сифати текширилганда Ўзбекистон бўйича 84,4% корхона стандарт талабаларини бажармаганлиги маълум бўлди. Сифат талабларини бажармаслик «Ўзмевасабзавотвиносаноат» корхоналарида энг кўп - 95,7% ни ташкил этади. Сут маҳсулотлари сифатини бузилиши 88% бўлган. Экспорт маҳсулотларидан 10 млрд сўмлик маҳсулот қайтарилган, импорт маҳсулотларидан эса 58 млн сўмлик.

Ушбу мисоллар кўрсатадики, маҳсулотни сифат томонлари муҳим иқтисодий ҳам ижтимоий аҳамиятга эга. Маҳсулотни юқори сифатда бўлиши, яхши бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат ишлаб чиқарувчининг ўзи учун ҳам истеъмолчи учун ва бутун иқтисодиёт учун ҳам катта аҳамиятта эга.

Юқори сифат – бу фирманинг имиджи, обрёси, ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириб бориш имконияти, бозорда мустаҳкам ўрнашиш ва пировард натижада даромадни ўсиши ва муваффақиятлар гаровидир. Шунинг учун корхонада ва мамлакат миқёсида доимо маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг рақобабардошлигини ошириш тўғрисида қайгурмок, тадбир-чораларни амалга оширмоқ зарур.

Фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари сифатини яхшилаб бориб ўз обрўларини, маркаларини сақлаб туришлари керак, акс ҳолда улар катта зарар кўришлари мумкин.

Масалан, Ташкентдаги 500 киши иштирокида ўтказилган рейтингда харидорларни фирмалар ва савдо маркаларига қанчалик ишониш мумкинлиги ҳақида қўйидаги саволлар берилган эди.*

1. Сиз қандай хизматлар ва товарлар маркасини биласиз?

2. Сизга хизмат қилаётган қандай маркадаги товарлар ва фирмаларга кўпроқ ишонасиз?

3. Сиз қандай маркадаги товарларни харид қилишини ва қандай ишлаб чиқарувчилар хизматидан фойдаланишини афзал кўрасиз?

2001 йили республикамиздаги товар маркаларига 13,5% даражасида ишонч билдирилган. 2002 йили товар маркалари ва фирмаларга ишонч даражаси 9% бўлган. Улар таркибида Ўзбекистондаги фирмалар ва товар маркалари эса 90та бўлган ёки 15,3%.

Саноат маҳсулотининг сифати корхона фаолиятини режалаштиришда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлардан бириди. Унда меҳнатни ташкил қилиш, уни жиҳозланиш даражаси, мутахассисларнинг малакаси, маркетинг ва менежмент ишлари холати ифодаланади. Маҳсулот сифати иктисодий жиҳатдан истеъмол қўйматининг ўлчови ва фойдаланиш даражаси сифатида намоён бўлади.

Маҳсулот сифати истеъмол қўйматидан объектив равишда келиб чиқадиган ва у билан боғлиқ бўлган тушунчадир. Истеъмол қўймати маълум сифатдан ташқарида мавжуд бўлмайди. факат фойдали буюм истеъмол қўйматига эга бўлади.

Маҳсулот хусусияти – бу товарни яратиш, фойдаланиш ва истеъмол қилиш жараёнида объектив равишда намаён бўладиган белгилардир. Маҳсулот хусусияти уни сифат кўрсаткичлари билан аниқланади. Маҳсулот сифатига ва унинг техник – эксплуатацион (фойдаланиш) хусусиятларига баҳо бериш учун қўйидаги кўрсаткичлар гурухи ажратилади:

I. Истеъмол қилиш хусусиятлари бўйича талабни қондирувчи кўрсаткичлар. Масалан, станокнинг ёки машиналарнинг ресурси, юк кўтариш қуввати, қуввати, унумдорлиги, аниқ ишлаши, экскаватор чўмичининг ҳажми, двигателлар цилиндиригининг ҳажми ва фойдали харажатлар

* Экономическое обозрение; январь 2003г, С. 22-23.

коэффициенти (КПД) ва бошқалар. Бу хил кўрсаткичлар маҳсулотларнинг пишиқлигини ифодалайди.

II. Буюмларни конструктив параметрларини характерловчи кўрсаткичлар. Булар - буюмларни унификациялаптириш, агрегативлиги, геометриклиги, габарити.

III. Буюмларни пишиқлилиги, узоқ муддат хизмат қилиши (чиdamлиги), ремонт қилиши қулайлиги кўрсаткичлари. Улар меҳнат воситаларини сифат даражасини ифодалайди..

Машина ва ўлчов асбобларининг сифати уларнинг мустаҳкамлилигига ва узоқ ишлаш қобилиятига қараб аниқланади. Масалан: буюмнинг ишлаш муддати, ремонтлараро даврдаги ишлаш муддати, унификациялапши даражаси, чет эл ва илгор корхоналарда ишлаб чиқарилган буюмларга нисбатан бўлган сифатлилик даражаси ва бошқалар.

Мустаҳкамлилик - буюмнинг мўлжалланган муддатда, ўз хизмат кўрсаткичларини ўзгартирмай, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш хусусиятидир.

Узоқ муддат ишлаш қобилияти буюмнинг, мўлжалланган муддат давомида, зарур бўлган ремонт ишларини ўттан ҳолда, ишлаш қобилиятини ўзгармаслик хусусиятидир.

IV. Эстетик ва эргономик кўрсаткичлар.
Эстетик кўрсаткичлар буюмларни бадиий-конструкторлик томонларидан (архитектура шакли, ташки кўриниши, ишлов беришланилиги, рангини) характерлаб беради. Эргономик кўрсаткичлар буюмларни конструкциясини, психофизиологик ва хизмат қилувчи ходимларни меҳнат гигиенаси талабларига мос келишини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда буюмлардан фойдаланиш қулайликларини кўрсатади.

V. Иқтисодий, яъни тежамкорлик кўрсаткичлари. Масалан, маҳсулотнинг меҳнат салмоғи, материаллар, электроэнергия салмоғи, фойда, самара бирлитига тўғри келадиган ҳаражатларнинг умумий микдори. Хусусан, юк ташувчи машиналарда юк кўтариш қувватининг хар тоннасига тўғри келадиган (кетадиган) метал ҳаражатлари, ёки автомабиль шиналарининг ҳар 1000 км. йўл босишта тўғри келадиган маҳсулот таннархи. Бу гуруҳ кўрсаткичлар брак маҳсулотнинг салмоғи, сифати қониқарсиз бўлган маҳсулотлар учун тўланадиган жарималар, буюмларни кафолатли таъмирлаш ҳаражатлари ва биринчи марта кўришдаёқ сифатли деб топилган маҳсулотнинг салмоғи каби кўрсаткичлар киритилади.

VI. Буюмларни (сорти) сифат тури, навлари. Бу хил кўрсаткичлар истеъмол буюмларига, айрим хил меҳнат буюмларита нисбатан ишлатилади. Бунда маҳсулот сифатини хис қилиш аъзолари ёрдамида - оргонолептик усул билан аниқлаш юқори ўринни эгаллайди. Бу усул маҳсулот сифатини аниқлашни бошқа

обектив усууллари бўлмаганда ва асосан озиқ-овқат саноати корхоналаридан қўлланилади.

VII. Экологик кўрсаткичлар. Улар атроф-муҳитта зарарли таъсири этиши даражасини кўрсатади.

Маҳсулот сифатини тартибли равишда яхшилаш, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг зарур шарти, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлитигини ошириш, халқ фарновонлигини ўстиришининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулотнинг миқдори ва сифати ўзаро диалектик боғлиқдир. Юқори сифатли маҳсулот сифатсиз тайёрланган маҳсулотга нисбатан жамият эҳтиёжларини юқорироқ даражада қондиришга қодир. Демак, маҳсулот сифатини яхшилаш ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча харажатларсиз ошириш демакдир. Мутахассисларни ҳисоблашларига қараганда харажатлар маҳсулот ҳажмини оширишга қилинган харажаттага қараганда 2 марта ортиқдир. Бизнинг корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар дунё стандартларининг талабларини қондира олишилари зарур. Корхонанинг асосий вазифаси халқ ҳўжалиги ва фуқароларнинг шу корхона кам сарф-харажат қилган холда ишлаб чиқарадиган (ишларга, хизматларга) ижтимоий эҳтиёжларини бутун чоралар билан қондиришдан, мамлакатнинг социал-иктисодий тараққиётини жадаллаштиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришдан, ҳамда ана шу асосда ўз жамоаси ва уни аъзолари даромадини оширишни таъминлашдан иборат. Шунга кўрра, мамлакатимизда ўзининг техник-иктисодий кўрсаткичлари бўйича энг яхши дунё намуналарига мос келадиган, ташки бозорда рақобат қилаоладиган юқори самарадорликка эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш зарур бўлади.

7.2. Маҳсулотни сертификатлаш

Бозорни юқори сифатдаги маҳсулот билан тўлдиришнинг муҳим шартларидан бири бу маҳсулотни сертификатлашади. Сертификатлаш – маҳсулотни хусусиятларини жаҳон бозорида ёки алоҳида бир мамлакатда амал қилиб турган халқаро стандартларга, техник шартлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мос келишини тасдиқловчи тадбир ва чоралар мажмуасидир. Сертификат – маҳсулот сифати ва ҳавфсизлигини ўрнатувчи ва таъминловчи нормативдир (мельёрдир).

Сертификатни кўллаш самарадорлиги турли хил соҳаларда кўринади:

- Ижтимоий соҳада – аҳоли соғлиги ва хаётини ҳимоя қилиш ва шунингдек инсон яшаб турган муҳитни ҳимоялашни таъминлаш.

- Рақобатда – мамлакатни жаҳон иқтисодий тизимига кириб бориш, экспортта йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш

йўли билан бошқа мамлакатлар билан мувоффақиятли рақобатда бўлиши.

- **Иқтисодий соҳада** – харидорлар талабини қондиришни яхшилаш, товарларни истеъмол қилишдаги ҳаражатларни камайтириш, ишлаб чиқарувчиларни маҳсулотни сотишни ва фойдасини ошириш.

Демак, сертификация асосида стандартлар ётади. Уларга риоя қилиш ҳар бир корхонанинг асосий вазифасидир. Стандартлар фантехника тараққиёти ютуқларини, амалиёт тўплаган тажрибаларини хисобга олган ҳолда тузилади. **Стандарт (инглизча standard сўзидан олинган бўлиб, меъёр, намуна демакдир)** – қўлланиладиган объектта қўйиладиган (норма) меъёр, коида, талаблар **комплексининг норматив – техник ҳужжатидир**.

Стандартлар географик белгиси бўйича – ҳалқаро, регионал ва миллий стандартларга ажратиласди. Уларнинг ҳар бирида қўйидаги вазифалар ҳал этилади:

Унификациялаш (ягоналек, ўхшашлик), қўллаш мумкинлиги, мос келиши, бир-бирини ўрнуни алмаштириш мумкинлиги, соғлиқни ҳимоялаш иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш, маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш.

Ҳалқаро миқёсида маҳсулот сифати назорати бўлиб ҳозирги вақтда ИСО-9000 (ISO-9000) ҳисобланади. Бу тизимга Европа стандарти – EN 29000 ва Россия стандарти ТОСТ-Р мос келади. У аниқ турдаги маҳсулотни ташқи бозордаги рақобатини авзаллигини ва экспортдан оладиган фойдасини максимал даражада бўлишини таъминлайди.

Аммо ҳали Ўзбекистонда ИСО-9000 асосидаги сифат тизими шакллангани йўқ. Ўздавлатстандарти маълумотлари бўйича атиги **10та корхона сертификатга эга**. Лекин ҳозирда кўрсатилган сифат тизимига бўйича сертификатга даво қиладиган 300 номдаги экспортга мўлжалланган товарлар Ўздавлатстандарти банкida турибди. Сертификат тизими ҳеч кимга боғлиқ эмас, ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам.

Турли хил мамлакатларда улар ўзининг хусусиятларига эга, лекин давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. **Сертификатлаш зарурий, ихтиёрий ва шунингдек. ўзини сертификациялаш ҳақида ариза бериш ва учунчи томондан сертификацияланниш турларига бўлинади.**

Зарурий сертификация инсонга ёки атроф муҳитга (масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, автомобиллар, самалётлар, газ ускуналари, қурилиш материаллари ва бошқалар) ноҳууш таъсир этувчи буюмларга нисбатан қўлланилади.

Эркин (ихтиёрий) сертификация стандартларга асосланади ва маҳсулотни техник ва эксплуатацион хусусиятларига аҳамият беради: ишончлилик, узоқ муддат хизмат қилиши, чидамлилик,

узлуксиз бузулмай ишләши ва бор маҳсулотни бошқасидан фарқлаш фойдалыгина ажратувчи бошқа кўрсаткичлар.

Сертификатлашда маълум хилдаги меъёрий ҳужжат талабларига, буюмлар сифатини назорати даражасини юқорилигига қаттиқ риоя қилиш зарур, ишлаб чиқарувчиларни сифатни сертификациялаш бўйича тўлиқ жавобгарлигига.

Ўзини ўзи сертификациялаш энг ишончли шериклар (партнерлар) учун қўлланилади. Бундай турдаги сертификация АҚШ, Япония, Германия, Канада каби давлатларда кенг тарқалган.

Учунчи томон тузадиган сертификация ташқи ташкилотта тегишилдири. Маҳсулот сифатини талабга жавоб бериси ҳақида ўзи мустақил қарор қабул қиласиди. Четдаги ташкилот сифат тўғрисидаги тадбир-чораларни баҳолайди ва уларни тўғрилигини маъкуллайди, намуналарини синовдан ўтказади ва шунингдек технологик жараёнлар холатини кузатади.

Бундай сертификатлаш мамлакат ичидаги юқори имиджга эга бўлган давлат марказларида қўлланилади. Бу марказлардан бирни берган сертификат маҳсулотни реклама қилиш, харидорга танитиши шакли ҳисобланади.

Сертификатлашдан ўтган маҳсулотта қўйидагича белгилар қўйилади:

- сертификатга мослиги ҳақида ҳужжат берилади;
- маҳсулот - сертификатта мос келганлиги белгиси билан маркировка қилинади;
- сертификатлаш марказларида сотилишига рухсат берилган маҳсулотлар рўйхатига киритилади.

Сертификат буюмларнинг (автоматик линиялар, прокат станлари, прес ва бошқаларнинг) қувват бирлигига берилади; кўплаб ҳажмда оммовий ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга сифат белгиси берилади. Бундай белги сертификациялаш марказининг бош назоратчиси томонидан назорат остида турган партиядаги буюмлардан бирига ёки уларни жойлашишига ва ҳ.к.га қўйилади.

Масалан, ўсимлик ёғи бутилкасидаги этикеткада қўйидаги ёзув бўллади: «Буюртма бўйича ва «ЮНИБРАСКО С.А.» сифатни назорати остида ишлаб чиқарилди» Швейцария. Санэпидемнадзор ва Россия Давлатстандарти сертификациялади».

Хозир бутун дунёда «Таваккалчиликни таҳлил қилишининг назорат нуқтаси критерийси» (ТТҚННК).^{*} номаълум озик-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилишининг янги тизими кенг тарқалган.

ТТҚННК кузатувчи, назорати остида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолчилар жамоаси саломатлиги учун зарар етказмайди, чунки улар экологик тоза маҳсулотлардир.

* Критическая контрольная точка анализа риска (ККТАР)

7.3. Маҳсулот сифатини бошқариши

Ҳар бир республика ўз мустақиллигига эга бўлгандан сўнг сифатни бошқаришининг ўз тизимини янгитдан яратишга тўғри келади. Ўзбекистонда сифатни бошқариш ишлари унинг ҳуқуқий асосларини яратишдан бошланди. «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метереология тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификациялаш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиниши билан маҳсулот сифатини бошқариш бўйича маълум даражада ишлар амалга ошириди.

2002 йил бошига келиб Ўзбекистонда 7та стандарт ишлаб чиқилди, 90та раҳбарлик ҳужжатлари, сертификациялаш бўйича 10та таклиф ишлаб чиқарилди, зарурӣ ва ихтиёрий сертификациялаш обьектлари муттасил кўпайиб бормоқда. Барча ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 70% зарурӣ сертификация қилинган. Сертификация ташкилотлари ва аккредитланган тажриба лабараторияларнинг сони ўсиб бормоқда. 2002 йил бошида уларнинг сони шунга мувофиқ 90та, 260тадан кўп бўлган.

Сифат талабларига мос келшини баҳолаш ва тасдиқлаш жараёнининг турли хиллари ишлатилмоқда: маҳсулотни сифат белгисига мос келишлiği, маркировкаси ихтиёрий сертификациялаш, сифатни назорат этишининг халиқаро тизими тавсия этган модификациялар икки марта ўзгартирилди (ҳозир уларда 10 схема ва ба модификация амал қиласиди).

Ўзбекистон ЕАН системасида истеъмол товарларининг асосланган давлат стандартларининг штрихланган кодини қабул қилди. Унинг ёрдамида барча турдаги маҳсулотларнинг 90% кодланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори 21.09.2001). Буюмнинг штрихли коди товарни барча қоидаларга амал қилинган холда, давлат стандарти талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади. У ишлаб чиқарувчилар ва буюмлар ҳақида ахборотларга эгадир.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти шароитида сифатни бошқаришининг комплекс вазифаларини бажарувчи турли хил ташкилотлар яратилган ва амал қилмоқда. Маҳсулот сифатини бошқариша барча ишларни амалга оширувчи энг катта ташкилот – стандартлаштириш, метереология ва сертификациялаш Ўзбекистон агентлиги. Ўзбекистон давлат стандарти ихтиёрида турли хил ташкилотлар яратилган: стандартлаштириш, метериология, сертификациялаш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳасида илмий тадқиқот ва кадрларни тайёрлаш институтлари, кўп хилдаги лабараториялари бўлган метериологик хизматлар ташкил этилган.

Корхоналарда маҳсулот сифатини бошқаришининг ўз бўлимлари яратилган:

- Ишлаб чиқариш технологияси бўлими – технологик жараёнларни боришини, фаолиятини мувофиқлаштиради.

- Сифат менеджменти бўлими – стандартларни ишлаб чиқарувчи бўлимлар фаолиятни назорат қиласди.

- Технологик назорат бўлими – корхонага кириб келадиган мате-риаллар ва бутловчи деталлар, узеллар сифатини назорат қиласди, уларни синовдан ўtkазади.

- Сифатни кафолати бўлими – тайёр маҳсулот сифатини назорати ва ишлаб чиқаришни барча босқичларидага назоратни амалга оширади.

- Назоратни тугатиш бўлими – тайёр маҳсулотни ташки кўринишини назорати, синовдан ўtkазиш ишларини бажаради.

Бош метереголог хизмати бўлими – ўлчов асбобларини назорати, клибрлаш, созлаш (таъмирлаш).

- Тажриба (синов) - ўлчов лабараторияси.

7.4. Маҳсулот сифатини яхшилашнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ҳисоблаш усули

Маҳсулот сифатини яхшилашдан мақсад уни истеъмол қилиувчиларда иқтисодий самарадорликка эришиш ва пировард натижада минимал ижтимоий меҳнат сарфлаб талабни янада тўлароқ қондиришдир.

Сифати яхшиланган маҳсулотни иқтисодий самарадорлигини асосий мезони бўлиб маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бўйича жонли ва буюмлашган меҳнатни умумий миқдорини тежалиши ҳисобланади.

Юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришда хомашё, материаллар, ярим фабрикатлар, ёқилги, энергия сарфи нормасини ва қийматини ортиши ҳисобига жорий харажатлар миқдори ўзгариши мумкин.

Маҳсулот сифатини яхшилашнайдан олинадиган иқтисодий самарадорлик асосан ундан фойдаланиши шароитида эксплуатация харажатларини, шунингдек таъмирлап ишлари сарфини, дастгоҳларни ишламай бўш туриш вақтини камайиши ва бошқалар ҳисобига ташкил топади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни ва маҳсулотдан фойдаланишини иқтисодий самарадорлигини қўйидаги иқтисодий кўрсаткичлар ифода этади. Булар – таннарх, ултуржи баҳо, маҳсулот сифатини ошириш бўйича қўшшимча харажатлар, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган фойдаланиш мобайниидаги харажатлардир.

Маҳсулот сифатини яхшилашдан олинадиган иқтисодий самарадорлик «Халқ ўйжалигида фойдаланилаётган янги техника, ихтиро ва рационализаторлик таклифларини иқтисодий самарадорлигини аниқлашни методикаси (асосий қўлланмалар)» (1977й.) асосида ҳисоблаб чиқарилади. Бундан ташқари халқ

хўжалиги тармоқларини иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш хусусиятларини инобатга олган йўриқлар ҳам қўлланилади.

Маҳсулот сифатини оширишни иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш ишлаб чиқаришни иски хил варианти бўлишини тақозо қиласди, энг яхши вариант бўлиб, келтирилган ҳаражатлар миқдори минимал даражада бўлган вариант тан олинади. Келтирилган ҳаражатлар таннарх билан нормадаги фойда (даромад) суммасидан иборат бўлади:^{*}

$$X = T + E_n \cdot K$$

Бунда: X – маҳсулот бирлигини келтирилган ҳаражатлари, қиймат бирлигига;

T – маҳсулот (иш) бирлиги таннархи;

K – ишлаб чиқариш капиталининг (фондларининг) бирлигига тўғри келадиган ҳаражатлар (капитал қўйилмалар), қиймат ҳисобида;

E_n – капитал қўйилмаларни норма даражасидаги самарадорлик коэффициенти (0,15).

Ҳисоблаш ишларида капитал қўйилмаларини иқтисодий самарадорлигини норма даражасидаги ягона коэффициенти 0,15га тенг қилиб олинган (қабул қилинган). Бу коэффициент бир сўмлик капитал қўйилмаси маҳсулот таннархини энг ками билан 15 тийинга камайтирилишини талаб этади.

1. Йиллик иқтисодий самарадорлик (C) келтирилган ҳаражатларнинг вариантлар бўйича фарқи билан аниқланади.

$$C = (X_1 - X_2) \cdot Q_2$$

Бунда – Q_2 – сифати яхшиланган маҳсулотнинг йиллик ҳажми.

2. Узоқ муддат хизмат қиласидиган (машиналар, дастгоҳлар, асбоб-анжомлар ва бошқлар) янги ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиши иқтисодий самарадорлиги куйидаги формула билан аниқланади:

$$C = \left[X_1 \cdot \frac{B_2 \cdot \frac{P_1 + E_n}{P_2 + E_n} + \frac{(I_1^1 - I_2^1) - E_n \cdot (K_2^1 - K_1^1)}{P_2 + E_n} - X_2}{B_1} \right] \cdot Q_2$$

Бунда: $\frac{B_2}{B_1}$ – янги меҳнат воситалари бирлигини база даврига нисбатан унумдорлигини ўсишини ҳисобга олиш коэффициенти.

B_1 ва B_2 – эски (база) ва янги меҳнат воситалари бирлигидан фойдаланишдаги йиллик маҳсулот (ишлар) ҳажми.

* Формула белгилари ўзбекча.

$\frac{P_1+E}{P_2+E_n}$ - янги меҳнат воситаларини базадагига нисбатан хизмат қилиш муддатини ўзгаришини ҳисобга олиши коэффициенти.

P_1 ва P_2 - базадаги ва янги меҳнат воситаларини тўла тиклап (ренавация қилиш) учун балансдаги қийматдан ажратмалар миқдори.

Бу миқдорлар, маънавий емирилиш ҳисобга олинган меҳнат воситаларини хизмат қилиш муддатига тескари равишда ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳисоблаш ишларини аниқлигини оширишни зарурый холларидаги қуйидаги усулларни кўллаш мумкин:

$$P = \frac{E}{(1+E)T_c - 1}$$

Бунда: T_c – янги техникани хизмат қилиш муддати;

$(I_1^1 - I_2^1) - E_n \cdot (K_2^1 - K_1^1)$ – истеъмолчиларни янги меҳнат воситаларини $P_2 + E_n$

базадагига нисбатан барча хизмат қилиши муддати мобойнидаги эксплуатация жорий харажатлари ва шу билан боғлиқ капитал қўйилмаларидан олинадиган ажратмалар тежами, сўм ҳисобида:

K_1^1 ва K_2^1 – эски ва янги меҳнат воситалари учун, янги меҳнат воситалари ёрдамида ишлаб чиқариладиган маҳсулот (бажариладиган ишлар) ҳажмига мўлжалланган ажратилилган капитал қўйилмалари миқдори;

I_1^1 ва I_2^1 – мўлжалланган эски (база) ва янги меҳнат воситаларидан фойдаланишдаги истеъмолчиларни йиллик фойдаланиш харажатлари;

Q_2 – ҳисоблаш давридаги янги меҳнат воситаларини ишлаб чиқарадиган йиллик маҳсулоти ҳажми.

Асосий иборалар ва тушунчалар

1. Сертификатлаш (**Маҳсулотни сертификатлаш**) – маҳсулотни хусусиятларини жаҳон бозорида ёки алоҳида бир мамлакатда амал қилиб турган халқаро стандартларга, техник шартлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мос келишини тасдиқловчи тадбир ва чоралар мажмуусидир.

2. Сертификат – бу маҳсулотни сертификатлашдир, маҳсулот сифати ва ҳафғозлигини ўрнатувчи ва таъминловчи нормативдир (меъёрдир).

3. Маҳсулотнинг сифати – шу маҳсулотнинг мўлжалланган мақсадларда фойдаланишга яроқли эканлигини белгиловчи хусусиятлар йигиндисидир.

Назорат саволлари

1. Маҳсулот сифати тўғрисида тушунча.
2. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ва маҳсулотнинг сифат даражасини аниқлаш усули.
3. Маҳсулотни сертификатлаш нима?
4. Маҳсулот сифатини оширишининг иқтисодий самарадорлиги.

VIII БОБ. КОРХОНА МУЛКИ ВА МУЛКДАН ФОЙДАЛАНИШ

8.1. Мулк ва мулкий муносабатлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида кўрсатилишича: “Бозор муносабатларини ривожлантиришига қаратиилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма хил шаклдаги мулк ташкил этади”. Корхона мулкини унинг мустақил балансида ажэ этадиган асосий фондлари ва оборот маблағлари қиймати ва бошқа бойликлар ташкил этади. Корхона тўғрисидаги қонуний хужжатларга кўра қўйидагилар корхона мол-мулкини ташкил этувчи манбалардир:

- таъсис этувчиларнинг пул ва моддий бадаллари;
- маҳсулот, ишлар, хизматларни реализация қилишидан, шунингдек хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар;
- қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар;
- банк ва бошқа карз берувчиларнинг кредитлари;
- капитал маблаг ва бюджетдан дотациялар;
- ташкилотлар, корхоналар ва фукароларнинг текинга ва хайрия мақсадларида берган бадаллари, ионалари, шунингдек мерос тўғрисида, айирбошлиш ва совфа қилиш йўли билан оладиган даромадлари;
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан тақиқланмаган ўзга манбалар.

Мулкнинг ўзи нима? У инсон томонидан уйлаб топилмаган, балки жамият тарихи ривожининг, биринчи навбатда хўжалик ҳаётининг маҳсули ҳисобланади. Ҳаётда мулкчилик буюмларни, моддий неъматларни кимгадир тегишили бўлиши, яъни қишиларнинг буюмларга муносабати сифатида таърифланади. Иқтисодий ишлаб чиқаришда мулкчилик қишиларнинг объектив ахволини, уларнинг синфий фикрларини ва улар ўртасидаги синфий муносабатларини ифодалайди.

Кишиларнинг буюмларга бўлган муносабати уларни ишлаб чиқариш, таксимлаш, айирбоилаш ва истеъмол қилиш жараённида юзага келади. **Мулкчиликни моҳияти ҳам шундадир.** Жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожи ҳам ана шу муносабатлар характеристига боғлиқдир. Умумий мулкчилик йўқ ва булиши мумкин эмас, у ҳар доим тарихан аниқ шаклларда намоён бўлади.

Бизга тарижда мулкчиликнинг бир бирини алмашувчи қўйидаги шакллари маълум: **шахсий, жамоа ва ижтимоий.** Ягона мулкчилик шакли турли хил иқтисодий мазмунга эга булиши мумкин ва уларнинг ижтимоий табиати ҳам хилма хил бўлади.

Мулкчилик шаклларининг моҳиятини шу даврдаги кишиларнинг ишлаб чиқариш муносабатлари белгилайди.

Демак, мулкчилик ўзида жамиятдаги ҳам хуқуқий, ҳам иқтисодий муносабатлар мазмунини ифодалайди.

Агар мулкдан фойдаланиш мумкин бўлмаса, мулк эгасига даромад келтирмаса, унда у «ҳуқуқий функцияси»да қолади. Мулкдан фойдаланиш иқтисодий муносабатлар асосида содир бўлади. Зотан, мулкий муносабатлар хўжалик ва соҳибкорлик фаолияти орқали руёбга чиқади. Бунинг учун мулкка эгалик қилиш зарур.

Ишлаб чиқариш воситаларига юридик жиҳатдан эгалик қилмай ҳеч ким ишлаб чиқаришини амалга ошира олмайди, ишлаб чиқариш воситалари ва улар ёрдамида олинган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шунинг учун мулкий ҳуқуқнинг нормалари (эгалик қилиш, тасарруф этиш, фойдаланиш ҳуқуқи) иқтисодий муносабатларни конкретлаштириш шакли ҳисобланади¹.

Шундай қилиб мулкий муносабатлар - бу ишлаб чиқариш воситалари ва уларнинг ёрдамида яратилган меҳнат маҳсулини ўзлаштириш борасида кишиларнинг бир - бирларига бўлган муносабатлариdir.

Мулк - жамиятдаги мавжуд моддий неъматларни ўзлаштиришнинг тарихий ижтимоий шаклиdir.

Мулк иқтисодий категория сифатида ҳар қандай ижтимоий иқтисодий формацияда ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини ташкил этади ва уларнинг хусусиятларини белгилаб беради. Мулк тарихан олганда жамоа сифатида юзага келади, сўнг хусусий мулкка айланади, нихоят меҳнаткашлар уюшмаси мулкига ўсиб ўтади.

Мулкчилик бу ижтимоий меҳнат маҳсулиdir, мулкчиликнинг ижтимоий иқтисодий жиҳатлари бордир. Ҳар бир тарихий даврда мулкчилик турли хил ва бутунлай турлича ижтимоий муносабатларда ривожланган. **Мулкчиликни тавсифлаганда унинг иқтисодий мазмуни ҳал қилувчи аҳамиятга эга.** Бу шуни билдирадики, мулкнинг туб мазмунини илмий тушуниш учун, биринчи галда унинг обеъктлари, (ер, машиналар, бинолар, истеъмол буюмлари) ёки улар кимга (алоҳида шахсларга, кишилар гуруҳига, давлатга) тегишли эканлитини эмас, балки улар қандай хусусийлаштирилганлигини, бу хусусийлаштириш, қандай ишлаб чиқариш муносабатлари ёрдамида амалга оширилганлигини тушуниш мухимdir.

Меҳнаткашлар уюшмаси мулкни ёки ижтимоий мулк уюшманинг ўз мулки, уларнинг ўзлари ҳам мулк эгаси, ҳам ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Бундай мулк шакли иш кучи билан ишлаб

¹ «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик турғисида»ги қонун, (1990 йил 31октябрь №152-ХII), 1- модда.

чиқариш воситаларининг тўғридан-тўғри бир кишини таъминлайди, эксплуатацияни инкор этади. Демак, мулк обьекти бўлиб инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсулни ва меҳнат ресурслари (иш кучи) хизмат килади.

Мулк обьектлари - бу ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлиқ ва ҳайвонот дунёси, иморатлар, иншоотлар, турар жой ва квартиralар, ихтиrolар, фойдали моддалар, асоб-ускуналар, моддий ва маънавий, маданият буюмлари, саноат намуналари, интеграл микро чизмалар, пуллар, қимматли қозозлар ва бошқа мол-мулклар, топология, селекция ютуқлари, маҳсулот белгилари, қашfiётлар, фан, адабиёт, санъат асарлари, инсонни унумли ва ижодий меҳнат қилиш қобилиятлари, ахборот, илмий ғоялар, техник ишланмалар ва ақлий ижоднинг бошқа обьектларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш хусусидаги муносабатлардир.*

Мулкий ҳуқуқ субъектлари - Ўзбекистонда давлат, жумҳурият фуқаролари, жамоалари, уларнинг уюшмалари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оиласидай ва бошқа бирлашмалари, ҳалқ депутатларининг барча советлари уларнинг ўзи вакил қылган органлар сиймосида, ажнабий давлатлар, ҳалқаро ташкилотлар, бошқа хорижий юридик шахслар ва фуқаролар. Турли юридик шахслар ва фуқаролар бигта мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш воситалари кимники бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам унга тегишли бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасиниг биринчи чакириқ 1-сессиядаги маъруzasида И.Каримов мулкни ҳақиқий эгалари кўлита берипни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиятини тарбиялашда мулкнинг туб моҳияти кўринади деб айтган эди.

Президентимиз **И.Каримов** **таъкидлашича:**
«Хусусийлаштириш соҳасида мулкдорга дуч қелаётган муаммоларни ечиш, унга кенг йўл очиб бериш, кўплаб ҳақиқий мулк эгаларини тарбиялаш мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда, тадбиркорликнинг қонуний базасини мустаҳкамлаш ва унинг давлат томонидан кўллаб қувватланишини таъминлаш керак».

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш З хил йўналишида бўлиши мумкин:

1. Фуқароларни мулкга эгалик қилиш шаклларини кўпайтириб, давлатта боғлиқ бўлмаган кимсаларни яратиш ва шунга яраша хўжаликларнинг ижтимоий тишини яратиш;
2. Давлат хўжалигини ўзини марказдан бўладига маъмурий раҳбарликдан бўшатиш;
3. Хусусийлаштириш орқали давлат ва давлат кооператив мулкини бир қисмини жамиятнинг аъзоларига ва жамоаларига топшириш.

* “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида” ги конун, Т.: 1990й; 31 октябрь, 2-модда

И.Каримов 2002 йил 14 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида «... Ишни хусусийлаштириш дастурига кирган конкрет йирик корхоналардан, биринчи наебатда алоҳида лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган, аввало хорижий инвесторларга тўла сотилиши мўлжалланган корхоналардан бошлиномиз керак».

Тадбиркорларга ва бозор муносабатларини жорий этишга интилаётган шахсларга Ўзбекистон давлатининг фақатигина ҳуқуқий кафолатини бериш кифоя эмас. Шу ҳуқуқлардан ва кафолатлардан тўла фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш бутунги куннинг бош масаласидир. Хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга бугун республикамизнинг иқтисодий тараққиётини таъминловчи омил сифатида қарашнимиз ва қонунчиллик фаолиятимизда бу соҳага худди шу нуқтаи назардан ёндошмомиз даркор.

Биз учун хусусийлаштиришнинг ўзидан ҳам, унинг ишлаб чиқаришни рағбатлантириши, меҳнат маҳсулоти сифатини яхшилаш ва кўпайтиришдан манфаатдорликни ошириши, аҳоли эҳтиёжини қондиришда рақобат мухитини вужудга келтириши, якка ҳокимликни йўқ қилиши ва шу орқали эркин иқтисод пайдо бўлишига имкон мухим ва қимматлироқдир».

Иқтисодий салоҳиятимизни ва даромадимизни янги босқичга кўтаратидан яна бир долзарб вазифа, дейилади, - биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида, - асосий муаммо ва устувор йўналиш - тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг сифатини ҳамда рақобатга чидашини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш маҳсадида иқтисодиётда таркибий-структуравий ўзгаришларни амалга оширишдир.

Жаҳон иқтисодиётида ўз ўринини топишга интилаётган ҳар бир мамлакат, ўзини мустақил деб ҳисоблаган ҳар бир давлат ўз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва йўналишларини белгилаб олиши, жаҳон бозорида рақобатга чидамли маҳсулотларни қандай маблағлардан ишлаб чиқариши зарурлигини ва бу маҳсулотларнинг рақобатлаша олишини қандай қилиб таъминлаш йўлларини аниqlаб олишдан иборатdir.

Хозирги бозорга ўтиш шароитида саноат таркибидаги корхоналар ҳали етарли даражада ўзаро рақобатлашадиган йўқ. Буни маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартномаларни тузишдаги камчиликлардан, рақобат даражасининг ҳали етарли эмаслигидан, истеъмолчилар томонидан буюртмаларнинг кечикиб тушишидан кўриш мумкин. Бозор шароитида корхоналар мустақил равишда ташки иқтисодий алоқаларни кучайтириши лозим. **Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг моҳияти шундаки**, жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлат якка ҳокимлигини тутгатишидир. Лекин бозор ҳукмига бўйсунмаган ижтимоий-иктисодий муаммоларни: миллий мудофаа, жамиятда тартиб ўрнатиш, табиатни муҳофаза

қилиш, фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, иқтисодий муаммолар, табиий ресурслардан фойдаланишдаги қийинчиликлар ва ҳоказоларни давлат бошқаради.

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни, уларнинг шаклларини ва тузилишини, турларини кўпайтиришининг ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий-маънавий ва маънавий ривожланишини, шахснинг барча фуқаролик ҳукуқларини, эркинлигининг ривожланишини қайта яратиш лозим.

Бозор механизмини шакллантиришнинг иқтисодий шароити ўз ичига банк, биржа системаларини, корхона бозорини, иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш давлат ташкилотларини олади. Банк системаси бозор иқтисодиётини яратиб бориши билан турли хилларга ажралиб кетади. Кредит ва молия муассасаларига ажратилади. Кейинги вакътларда амал қилаётган давлат ва коммерция банкларидан ташқари ер, акционер, коммунал хўжалиги банкларини яратиш лозим бўлади.

Келажакда банклар назорат қилувчи ташкилотлар билан тенг ҳукуқга эга бўлган иқтисодий ҳамкорга айланиб, уларнинг вазифаси фақат корхоналарнинг бўни турган пулларини жойлаштиришдан ташқари тадбиркорлик ишларини амалга ошириш ва валюталар билан савдо қилишдан иборат бўлади. Биржалар бозор инфратузилмасининг зарурий элементи сифатида корхоналарнинг фаолиятини самарадор бўлишини кўп жиҳатдан белгилайди. Ҳозирги вакътда амал қилаётган товар, фонд, меҳнат биржалари корхоналарни ресурслар билан таъминлаш вазифасини ўз зиммаларига тўлиқ олганлари йўқ. Улар корхонанинг иқтисодий ҳолатини барометри бўлолгани йўқ. Бозор муносабатларига ўтиш жараёни янгича мулкий муносабатларни шаклланиб ривожланиб боришига боғлиқдир.

Бу хил муҳим вазифалар халқ хўжалигининг дастлабки ишлаб чиқариш бўғини бўлган корхоналар, фирмалар ва турли мулк шаклларига асосланган товар ишлаб чиқарувчи хўжаликлар фаолиятига маркетинг усули билан ёндошиш орқали муваффақиятли ҳал этилади.

8.2. Капитал тўғрисида тушунча

Капитал - ҳал қилувчи иқтисодий категориялардан биридир. Капитал, биз юқорида кўрганимиздек, бу кишилар томонидан бошқа товарларни ишлаб чиқариш ва ишларни бажариш учун илгари яратилган, узоқ давр хизмат қиласидиган, барча ишлаб чиқариш воситаларида ўз ифодасини топган ишлаб чиқариши омилидир. Буларга асбоб-анжомлар, дастгоҳлар, бинолар, иншоатлар ва шунга ўхшашлар киради. Иқтисодиётда “капитал” тушунунчасидан ташқари “инвестиция”, “инвестицион ресурслар” тушунчаси ҳам ишлатилади.

“Капитал” ибораси ишлаб чиқариш воситаларини яратиш учун катта ҳажмда сарфланганл пул маблағлариdir (ёки капитал қўйилмалардир).

“Инвестиция” - узоқ муддат хизмат қиладиган ишлаб чиқариш воситаларини яратиш учун ажратилган, мўлжалланган лекин ҳали сарф этилмаган (моддийлашмаган) капиталdir. Ҳозирдаги жорий ишлаб чиқаришни бир қисми асосий фондларни кўпайтириш учун ишлатилгандагина инвестиция юзага келади.

Бошқача қилиб айтсак, инвестиция - тадбиркорлик ва бошқа фаолият соҳаларига киритилиб, даромад келтирадиган ва ижтимоий самарага эришишини таъминлайдиган моддий ва интеллектуал (ақлий билим) бойликлардир.*

Капитал:

- мулкдорлар билан ёлланган ходимлар орасидаги муносабатларни;
- мулкдорларни ўзларини ўртасидаги муносабатларни қамраб олади.

Капиталга уч хил таъриф берилади:

1. Капитал - ўзи қўпаючи қиймат. Бундай таъриф капиталнинг умумий формуласидан П-Т-П¹ келиб чиқади, бунда П¹-бу дастлаб авансланган капитал (П) билан қўшимча қиймат йиғиндишидир.

2. Капитал - бу буюм эмас, маълум даражадаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар бўлиб, улар буюмларда ифодаланади ва уларга ижтимоий тус беради (машиналар, бинолар, пуллар ва ҳ.к.лар). Улардан ёлланган ишчи кучи ёрдамида фойдаланилгандагина капитал бўла олади. Капитал ўз эгасига фойда келтириши зарур.

3. Капитал - бу ҳаракат, тўхговсиз айланиш жараёнидир. Унга жим ётган буюм сифатида эмас, фақат ҳаракатдаги нарса деб тушуниш лозим.

Иктисиёт назарияси капитални қуидаги турларга ажратади:

1. Молиявий (пул) капитали-маълум қийматта эга бўлган пул ва қимматбаҳо қоғозларнинг йиғиндишидир.

2. Жисмоний (техникавий) капитал. Бундай капитал бўлиб ишлаб чиқаришнинг турли хил босқичларида ишлатиладиган ва инсоннинг меҳнат унумдорлигини оширадиган (станоклар, бинолар, компьютерлар ва шунга ўхшашлар) моддий воситалар йиғиндиси ҳисобланади.

Улар инвестицияларнинг натижаси бўлиб маълум давр мобайнида даромад келтириб туради.

Жисмоний капитал - айрим қимматбаҳо қоғозлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлар мажмуасидир. Лекин бу ҳуқуқлар унинг эгасига деч қандай меҳнат харажатларисиз даромад

* В.А.Калашников. Словарь рыночной экономики. М.:1993 С.21.

келтиради. Бошқача қилиб айтсак, жисмоний капитал товарлар ишлаб чиқариш ва ишларни бажаришда иштирок этадиган, илгари ишлаб чиқарилган товар захиралариидир. **Капитал қўйилмалари** харажат сифатида қўйидаги ишларга мўлжалланган бўлади:

- ишлаб чиқариш объектларини қуришга;
- ноишлаб чиқариш объектларини қуришга, яратишга.

Масалан, маданий-маиший муассасаларни яратиш, маъмурий биноларни қуриш, лойиха-тадқиқот ва геологик қидирув ишлари учун ва х.к.

Демак, иқтисодиёт тўплаган асосий фондлар - техника воситалари, бинолар, теливизорлар, темир йўллар, сомалётлар ва х.кларнинг умумий захираси жисмоний капитал ҳисобланади. Асосий фондлар инвестиция харажатлари ёки капитал қўйилмалари ҳисобига кўпайиб боради. Жисмоний капитални ердан фарқи шуки ер фонди кўпаймайди. Ернинг миқдори чекланган, у табиат берган неъмат, у қайта ишлаб чиқарилмайди. Лекин у ҳам ишлаб чиқариш омилидир. Амалиётда улар ўртасидаги фарқни ажратиш қўйин.

3. Инсоний капитал. Бу шундай қўйилмаларки, улар кишиларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини кўпайтиришга олиб келади. "Капитал" тушунчаси ҳар хил олимлар томонидан ўз даврига, улар-нинг тушунчасига, капиталдан фойдаланиши мақсадига қараб турлича талқин этилган. Инсоний капитал бу кишиларда тўпланган даромад келтира олиши қобилиятидир. Инсоний капитал - тутгма иқтидор ва қобилиятни, шижоатни, шунингдек билим ва олинган касб малакасини ўзида тўплаган бўлади. Инсон капитали ҳам машина ва дастоҳларга ўхшаш инсон ўзи учун ўзи ёки ота-оналари ёрдамида ўқиши учун, малакасини ошириш учун инвестиция харажатлари ҳисобига яратилади. Инсоний капитал учун инвестициялар вақт ўтиши билан кўпроқ фойда келтирадиган, қониқиши ҳосил қиласидиган ишларни бажариш ва юқори даражада меҳнат ҳақи олиши ҳисобига қопланиб кетади.

Айрим олимлар (меркантелистлар) миллиатнинг бойлиги савдода, яъни муомала соҳасида деб қараб капитал тушунчасини шундан келтириб чиқаришган.

Қанча кўп товар сотилса, қимматга сотилса фойда шунча кўп бўлади, демак капитал - бу пул, олтин деб қарашган. Улар муомала жараёнида кўпайиб боради.

Физократлар - бойлик муомала жараёнида эмас, ишлаб чиқариш соҳасида, фақат қишлоқ хўжалиги ва деҳқончиликда деб ҳисоблашган. Улар фикрича капитал - бу ерга сарфланган маблағлардир. Бу хил кишилар саноат ва савдони унумсиз соҳа деб ҳисоблашган.

Инглиз классклари капитал тушунчасини саноатга ҳам кўллаганлар. «Иқтисодиёт назарияси» асосчиларидан бири А.Смит (1723-1790й) капитални кейинчалик ишлаб чиқарышни юргазиши

учун мүлжалланган захиралар; меҳнатни ишга соладиган куч деб қараган. Д.Рикардо фикрича, капитал - бу меҳнатни ҳаракатта келтирувчи барча воситалар: озиқ-овқат, кийим-бош, асбоб-анжомлар, машиналар ва ҳоказолар бўлиб ишлаб чиқаришда ишлатилади ва мамлакат бойлигининг бир қисмини ташкил этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, барча иктисадчилар-нинг ягона фикри шундаки, бир томондан капитал - бу меҳнат билан яратилган ва товарларни ишлаб чиқариши, хизмат ишларини бажариши учун ишлатиладиган барча неъматлардир ва иккинчи томондан бу неъматлар даромад келтириши қобилиятига эга.

Шундай қилиб, капитал келтирилган, яратилган вақтдан бошлаб ишлаб чиқаришда узоқ йиллар хизмат қилувчи ишлаб чиқариши омилидир.

Капитал ва ер биргаликда мамлакат моддий бойлигини ташкил этади. Улар узоқ давр мобайнида ишлатилади ва маълум қийматга эта бўлади. Лекин молиявий бойлик моддий бойликтан фарқ қиласди.

Масалан, бирорта аниқ фирманинг 100та акциясига эга бўлган киши учун бу молиявий капитал. Унинг акция сертификатлари қийматта эга, чунки улар моддий бойлика эгалик қилиш ҳукуқини беради, лекин сертификатнинг ўзи моддий бойлик эмас. Сертификат ёрдамида, масалан, автомобил ишлаб чиқариб бўлмайди. Моддий бойликларнинг бугунги қиймати, уларнинг келажакда нима яратишига боғлиқ.

Шунинг учун бугунги кундаги ишлаб чиқариш дастгоҳлари, бино, иншоатлар ва бошқаларга сарф қилинган капитал маблаглари миқдорини келаси даврларда олинадиган қўшимча фойда миқдори билан таққослаш зарур бўлади. Фирмалар бир қарорга келишдан аввал ана шу масалалар устида ўйлаб кўриб, келаси даврда олинадиган фойда қанчага тушади, деган саволга жавоб топишлари керак бўлади. Лекин ёлланган ишчи кучини жалб этишда, хомашё материалларни сотиб олишида бундай муаммолар пайдо бўлмайди... Келаси даврда олинадиган даромад ҳозирги вақтда қанча туради, унинг ҳозирги қиймати қанча деган масалалар фирмаларни капитал қўйилмалар тўғрисида бир қарорга келиши жараёнидаги илмий изланишларининг асосини ташкил этади. Бундай қарорларнинг кўплари ҳозирги даврдаги ҳаражатлар ва келаси даврдаги фойдани таҳлил қилишдан иборатdir. Биз кўрамизки, фирма ўз ҳаражатларини қоплай оладими ёки йўқми, кўпингча капитал маблаглари ҳисобига олинадиган фойдани олдиндан айтиш қийин, амалда улар кутилгандан кўп ёки кам бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бу ерда вақт омили муҳим аҳамиятта эгадир. Масалан, кўмир, темир рудаси ва х.кларни қазиб чиқариш ёки ўрмон ёғочларини олиш учун уларни эккан вақтдан то тайёр ёғоч, ёғоч материали бўлгунча қанча вақт ўтиб кетади. Менерал хомашё ресурслари захираси қазиб олиниши билан камайиб боради,

уларни тўлдириб бўлмайди. Шунда сарфланган капитал маблағларининг қайтими (фойдаси) қандай бўлади деган саволларни ўрганишга тўғри келади.

8.3. Корхонанинг асосий капитали ва уларнинг тузилиши

Хозирги замон иқтисодиёти капитални асосий капитал ва айланма капиталга ажратади. А.Смитнинг фикрича, асосий капитал - бу ўз эгаси ихтиёрида қолиб фойда келтирадиган капиталdir. Айланма капитал - бу мулк эгаси ихтиёридан чиқиб кетувчи неъматdir. Масалан, иш берувчига чорва бу асосий капитал, агар у бозорда сотилса айланма капиталига айланади. Демак, А.Смит айланма капитални деганда савдо капиталини ёки товар кўринишидаги капитални тушунган.

Д.Рикардо эса капитални узоқ давр хизмат қилишига қараб асосий ва айланма капиталига ажратган. Лекин Д.Рикардо А.Смитдан фарқ қилиб айланма капиталидан хомашё, материал ҳаражатларини чиқариб ташлаб, уни фақат меҳнат (иш кучи) ҳаражатларига тенг қилиб кўяди.

Асосий капитал деб - бир неча ишлаб чиқариш даврларида, ишлаб чиқариш жараённида иштирок этиб, маҳсулотта ўз қийматини аста-секин бўлаклар ўтказиб натурал кўринишини сақлаб қоладиган барча меҳнат воситаларига айтилади. Асосий капиталга хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган воситалар киритилади. Бир йилдан кам хизмат қилувчи воситалар айланма капиталга киритилади.

Лекин меҳнат воситаларининг қийматта эга бўлган бўлакларининг ичida асосий фондларга киритилмайдиганлари ҳам бор. Масалан, технологик жараёнларда меҳнат буюмларига таъсир этувчи электр энергияси, ўз моҳияти билан меҳнат воситаси бўлиб, асосий фондларга киритилмайди. Минерал ва бошқа ўғитлар ўз қийматини маҳсулотга кўчиришга кўра асосий фондларга киритилиши керак, лекин улар меҳнат буюмларининг бўллаги сифатида ёрдамчи материалларга киради.

Мамлакат саноатининг асосий фондлари икки катта гуруҳга бўлинади:

I. Асосий ишлаб чиқариш фондлари;

II. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган асосий фондлар. Бу турдаги асосий фондларга узоқ муддат хизмат қилувчи корхона ва саноат тармоқлари ихтиёрида бўлган уй-жой бинолари, маданият бинолари, болалар ясли, боғчаси, комунал-хўжалик, мактаб бинолари киради. Улар тўғридан-тўғри маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш) жараённида қатнашмасалар ҳам меҳнаткашларнинг маданий майший талабларини қондиришида қатнашадилар.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ниҳоятда хилма-хил бўлиб, турли хилдаги ишлаб чиқариш вазифаларини бажарганликлари

туфайли уларни турларга ажратиб ўрганиш зарур бўлади. Уларни турлари асосий ишлаб чиқариш фондларини учётга олиш, такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришда яхши фойдаланишини таъминлаш учун керак бўлади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини гурухлар бўйича қисқача таркибини б-жадвалда келтирамиз:

6-жадвал

Асосий ишлаб чиқариш фондлари таркиби

Груп- лар	Фондлар груҳи	Фондлар таркиби
I.	Бинолар	Ишлаб чиқарип жараёнига зарур бўлган шароитини яратиб берадиган ишлаб чиқраиш воситалари ва манина, ускуналарни ташки атмосфера таъсиридан сақлайдиган ишлаб чиқариш бинолари.
II.	Иншоатлар	Кон иншоатлари, нефть ва газ қувурлари ва миноралар сув, техникавий қурилмалар-кўприклар, каналлар, сув тарқатувчи ва сув олувчи иншотлар.
III.	Узатувчи ускуналар	Транспорт қурилмалари-кўприклар, йўллар, электр узатувчи ва алоқа (телефон, радио) қурилмалари, трубопроводлар, водопровод ва канализация шахобчалари.
IV. а)	Машина ва дастгоҳлар: куч берувчи машина ва ускуналар	Буг қозонлари, дизеллар, турбиналар, генераторлар, трансформаторлар, электромоторлар.
б)	ищчи машиналари ва дастгоҳлар;	Метал ва ёючин қайта ишловчи станоклар, агрегатлар, ашаратлар, печлар, қурутувчи агрегатлар ва бошқалар.
в)	ўлчов ва созловчи ас- боблар ва қурилмалар, лаборатория ускуналари; ҳисоблаш техникаси	Тезликни, иссиқлик босимини автоматик равиша бошқарадиган приборлар ва ашаратлар, бошқариш пульти, диспетчерлик воситалари.
г)		Компьютерлар, ЭХМлар
V.	Транспорт воситалари	Хомашё, материалларни, тайёр маҳсулотларни, ишловчиларни цеҳда ва заводдан ташкарида ташув воситалари (конвойрлар, транспортерлар, автомобиллар, таягачлар, паровозлар, вагонлар, пороходлар ва бошқалар).
VI.	Бошқа асосий фондлар	Бир йилдан зиёд хизмат киладиган асбоб-анжомлар, ишлаб чиқарип ва хўжаллик инвенторлари – қироатхона фонди, музей маблағлари, ўқув хоналари, иш столлари, лаборатория инвесторлари.

Ўзбекистон саноати асосий фондларининг тузилиши

Асосий фондлар	Салмоғи, %
Барча асосий фондлар	100,0
Пассив қисми:	46,3
I. - Бинолар	26,7
II. - Иншоатлар	19,8
Актив қисми:	53,5
III. - Узатувчи ускуналар	10,3
VI. - Машина ва дастгоҳлар жаъми, шундан:	51,1
- Куч берувчи машина ва дастгоҳлар	7,4
- Ишчи машина ва дастгоҳлар	29,7
- Ўлчов ва бошқарув дастгоҳлари	1,7
- Ҳисоблаш техникиаси	2,0
V. - Транспорт воситалари	2,0
VI. - Бошқа хил асосий ишлаб чиқариш фондлари (АИФ)	1,0

Корхоналарнинг бошқа хил асосий фондлари таркибига куйидаги воситалар киради:

- мулкка эзалик қилиш хуқуқи асосида унга тегишли бўлган ер майдонлари ва табиатни муҳофаза қилиш объектлари (сув, ер ости бойликлари ва бошқа ресурслар);
- ишлаб чиқариш, хўжалик ичидаги йўллар ва хўжалик инвесторлари;
- асосий фондлар таркибига киравчи ерларни ва ишорага олинган бинолар, иншоатлар, дастгоҳлар ва бошқа объектларни яхшилаш учун ажратилган капитал қўйилмалар.

Асосий капитал ёки ишлаб чиқариш фондларининг «машина ва дастгоҳлар» гурӯҳи уларнинг умумий ҳажмида 40,8 % бўлса, шундан энг кўпли масалан, 29,7 % ишчи (куч берувчи) машиналари ва дастгоҳларига тўғри келади. Бошқа қолган қисми - ўлчов асблолари ва лаборатория ускуналарига, ҳисоблаш техникиаси. Автоматик ишчи машиналари ва дастгоҳларига ҳам машина ва дастгоҳлар гурӯҳига киради.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилиши турли хил омиллар таъсирида ўзгариб туради:

1. Ишлаб чиқариш ва техниканинг хусусиятлари;
2. Ишлаб чиқаришни концентрациялаштириш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш;
3. Ишлаб чиқаришда техника тараққиёти даражаси;
4. Амал қилаётган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш, асосий фонднин қайта янгилаш, янги корхоналарни куриш;
5. Иктисадиётимизда кичик ва хусусий корхоналарни кўплаб яратилишини;

6. Курилиш ишларини индустрисал асосга күчириш;
7. Саноатни географик жиҳатдан рационал жойлаштириш.

Асосий фондларни эски-маънавий ва жисмоний емирилгандарни ўрнига янгиларини киритиш йўли билан саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватини ошириб борилади. Асосий фондларни янгилаш коэффициенти шу даврда киритилган асосий фондлар хажмини (Φ_k) уларни йил охиридаги умумий қийматига ($\Phi_{\text{й.о}}$) нисбати билан топилиади:

$$\Phi_{\text{я.к}} = \frac{\Phi_k}{\Phi_{\text{й.о}}};$$

Корхоналарда асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибида унинг энг актив қисми - ишчи машина ва дастгохлари салмоғи нисбатан юқори бўлса корхона қуввати ҳам кўп бўлади.

Асосий капитал мамлакат иқтисодий потенциалини, қудратини белгилайди. Шунинг учун асосий капитални янги-янги капитал қўйилмалари ёки инвестициялар ҳисобига яратиб келинади.

8.4. Корхонани ишлаб чиқариш қуввати ва уни ҳисоблаш

Корхона қуввати асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибидаги куч берувчи ва ишчи машиналарининг миқдорига, салмоғига, уларнинг унумдорлик даражасига боғлиқ бўлди.

Корхона қуввати деб, дастгоҳ ва ишлаб чиқариш майдонларидан, илгор технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишининг илгор усулларидан тўлиқ фойдаланган шароитда йилига (ёки ҳар сутка, сменада) корхонанинг энг кўп маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хом ашени қайта ишлаш имкониятига айтилади.

Корхона қуввати маҳсулот қайси бирликда ҳисобланса шу бирликларда аниқланади. Корхона қуввати базис ёки режа даврига нисбатан фоиз ҳисобида ҳам ифодаланади.

Масалан, шахталарада, цемент корхоналари, металлургия, нефт саноати ва бошقا корхоналарда тонна ҳисобида, автомобил ишлаб чиқариш, гишт ишлаб чиқаришда дона; текстил корхоналарида м. газмоллар, чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кв. дцм-да ва х.к.

Бир неча турда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда шартли - натурал кўрсаткичлар ишлатилади. Масалан, цемент, трактор, совун ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришда. Корхона қуввати йил давомида кўпайиб, камайиб туради. Шунинг учун корхонанинг ҳақиқий маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини билиш учун йиллик ўртача қувват режа даврининг бошида амал қилаётган корхоналарда қуйидаги тартибда ҳисоблаб топилиади.

Ўртача йиллик ишлаб чиқариш қувватини ($K_{у\cdot\cdot}$) ҳисоблашда йил бошида бор бўлган қувватга (K_6) ўртача киритиладиган йиллик қувват ($K_{к\cdot\cdot}$) қўшилиб ўртача чиқариладиган йиллик қувват ($K_{ч\cdot\cdot}$) миқдори айрилди. Киритиладиган ва чиқариладиган қувватлар йил ўртасида бўлса уларни ишлаган ва ишламаган ойлари ҳисобга олинади ($T_{иш}$):

$$K_{у\cdot\cdot} = K_6 + \frac{K_{к\cdot\cdot} \cdot T_{иш}}{12} - \frac{K_{ч\cdot\cdot} (12 - T_{иш})}{12}$$

Бунинг учун маълумотлар корхонанинг қувват балансида берилган бўлади. Агар киритиладиган ва чиқариладиган қувватларнинг вақти номаълум бўлса, уларнинг ўртача йиллик миқдори 0,35 даражасида олинади. Бу қабул қилинган ягона нормативдир.

Бунинг учун қувват баланси ахборотларидан фойдаланиш зарур.

8-жадвал.

Ишлаб чиқариш қуввати ва унинг ўзгариши

Кўрсаткичлар	Қаторлар тартиби	Базис йили	Режа даври (йилга минг тонна)
			3
I. Йил бошидаги қувват	1	1000	1380
II. Қувватнинг ўсиши:			
а) техникавий қайта қуриш, янги маҳсулот турларини ўзгартириш ва ташкилий-техник чоралар ҳисобига;	2	100	110
б) реконструкция ҳисобига.		50	60
III. Қувватнинг камайishi	3	20	50
IV. Ўртача йиллик қувват (1 қатор+2+3-4 қаторлар). 0,35	4	1045,5	1422
V. Ўртача йиллик қувватдан фойдаланиш коэффициенти.	5	0,98	0,96
VI. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми (5 қатор x 6 қатор)	6	1024,5	1365,1
VII. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми	7	950	1150
VIII. Ҳақиқатда қувватдан фойдаланиш даражаси (7 қат; 4 қат-га)	8	0,91	0,81
IX. Резерв қуввати (йўқотилган қувват (4 қат. - 7 қат.)	9	95	272

Бу жадвалда режа даврининг бошига норматив қуввати ўзлаштириб бўлинган қувватлар ҳисобидан олинадиган маҳсулот ҳажмини ҳисоблаш мисоли келтирилган.

Ишлаб чиқариш қуввати баланси қуйидагиларни ифода этади:

$$K_i = K_6 + K_{tex} + K_p + K_{лкп} + K_{нп} - K_{нк}$$

- K_b - йил бошидаги қувват;
 K_{tex} - ишлаб чиқаришни техникавий қайта қуриш ҳисобига қувватни күпайиши;
 K_p - ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ҳисобига киритиладиган қувват;
 K_{irk} - янги корхоналарни қуриш ва эскиларини реконструкция қилиш ҳисобига киритиладиган қувват (+);
 K_{by} - маҳсулот тури ва навини ўзгариши натижасида қувватнинг күпайиши ёки пасайиши;
 K_{ch} - чиқариладиган қувват ҳисобига қувватни камайиши.

Ишлаб турган қувват ҳисобидан олиш мумкин бўлмаган маҳсулот микдорини ишлаб чиқариш учун янги, қўшимча киритиладиган қувватларни аниқлаш зарур.

$$K_{kuy} = \frac{Q_{kk} - \sum Q_{y,k}}{K_{y,yz}} \times 100$$

Бунда:

- K_{kuy} - ҳар бир йил бўйича зарур бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун киритиладиган ўртacha йиллик қувват;
 Q_{kk} - қўшимча қувват зарур бўлган маҳсулот ҳажми;
 $\sum Q_{y,k}$ - ўртacha (аввалги) киритилган қувват ҳисобига (қувватни ўзлаштириш даражасини ҳисобга олган ҳолда) шу йили олинадиган маҳсулот микдори;
 $K_{y,yz}$ - Ҳар бир маҳсулот тури бўйича, лойиҳадаги қувватни ўзлаштириш даражасини ҳисобга олган ҳолда, янги киритилган қувватни ўзлаштириш даражаси, (коэффициенти, %).

Ўртacha ишлаб чиқариш қуввати даражасини ҳисоблашда, шунга асосан 1 январдан кейин янги қувват ҳисобидан олинадиган маҳсулот ҳажми киритиладиган қувватни ўзлаштириш муддати коэффициенти 0,35 га teng деб қабул қилинган (Q_{yk}); у қуйидагича топилади:

$$Q_{yk} = \frac{K_{y,yz} \cdot K_{kuy}}{100}$$

Бунда:

- $K_{y,yz}$ - шу йили киритиладиган ўртacha йиллик ишлаб чиқариш қуввати.

Қувват баланси ёрдамида ўртacha йиллик ишлаб чиқариш қуввати, режа даражасидаги қувват ва ундан фойдаланини коэффициенти ҳисобланади. Натижада режадаги маҳсулот ҳажми (Q_p) -корхонанинг ўртacha йиллик ишлаб чиқариш қувватини (M_c) ундан фойдаланиш коэффициентига (K_f) кўпайтириш билан топилади:

$$Q_p = M_c \times K_f$$

Дастгоҳлар, станоклар, агрегатлар қувватидан фойдаланиши даражаси режадаги (ёки ҳақиқий) ишлаб чиқариш ҳажмини ўртача йиллик қувват миқдорига нисбати билан топилади.

$$K = \frac{Q}{K_{ya}}$$

Бу коэффициент 1 (бир)га яқинлашган сари ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси юқори бўлиб боради.

Корхонанинг ўртача йиллик қуввати билан ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот орасидаги фарқ йўқотишган ёки резерв қуввати дейилади

Ишлаб чиқариш қувватининг миқдори корхона, цех ва ишлаб чиқариш участкаларида маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ҳар қандай турдаги корхона қуввати қўйидаги маълумотлар асосида топилади:

1. Дастгоҳлар сони, унумдорлиги ва таркиби. Таркиби бўйича корхоналардаги барча дастгоҳлар: мавжуд бўлган, ўрнатилган, **ишлаб турган ва резервдаги дастгоҳларга ажратилади.**

Резервдаги дастгоҳларга – таъмирашга муҳтоҷ бўлганларини алмаштириш учун мўлжалланган дастгоҳлар киритилади. Ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда барча ўрнатилган дастгоҳлар (шу жумладан таъмираш учун ажратилганлари ҳам) ва шунингдек режа даврида ишлаб чиқаришга киритиладиганлари ҳам қўшилади.

Резервдаги датгоҳлар қувватни аниқлашда ҳисобга олинмайди.

2. Дастгоҳлардан фойдаланишининг илгор техник-иктисодий норма ва нормативлари.

3. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари, нави ва уларнинг меҳнат саломоги.

4. **Дастгоҳларни иш вақти фонди.** Дастгоҳларни иш вақтининг узунлиги (сменалар сони, сменадаги иш вақтининг узунлиги, бир йилдаги иш кунлари ва бошқалар) ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий элементларидан биридир. Ҳар бир аниқ ҳолатда дастгоҳларни оптимал режимда ишлапни аниқлаш лозим, чунки дастгоҳларни иш вақти фонди: календар кунлардаги, режимдаги ва фойдали (режадаги) иш вақти фондига ажратилади.

- Календар иш вақти фонди:

$$\Phi_k = K_k \cdot C_c$$

Бунда, K_k – календар кунлар;

C_c – суткадаги смена соатлари;

Φ_k – календар кунларидаги иш вақти фонди.

- Режимдаги иш вақти фонди:

$$\Phi_p = [(\Phi_{cm} \cdot (365 - K_d - K_b) - t_u \cdot K_b \cdot g] \cdot C_{cm}$$

Бунда, Φ_{cm} – смена вақтининг узунлиги;

K_d , K_b – режа давридаги дам олиши ва байрам кунлари (бир йилдаги);

t_u – байрам олди кунларида ишланмайдиган соатлар;

C_{cm} – сменалар сони.

- **Фойдалли (ҳақиқий) иш вақти фонди (Φ_F):**

а) узлуксиз ишлаб чиқаришлар учун,

$$\Phi_F = \Phi_k - (T_{dk} - T_{po})$$

б) узлукли ишлаб чиқаришлар учун:

$$\Phi_F = \Phi_p - (T_{dk} + T_{po}) \text{ ёки } \Phi_F = \Phi_p \cdot \left(1 - \frac{\alpha}{100}\right)$$

Бунда, T_{dk} – дастгоҳларни капитал таъмирлаш учун ажратилган вақт;

T_{po} – дастгоҳларни режага кўра огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари учун ажратилган вақт;

α – таъмирлаш учун тўхтатиш вақти, %.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати унинг етакчи – тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарувчи цехлари, етакчи (хал қўйувчи) ишлаб чиқариш участкалари, агрегатлари ва дастгоҳлари қуввати бўйича аниқланади.

8.5. Корхонанинг асосий капитали ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиши самарадорлиги

Асосий капиталдан фойдаланишини яхшилаш-интенсивлаштиришнинг ва ижтимоий меҳнатнинг иктиносидий самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Бу меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини, оширишга милллий даромаднинг ўсишига, асосий фондларнинг айланишини тезлашишига, жисмоний ва маънавий эскириш даврининг яқинлашишига, уларни тезроқ янгилашга ва такомиллаштиришга шароит яратади. Шунинг учун асосий фондлардан ва ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишининг умумлашган кўрсаткичлари – фонд қайтими, фонд рентабеллиги, фонд зичлиги кабилардир. Бир сўмлик асосий фондлар ҳисобидан олинадиган маҳсулот миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Phi_k = \frac{Q}{\Phi_{ac}}$$

бу ерда: Φ_k – асосий фондларнинг ҳар бир сўмiga ишлаб чиқарилган маҳсулот, сўм;

Q – йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот (сотилиди-ган норматив соғ маҳсулот) сўм;

Φ_{ac} – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати, сўм.

Фонд зичлиги – фонд қийматининг аксиидир:

$$\Phi_3 = \frac{\Phi_{ac}}{Q}$$

Фонд рентабеллігі (Фр) күрсаткичи корхонанинг умумий йиллик фойдасини – (MR(Q) – асосий фондлар қийматига нисбати билан қуидаги усулда топилади:

$$\Phi_P = \frac{MR(Q)}{\Phi_{\infty}} \cdot 100$$

бунда: Φ_p – фонд рентабеллігі күрсаткичи;

$MR(Q)$ – корхонанинг умумий фойдааси, сүм;

Асосий фондларнинг пассив қисми, биноларнинг ишлаб чиқариши майдонларидан фойдаланиш даражаси ишлаб чиқариши майдонининг ҳар бир квадрат метрига түғри келадиган маңсулот миқд орини ифодаловчи күрсаткич құлланилади ва у қуидаги формулада билан топилади:

$$Mq = \frac{Q_R}{I_M}$$

бу ерда: M_q – 1 кв.м майдонда ишлаб чиқарылады маңсулот, сүм;

Q_R – ялпи маңсулот миқдори, сүм;

I_M – ишлаб чиқарыши майдони (кв.м).

Бұ ~~күрсаткич факат асосий фондларнинг пассив қисмидан~~ фойдаланишни ифодаламасдан, балқы асбоб-ускуналардан фойдаланашиш даражасини ҳам күрсатади. Ҳар кв.м майдондан олинайттан маңсулот миқдори қанча күп бўлса, майдонлардан ва ўрнатилган ускуналардан яхши фойдаланилаётганликдан далолат беради.

Амалиётда умумий бўлган қиймат күрсаткичлардан ташқари ҳар бир тармоқ ва корхона хусусиятини ҳисобга олган ҳолда бир қанча натурал күрсаткичлар ҳам ишлатылади. Масалан, домна печлардан фойдаланиш даражасини аниқлашда бир тонна чўян ишлаб чиқариши учун домна печнинг куб.даги фойдали ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти ишлатылади; кўмир саноатида битта комбайннинг бир ойлик кўмир қазиш миқдори, ёки метр ҳисобида кўмир қазиб бориш тезлиги; электрстанцияларда турбиналарни бир йилдаги ишлаш вақти; машина-созликда битта машинанинг натура бирлигидаги унумдорлиги; ёки 1м² ишлаб чиқарыши майдонидан олинадиган маңсулот ҳажми (соат, смена, сутка ёки бир йилта); цемент саноатида – вақт бирлиги ичидағи цемент печлари ва тегирионларининг тонна ҳисобидаги унумдорлиги ва х.к.

Натурал күрсаткичларга қуидаги омиллар таъсир этади:

- дасттоҳлар унумдорлигини ўсиши;
- машиналарни бекорчи турни қолиши вақтини камайиши;
- машиналарни ишлатиш даражаси, техникавий такомиллаштириши ва бошқалар.

Албатта, иктиносиди таҳлил қилишда ва юқоридаги күрсаткичларни баҳолашда уларга таъсир этувчи омиллар даражаси ҳисобга олинади.

Асосий фондларни яратиш, көнтгайтириб, янгилаб бориш, доимо молиявий ҳаражатлар шаклида уларни инвестициялашни талаб қиласы. Шунинг учун ҳар қандай корхона ёки фирма шу

инвестицион ҳаражатларни оқлаши ва иқтисодий фойда олиши учун ўзининг шундай узоқ муддатли ҳаражатларини стратегиясини аниқ белгилаб олиши лозим. Асосий фондларни янгилаш, кўпайтириш ишлари ёки инвестицион лойиҳаларни иқтисодий асослаш қийин ва мураккаб бўлган иқтисодий жараёндир.

Шунинг учун аввало инвестицион лойиҳаларни танлашда қўйидаги саволларга жавоб топиш зарур:

1. Танланган алтернативани амалга ошириш учун қандай қўшимча фондлар талаб этилади;
2. Бор бўлган, мавжуд даромаддан ташқари яна қанча қўшимча даромад олинади?
3. Қабул қилинган қарор натижасида қандай ҳаражатлар кўпайди ёки камаяди.

Инвестицион лойиҳаларни аниқлашни иқтисодий баҳолаш бир қатор кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади. Масалан инвестицияни ёки капитал қўйилмаларни қопланиш муддатини аниқлаш зарур бўлади. Бунинг учун капитал қўйилмалар миқдорини (K) йиллик максимал фойда миқдорига ($MR(Q)$ - га) нисбати олинади:

$$Tx = \frac{K}{MR(Q)} ; \quad \text{ёки} \quad Tx \cdot P = \frac{K}{P - X_m} ; \quad Tx = \frac{K}{X_{m_1} - X_{m_2}} ;$$

Бунда: X_1 , X_2 чора-тадбирлар амалга оширилмасдан аввалти ва оши-рилгандан кейинти маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари. Натижада дастлабки ҳаражатларни қоплаш муддати (ой, йил) топилади. Лекин бу кўрсаткич танланган инвестиция лойиҳасини фойдалилигини аниқ кўрсатмайди. **Капитал қўйилмаларини рентабеллигиги даражаси:**

$$\Phi_P = \frac{MR(Q)}{K} \times 100\% , \quad \text{ҳам самарадорликни жуда аниқ ифода этмайди,}$$

чунки бунда инвестицион лойиҳанинг ҳаётий даври ҳисобга олинмайди.

Лойиҳа вариантларининг фойдалилиги бир хил бўлиши мумкин, вахолантки лойиҳани ҳаёт даври бир неча йилларда фарқ қиласди.

Амалиётда қўпинча лойиҳа вариантлари самарадорлигини қўйидаги келтирилган ҳаражатлар мезони (критерийси) билан аниқланади.

$$X + E_n \cdot K \rightarrow \min .$$

Бунда: X - йиллик маҳсулот таннархи;

E_n - саноат тармоқлари учун қабул қилинган самарадорликни нормадаги коэффициенти; 0,15 та тенг деб олинган.

Максус фанлар халқаро амалиётда инвестицион лойиҳаларни асослашининг бошқа масалаларини батафсил ўргатадилар. Шунинг учун биз бу тўғридаги фикримизни шу ерда тўқтатамиз.

Корхонанинг ишлаб чиқарини қувватидан фойдаланиши шу корхона учун ҳам мамлакат иқтисодиёти учун ҳам жал қилувчи иқтисодий аҳамиятта эгадир.

Ишлаб чиқариш қувватидан түлиқ ва самарали фойдаланиши бу ресурслардан фойдаланиши демакдир. Масалан, Ўзбекистонда 6-та цемент корхонаси бўлиб, уларнинг ийллик умумий қуввати **6830 минг тонни** (шундан «Қизилқумцемент» корхонаси қуввати 3300 минг тоннадир). 1990 йили ундан фойдаланиши 96,2 % бўлган эди. Лекин кейинги ийларда бошқа саноат тармоқларицек цемент корхоналари қувватидан фойдаланиши ҳам Ўзбекистон бўйича пасайиб кетди.

1998-2002 йиллардаги статистик ахборотлар асосида қувватдан фойдаланиши кўрсаткичларини Ўзбекистон цемент саноати мисолида кўриш мумкин:

9-жадвал

Ўзбекистон цемент саноатининг ишлаб чиқарини қувватидан фойдаланиши даражаси*

Йиллар	Цемент минг тонна	Қувватдан фойдаланиши даражаси, (%)
1998	3357	48,7
1999	3331	48,3
2000	3285	47,7
2001	3722	54,0
2002	3750	55,0
2003	3760	56,0

Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш программаси шу даврдаги ишлаб чиқарини қувватидан фойдаланиши даражасини кўрсатади.

Бу кўрсаткич режа бўйича ва ҳақиқий бўлиши мумкин. Ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини қувват миқдорига нисбати қувватдан фойдаланишининг ҳақиқий даражасини ифодалайди. Қувват миқдори билан ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот орасидаги фарқ ишлаб чиқарини оширишнинг қўшимча имкониятлари, яъни резервлари хисобланади.

Дастгоҳлардан фойдаланиши кўрсаткичлари. Улар икки гурухга бўлинади: Экстенсив ва интенсив кўрсаткичлар.

I. Экстенсив, яъни дастгоҳларни иш вақти фондидан фойдаланиши коэффициенти.

* «Деловой партнер» «Цементная промышленность и рынок», 14 ноября 2002 г., №46, С. 4

$$K_{\text{екст}} = \frac{T_x}{T_p}$$

Т - ҳақиқий ва режадаги иш вакти фонди;

II. Интенсив фойдаланиш коэффициенти, яъни дастгоҳлар қувватидан фойдаланиш даражаси.

$$K_{\text{инт}} = \frac{U_x}{U_p \cdot (I_n)}$$

У_x - вакт бирлиги ичидаги ҳақиқий унумдорлик;

У_p - шу дастгохнинг паспортидаги унумдорлик;

У_n - илгор техникавий норма даражасидаги унумдорлик.

- **Дастгоҳлардан интеграл фойдаланиш коэффициенти.**

$$K_{\text{интгр}} = K_{\text{екст}} \cdot K_{\text{инт}}$$

- **Фойдаланилмай қолган дастгоҳлар даражаси, резерв коэффициенти:**

$$R = I - \text{Интгр.}$$

III. Узлукли ишлаб чиқариш жараёнларида дастгоҳлардан фойдаланиш даражаси, уларнинг смена коэффициенти билан топиллади:

$$K_{\text{см}} = \frac{T_m}{K_{\text{ур}} \cdot \Phi_{\phi}}$$

Бунда, Т_m - корхонанинг ўрнатилган ишлаб чиқариш қувватига тўғри келадиган маҳсулотнинг меҳнат салмори (станок - соат);

K_{ур} - ўрнатилган асосий технологик дастгоҳларнинг ўртacha миқдори;

Φ_φ - битта дастгоҳнинг бир сменада ишлагандаги йиллик ҳақиқий иш вакти фонди (смена - соат).

Смена коэффициентини ҳисоблашнинг энг қулай усули бир кунда ишлаган станок - сменаларнинг умумий миқдорини смена давомидга энг кўп ишлаган станоклар сонига нисбати билан аниқлашдир. Масалан, 270 станок ўрнатилган, улардан I-сменада 200 та, II-сменада 190 таси ишлаган. Шунда смена коэффициенти 1,44 бўлади.

$$\frac{200+190}{220} = 1,44$$

Корхоналар дастгоҳларни смена коэффициентини оширишга харакат қилишлари керак. Шунда асосий фонdlар миқдори ўзгармаса ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади.

Узлуксиз ишлайдиган жараёнларда эса дастгоҳлардан, агрегатлардан фойдаланишнинг юкланиши коэффициенти ишлатилади:

$$K_{\text{коx}} = \frac{B}{\sum K \cdot \Phi_{\phi}}$$

Бунда, В – натура бирлигига ишлаб чиқарилган йиллик маҳсулот миқдори.

Қ – битта дастгоҳнинг бир соат ёки суткадаги ўрнатилган унумдорлиги, натура бирлигига.

Корхона қуввати - унинг етакчи, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи цехлари қуввати билан топилади.

Ишлаб чиқариш қувватидан унумли, тўлиқ фойдаланишини таъминлаш йўллари қўйидагиilar:

- асосий фондларни ўз вактида янгилаб туриш;
- ишлаб чиқариш жараёнидаги узилишлар, турғунлик холатларини келтириб чиқарувчи сабабларни йўқотиш ёки камайтириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишининг фойдали, илгор шакллари, усулларини қўллаш ва шулар ҳисобига меҳнат буюмларига ишлов бериш тартибини (хилини) узлуксиз ва бир вактда ҳамма иш жойларида олиб бориш;
- меҳнатни иш жойлари бўйича аниқ тақсимлаш;
- цехлар, ишлаб чиқариш участкаларида, уларнинг қувватини мутаносиблигини таъминлаш, «тор жойларни» йўқотиш;
- дастгоҳларни таъмирлаш ишларини режа бўйича ўз вактида олиб бориш, уларни техник ҳолатини яхшилашнинг профилактик чораларини ўтказиш, таъмирлаш ишларини замонавий усуллар, техникавий воситалари ёрдамида, малакали кадрлар иштирокида олиб бориш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асбоб-анжомлар сифатини яхшилаш, уларни таъмирлашни ташкил этиш;
- технологик жараёнларни бир меъёрда мӯътадил боришини таъминлаш;
- ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан, ўз меҳнатидан моддий манфатдорлигини ошириш;
- дастгоҳларнинг иш вакти фондидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш;
- ресурсларни турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича оқилона тақсимлаш ва улардан унумли фойдаланишини ташкил этиш ва бошқалар.

Масалан, оғир саноат корхоналарида етакчи цехлар бўлиб меканика цехи, қуюв цехи, йигув цехлари ҳисобланади. Йигув цехининг қуввати барча бошқа цехлар қувватини белгилайди. Демак бутун корхона қувватини белгилайди. Атомобилсозликда ҳам меканика цехи, йигув, қуюв, тамирчи цехлари; Тикув саноати корхоналарида – тикув цехи етакчи ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш учун агрегатлар, дастгоҳларнинг фойдали иш вакти фондини билиш зарур:

$$T_{\Phi} = T - T_{b_p}$$

бунда: T_{Φ} – календар бўйича инн вакти, соати;

T_{bp} - битта агрегатни ишидаги регламентланган (қабул қилингандай) танаффуслар.

Фойдалы иш вақти фондини билган холда турлы хил дастгохларнинг вақт бирлиги ичидаги (соат, сутка, ой, йилдаги) унумдорлигини аниқлаш мүмкун бўлади. Танаффуслар (узилишлар) билан режим асосида ишлайдиган агрегатлар - домна печлар, модтек печлари, кимёвий корхоналар ва ҳ.к.лар учун ишлаб чиқариш қуввати қуийдагича топилади:

$$K_{\text{т}} = T_{\text{n}} \cdot \dot{Y}_{\text{ar}} \cdot X_{\text{ис}} \cdot Q_{\text{я}} \cdot \frac{T_{\phi}}{T_{\text{n}}}$$

бунда: \dot{Y}_{ar} - ўхшаш агрегатлар сони, дона;

$X_{\text{ис}}$ - бир ишлаб чиқариш даврида истеъмол қилинадиган хомацё миқдори;

$Q_{\text{я}}$ - хомашибирлигидан олинадиган яроқли маҳсулот миқдори;

T_{n} - хомашибирлигидан олинадиган яроқли маҳсулот миқдори;

Узлуксиз ишлайдиган агрегатлар қуввати ($K_{\text{уэ}}$) қуийдагича топилади:

$$K_{\text{уэ}} = \dot{Y}_{\text{ar}} \cdot T_{\text{ap}} \cdot Y_{\text{n}}$$

бунда: Y_{n} - агрегатларнинг паспортидати ҳар соатдаги унумдорлик нормаси.

Ишлаб чиқариш участкалари, цехларнинг тайёр маҳсулот бўйича ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш учун қуийдаги усул ишлатилади:

$$K_{\text{н}} = \sum_{\text{i}}^{\text{p}} \dot{Y}_{\text{ar}} \cdot T_{\phi} \cdot \text{ИК}_{\text{x}}$$

Метални қайта ишловчи прокат ва преслаш цехлари корхоналарнинг қуввати, электролиз ва бошқа цехлар қуввати ҳам шундай топилади.

Механика цехларида ишлаб чиқариш қуввати буюмларнинг меҳнат салмогини ҳисобга олган холда аниқланади.

$$K_{\text{м. н}} = \frac{\dot{Y}_{\text{ar}} \cdot T_{\text{оп}}}{M_{\text{бн}}}$$

бунда: $M_{\text{бн}}$ - маҳсулот бирлиги учун сарифланадиган вақт нормаси, станок - соатларда.

Йигув цехига ўхшаш ишлаб чиқариш майдонларига эга бўлган цехлар қуввати қуийдаги тартибда топилади:

а) иш вақтининг режимдаги фонди (цех ёки участканинг фойдаланиш мүмкун бўлган майдонини ҳисобга олган холда) қуийдагича топилади:

$$\Phi_{\text{май}} = T_{\text{реж}} \cdot S_{\text{n}}, \text{м}^2 \cdot \text{соат}$$

бунда: S_{n} - цех, участканинг м^2 ҳисобидаги фойдаланиш майдонини ҳисобга олган холда;

$T_{\text{реж}}$ - режимдаги иш вақти фонди, соат.

- б) битта буюмни бир соатда йиғиши учун зарур бўлган m^2 – майдонини (S_o) аниқлаш қўйидагича:

$$S_o = S_b \cdot T_{\text{п.ж}};$$

бунда: S_b – битта буюмни йиғиши учун зарур бўлган майдон (нормаси)

$T_{\text{п.ж}}$ – буюмни йиғиши учун зарур бўлган ишлаб чиқариш даврининг узунлиги.

- в) йигув цехининг ишлаб чиқариши қувватини аниқлаш қўйидагича:

$$K_p = \frac{\Phi \text{ майдон}}{S_o};$$

Заводнинг асосий цехлари қуввати топилгандан сўнг, шу тарзда бутун заводнинг қувватини унинг етакчи цехлари қуввати билан аниқлаш мумкин.

III. Корхонада ўрнатилган дастгоҳлар иш вақти фонди смена козфициенти билан ($K_{\text{см}}$) характерланади:

$$K_{\text{см}} = \frac{T_{\text{дх}}}{(\bar{D}_{sp} - (\bar{D}_{sp} + \bar{D}_m)) 1 - IK_x}$$

Бунда: $T_{\text{дх}}$ – шу дастгоҳда ҳақиқатда ишланган вақт (станко/смен);

\bar{D}_{sp} – ўрнатилган дастгоҳлардан резервда турганлари;

\bar{D}_p – таъмирилашда (норма бўйича) турган дастгоҳлар сони;

\bar{D}_m – ўрнатилган дастгоҳлар сони;

IK_x – ҳисобот давридаги ишчи кунлари миқдори.

Асосий иборалар ва тушунчалар

1. **Мулкий муносабатлар** – бу ишлаб чиқариш воситалари (техника, технология, хомашё материаллари ва ҳ.к.) ва уларнинг ёрдамида яратилган меҳнат маҳсулини ўзлаштириш борасида кишиларнинг ўзаро муносабатларидир.

2. **Капитал** – товар ишлаб чиқариши ва ишларни бошқариш учун хизмат қиласидан барча ишлаб чиқариш воситалариридир. Иқтисодётда «Капитал» ибораси ишлаб чиқариш воситаларини яратиш учун сарфланганигини кўратиш учун ишлатилиади. Капитал ҳаражатдаги нарсадир.

3. **Инвестиция** – тадбиркорлик ёки бошқа фаолият учун сарфланни даромад келтирадиган ва ижтимоий самарага эришишини таъминлай оладиган моддий ёки интеллектуал қийматдаги буюмлардир.

- **Инвестиция** – сармоя киритувчи инвестицияни амалга оширувчи шахс ташкилот, давлат.

- **Инвестиция** - узок муддат хизмат қиладиганларни яратиши учун ажратылған, мұлжалланған «лекин ҳали сарф этилмagan (моддийлашмagan) капиталдир».

- **Инвестиция жарайни** - қимматли қоғозлар уни амалга ошириши ҳажми ва муддати түгрисида инвесторнинг бир қарорға келишини ифода этади.

4. **Инвестор** - сармоя киритувчи инвестицияни амалга оширувчи шахс таскыншы.

5. **Инфляция** - қоғоз пулларни товар обороти талабидан аңчамунча ошиб кеттеган миқдорда чиқарышнинг натижасыға қарзланишидір.

6. **Дисконт** - векселни ҳисобға олиш; ҳисоб фонди; товар баҳосидан чегирма.

7. Ставка фоизи деб олинган қарз билан қайтарылған пулнинг фарқыға айтилади. Ставка фоизи - ийиллик түлов.

8. **Реал ставка фоизи** - инвестицияларнинг ҳисобига ҳарид қилинадиган товарлар (ёки хизмат ишларидан фойдаланиши) миқдорининг қайтилишини күрсатади.

9. **Номинал ставка фоизи** буғун доллар инвестиция қылсақ биз келишишда күп доллар олишимизни күрсатади. Бизни күпроқ номинал ставка фоизи эмас, реал ставка фоизи қызықтиради; бизни күпроқ ҳозирги ва келаси даврдаги бир хил миқдордаги долларға қанча нараса ҳарид қилиш мүмкінлігін қызықтиради.

10. **Субсидия** - қайтарылмайдыган давлат ёрдами.

11. **Ишатека** - ссуда олиш учун күчмас мүлк гарови.

12. **Аннуитет (рона)** - маълум муддатда даромад келтириб турувчи инвестициялар.

13. **Сирәд** - қимматли қоғозларга бўлган талаб баҳоси билан сотиш баҳоси орасидаги фарқ.

14. **Иш ҳақининг минимал (энг кам) миқдори** - давлат томонидан қонунчилик асосида ўрнатылған иш ҳақининг энг кам кафолатланған миқдори.

15. **Моддий раббатлантириш** - кишиларни ижтимоий фойдали меҳнаттаги жалб этиши ва иштиёқ уйғотишнинг шакли, усули ва воситаларидир.

16. **Мехнат миқдори** - ходимнинг меҳнат фаолияти жараёндидаги жисмоний ва ақлий энергиясининг (мускульной и нервной энергия) йигиндисидир.

17. **Мехнат маданияти** - халқларнинг умумий маданиятининг таркибий қисми; **мехнат маданияти** ходимнинг ўз касбини билиши, маълумоти, ўз соҳасини билимдонлуги, меҳнат интизоми, норма ва қоидаларга риоя қилиш, бошқа кишилар билан муомалада бўлиш шакллари, умуман ходимнинг маданият даражаси билан аниқланади.

18. **Мехнат меъёри (нормаси)** - маълум миқдордаги ишни бажарип учун кетадиган (ёки кеттеган) вақт миқдори билан ёки маълум вақт (соат, кун) оралиғида бажарылған иш миқдоридир.

19. Вақт нормаси – битта ходим ёки бир гурух ходимларни бир берлик иш бажаришлари учун ўрнатилган иш вақтининг харажат миқдоридир.

20. Меҳнат нормативлари – бу ишларнинг айрим бўлакларини (комплексларини) бажариш ишлаб чиқариш бўғинларига ва х.к.ларга хизмат қилиш бўйича иш вақти (меҳнат харажатлари)нинг белгиланган миқдоридир ва шунингдек ишлаб чиқаришнинг аниқ шарт-шароитларига боғлиқ равишда ишлаб чиқариш, бошқарув вазифаларини ёки бошқа ишларни бажариш учун ўлчов бирлиги сифатида қабул қилинган ходимлар сонидир. Меҳнат нормативлари меҳнат сарфининг меъёрини (нормасини) аниқлаш учун зарур бўлади.

21. Мукофот тизими - ўзаро боғлиқ бўлган ва мукофот берипшнинг бутун тартиботини ташкил этган меҳнатта рағбатлантириш элементларининг йигиндисидир.

22. Мукофотлам – ходимларни турли хилдаги хўжалик вазифаларини хал этишдаги рағбатлантиришнинг иқтисодий усулидир.

23. Меҳнат унумдорлиги – берилган вақт мобайнидаги аниқ мақсадга қаратилган ишлаб чиқариш фаолиятининг самараадорлиги даражасини аниқловчи конкрет меҳнатнинг фойдалилик натижасини ифодалайди.

24. Касб (ходимнинг касби) – кишининг ижтимоий – фойдали меҳнат фаолиятининг бир шаклидир. Масалан, аппаратурада ишлайдиган ходимлар, операторлар, машинистлар, ходимларнинг касби бўйича таркибини ўрганиш, халқ хўжалигини турли хил йўналишдаги кадрлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш имкониятини беради.

25. Оддатда битта касб бир қанча ихтисосликлардан ва мутахассисликлардан иборат бўлади. Меҳнат шартномаси ходимнинг касби бўйича тузилади.

26. Ихтисос – шу касб миқёсида маълум хилдаги меҳнат фаолиятини бажариш учун зарур бўлган маҳсус тайёргарлик ва иш тажрибасини тўплаш йўли билан олинган билимлар йигиндисидир. Масалан, қурувчилик касби – гиш терувчи, дурадгор, бўёқчи ва х.к. ихтисосликлардан иборат. Соғлиқни сақлаша шифокор (врач) касби – терапевт, хирург, стоматолог, невропатолог каби ихтисосликларга ажратилади; ўқитувчи касби эса – математика, тарих, кимё каби ўқитувчилик касбларига бўлинади.

27. Тариф сеткаси – ишчиларнинг меҳнат мураккаблигига қараб тариф ставкаларининг дифференциация қилишини бошқаришнинг тариф тизимини бир бўлагидир. Тариф сеткаси – ишчиларнинг иш разрядлари ва тариф коэффициентларини ифода этади.

28. Тариф ставкаси – шу разряддаги ишчининг вақт бирлиги (соат, кун, ой) ичидаги меҳнат ҳақи тўловларнинг миқдорини кўрсатувчи тариф тизимининг мухим бўлагидир. Биринчи разрядга

кирган ишларнинг тариф ставкаси вақт бирлиги ичида энг оддий ишни бажариш учун тўланадиган энг кам (минимал) меҳнат ҳақини кўрсатади.

29. **Тариф разряди** – ишчининг ўз малакаси даражасида бажарадиган ишининг мураккаблигини ифода этувчи кўрсаткичdir.

30. **Тариф коэффициенти** – тариф сеткасининг бир бўлаги бўлиб, II ва ундан кейинти разряддаги тариф ставкаларини бир деб қабул қилинган. I-разряднинг тариф ставкасига бўлган нисбатини ифодалайди.

31. **Меҳнат қобилияти** – кишининг ижтимоий-фойдали меҳнат қилиши учун зарур бўлган жисмоний ва ақлий қобилияти (хусусиятлари) мажмуаъсидир.

32. «**Меҳнат**» – кишиларнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш борасидаги жисмоний ва ақлий меҳнати қобилиятларидир.

33. **Меҳнат ресурслари** – бу кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятидир.

34. «**Ресурс**» сўзи французча бўлиб «Яшаш воситаси» деган маънони беради.

Назорат саволлари

1. Корхона мулки ва унинг яратиш манбалари.

2. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва унинг аниқланиш усувлари.

3. Асосий ва асйланма капиталдан фойдаланиш самараадорлиги ва уни яхшилаш йўллари.

IX БОБ. КОРХОНАЛАРНИНГ АЙЛАНМА КАПИТАЛИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ

9.1. Айланма капиталнинг таркиби ва тузилиши

1. Айланма капитал бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши максадида техника ва технология ёрдамида инсон меҳнати йўналтирилган барча меҳнат буюмлариdir. Айланма капитал – бу бир ишлаб чиқариши даврида ўз қийматини тайёр маҳсулотга тўлалигича кўчириб ўзининг натурал кўринишини бутунлай йўқотиб моддий шаклда такрор ва такрор ишлаб чиқаришини талаб этадиган барча турдаги меҳнат буюмлариdir. Масалан, ҳайвонлар терисини саноатда қайта ишлаб чарм ҳолидаги тайёр маҳсулотни олиш, металургияда темир рудасини чўянга, уни пўлатта ва прокат маҳсулотларга айлантириш, нон ишлаб чиқаришда унни нонга айлантириш, чорвадан гўшт олиш, пилладан ипак олиш ва бошқалар.

Айланма капитал таркиби қўйдагича:

- хомашё, асосий материаллар ва сотиб олинган ярим фабрикатлар;
- ёрдамчи материаллар;
- еъқилғи;
- идишилар;
- ремонт учун эҳтиёт қисмлар;
- асбоб анжомлар ва бошқа кам қимматли тез емириладиган меҳнат буюмлари.

Улар корхонада ишлаб чиқариши заҳираси холида бўладилар. Бу хилдаги ресурсларга ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил миқдорда меҳнат сарф қилинади ва шунга яраша улар қўйдагича номланадилар:

- тугалламмаган ишлаб чиқариш, яъни корхонанинг шу цехида тайёр маҳсулотга айланиси керак бўлган чала тайёр маҳсулотлар;
- корхона ўзи ишлаб чиқарган ярим фабрикатлар. Улар шу корхонани бошқа цехида ёки бошқа корхоналарда тайёр маҳсулотга айлантирилади;
- келаси давр ҳаражатлари ёки даврий ҳаражатлар. Бундай ҳаражатларга маҳсулотни истеъмолчига етказиш, маъмурий, раҳбарлик ҳаражатлари, ишлаб чиқаришини тайёрлаш, ўзлаштириш ва ривожлатириш билан боғлик бўлган ҳаражатлар;
- фондлар сифатида капиталга кўшилмаган ҳаражатлар ва шунингдек, ходимларни ёллаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби ҳаражатлар киради. Улар шу ҳўжалик йилида сарф қилинади ва келаси даврларда корхона фойдаси ҳисобига копланади.

Айланма капитали таркибидаги хомашё ва асосий материаллар муҳим ўрин тутади. Хомашё ва материаллар ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Улар маҳсулот таннархида 70-90% ташкил

этади. Шунинг учун ҳам ҳаражатларни камайтириш имкониятини ана шу манбалардан қидириш лозим.


Хомашё – инсон меҳнати таъсирда ўзгарган ёки қазиб чиқарилган ҳар қандай меҳнат буюмлари. Хомашё асосий хомашё ва ёрдамчи материалларга бўлинади. **Асосий хомашё тайёр маҳсулотнинг асосини ташкил этади.**

Ёрдамчи материаллар – асосий материалларни уларнинг хусусиятларини яхшилаш учун кўшиладиган (бўёқлар, ишкорлар ва шунга ўхшашлар) моддалар ёки меҳнат жараёнларини амалга оширишга хизмат қиласидиган меҳнат буюмлари (ёритиш учун электроэнергия); техника воситаларини ишлаб туришини таъминловчи ёқилги, мойлар ва ҳоказолардир.

Ишлаб чиқариш омиллари бўлган меҳнат ва капиталнинг, хомашё ва материалларнинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида тайёр маҳсулот яратилиди. Саноат корхоналарининг айланма капитали (ёки айланма фонdlари) таркиби қўйдаги чизмада берилган.

11-чиズма

Айланма капиталнинг саноат корхоналаридаги таркиби



Айланма капиталнинг тузилиши деб уларнинг айрим элементлари ўртасидаги нисбатига айтилади (% ҳисобида). Масалан, Ўзбекистон республикаси саноати айланма капиталининг умумий қийматида ишлаб чиқариш заҳиралари 60% дан кўпдир. (Шундан 40% хомашё ва ярим фабрикатларга тўғри келади), тугалланмаган ишлаб чиқариш ярим фабрикатлар келаси давр ҳаражатлари билан бирга 30%га яқин миқдорни ташкил этади.

Айланма капитал таркиби ва тузилиши кўпгина омилларга - ишлаб чиқариш хусусиятларига, шарт-шароитларига, ишлаб чиқариш технологиясига, ишлаб чиқариш даврининг узунлитига, истеъмол қиласидан меҳнат буюмлари миқдорига, уларнинг сифатига, хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун турли хил саноат тармоқлари ва корхоналарида айланма капиталнинг қисмлари ўртасидаги нисбати бир хил бўлмайди. **Масалан, электростанцияларда барча айланма капитал миқдори (98% дан кўпи)** ишлаб чиқариш заҳираларидан иборат. Бунинг сабаби электро – энергия ишлаб чиқаришда тугалланмаган ишлаб чиқаришлар йўқ, келаси давр ҳаражатлари ~~ва бошқа тармоқларга~~ ~~корхонада~~ анча кам.

Электростанцияларда ишлаб чиқариш заҳираларининг 80% дан кўпи ёрдамчи материаллар, ёқилғи ва таъмирлаш учун эҳтиёт қисимлардан иборат бўлиб хомашё эса мутлақо йўқ.

Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш заҳиралари 80% дан кўпдир. Булар асосан хом ашё ва асосий материаллардир. Бу ерда чарм саноати бундан мустасно, чунки унинг ишлаб чиқариш заҳираларининг 20% дан кўпроғи ёрдамчи материаллар (ёғлар, бўёқлар, оҳак, олтингурутли натрий ва бошқалар)дан иборат. Бунинг сабаби чарм-саноатининг ишлаб чиқариш заҳиралари чармни дастлаб қайта ишловчи бошқа жойдаги корхонада ташкил этилади. Улар бир-бирларига яқин жойлашганлар. Чарм заводларида чарм заҳиралари одатда кундалик талабга мос келади.

Машинасозлик корхоналарида айланма капитал таркибида тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ва корхонани ўзининг ярим фабрикатлари 40% яқин ўрин олади.

Келаси давр ҳаражатлари, айниқса кўумир ишлаб чиқаришда юқори бўлиб, у айланма капиталининг 50% ни ташкил этади.

Айланма капитал таркибини ва тузилишини билиш улардан оқилона ва самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаш имкониятини беради.

Айланма капитал таркибида кўрсатилган ресурслар натурал бирликларда (дона, тонна, кв.дм. ва ҳ.к) ва қиймат бирлигига ҳисобга олинади; шу билан бирга кунлиқ запас ҳолида ҳам ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда уларнинг маълум кунлиқ запаслари (захиралари) бўлиши зарур. Айланма маблағлар - бу хом-ашё, материаллар ва бошқа ресурсларни яратиш, ишлаб чиқариш ва истеъмолни узлуксиз, бир мөъерда таъминлаш учун

корхонага етарли миқдорда ажратилган пул маблағларидир. Унинг таркибига юқорида кўрсатилган айланма фонdlар ва муомала фонdlари киради. **Муомала фонdlари таркибида:** омбордаги тайёр маҳсулот, корхонадан истеъмолчига жўнатилган ва йўлда кетаётган маҳсулотлар; корхонанинг ҳисоб рақамидаги, ҳисоб-китоб ишларидаги пул маблағлари киради. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш жараёни фақат маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланмайди, уни истеъмолчига етказиб бериш жараёни билан тўлдирилади. Демак, пировард мақсад - истеъмолни қондириш ва максимал фойда олишдир. Айланма маблағлар корхонада кетма-кет равишда **пул – ишлаб чиқариш – товар шаклидаги босқичларни ўтади.**

Уларнинг иқтисодий можияти ва оқибатларини билиш муҳим ахамиятта эгадир.

9.2. Айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ва уни баҳолаш усувлари

Айланма капиталдан ёки моддий ресурслардан фойдаланиш ҳолатини иқтисодий таҳлил қилиш ва даражасини баҳолаш учун бир қанча кўрсаткичлар ишлатилади:

1. Бизнес режада мўлжалланган ёки норматив кўрсаткичлар ва ҳақиқий ҳисобот давридаги кўрсаткичлар.

2. **Хомашёдан тайёр маҳсулотни ажратиб олиш кўсаткичи.** Масалан, мис рудасидан мисни, темир рудасидан темирни, пилладан ипакни, қанд лавлагидан шакар ва ҳ.к. Бу хил кўрсаткичлар хомашё биринчи марта қайта ишланадиган тармоқларда кўлланилади.

3. **Маҳсулот бирлигига тўғри келадиган моддий ресурслар харажати миқдори ёки материаллар сигими.** Бу кўсаткич маҳсулот конструкциясини илгорлиги, замонавийлик даражасини ифодалайди. **Материаллар сигими умумий ва абсолют хилларда бўлади.**

а) **Умумий материаллар сигими** - бу бир сўмлик товар маҳсулотига ёки маҳсулот бирлигига тўғри келадиган барча материаллар сарфи қийматини кўрсатади. Хомашё материалларга баҳонинг ўсиши ёки пасайиши маҳсулотнинг техник-иктисодий даражасини тўғри кўрсатмайди.

б) **Материаллар сигимининг абсолют миқдори** - айрим жил буюмларни соф оғирлиги ёки юзасини ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг физик бирлигига нисбати билан топилади.

в) **Асосий хомашё материаллардан фойдаланиш ёки техникавий параметрлари бирлигига тўғри келадиган миқдорини ифодаловчи кўрстакиҷлар.** Масалан, қувват бирлигига, унумдорлик, юқ кўтариши ва бошқа параметрлари бирлигига тўғри келадиган асосий хомашё харажатлари миқдори.

4) **Юзага эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланиш коэффициенти.** Бу коэффициент тайёр маҳсулот юзасини

дастлабки материаллар юзасига бўлиб топилади. Буни материалларни бичиш коэффициенти дейилади. Бу коэффициент бирга яқин бўлиб борса материаллардан фойдаланиш самарадор хисобланади. Демак, ишлаб чиқариш жараёнида ислоҳлар камайтган бўлиб, моддий ресурслардан фойдаланиш яхши бўлиб чиқади.

5) **Тайёр маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ҳомашё материаллар микдори.** Бу кўрсаткич маҳсус тармоқ ва ишлаб чиқаришларда кўлланилади. Масалан, қора металлургияда – бир тонна чўян олиш учун руда ва кокс ҳаражатлар; бир тонна пўлат ишлаб чиқариш учун металл шихталари сарфи; кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда – бир тонна печенье учун ун ҳаражати микдори; машинасозликда – бир трактор учун металл ҳаражати; пойафзал ишлаб чиқаришда 100 жуфт маълум турдаги ва сифатдаги пойафзал учун чарм ва бошқа материаллар ҳаражати ва ҳ. к. Электр-энергетикада ёқилғидан фойдаланиш даражасини билиш учун бир киловатт соат электрэнергияси олишга кетадиган ёқилғи микдори (граммда) ишлатилади. Бу кўрсаткич бир йилда шартли ёқилғи микдорини (тоннада) шу йили ишлаб чиқарилган электрэнергиянинг (квт. соатларда) умумий миқдорига нисбати билан топилади.

6) **Материаллардан фойдаланиш коэффициенти деталлар, узеллар ва буюмларни соф оғирлигини (Вд) бир дона детал ёки буюмга кетадиган материалларнинг ҳаражат нормасига (Нд) (режа бўйича фойдаланиш коэффициенти) ёки ҳақиқий микдорига нисбати билан топилади.** Буюмларнинг тасдиқланган чизмалар ва техник шартлар талабига мос келгандаги оғирлиги уларнинг соф оғирлиги деб ҳисоб қилинади. Материаллардан фойдаланишнинг бу кўрсаткичи қўйидагича топилади:

$$\Phi_{КМ} = \frac{\sum Вд}{\sum Нд} = \frac{Вуую}{Нбуюм};$$

Агар тайёр маҳсулотнинг соф оғирлиги, 60 кг, ҳаражат нормаси 75 кг, ҳақиқий ҳаражат 80 кг бўлса, режа бўйича материаллардан фойдаланиш коэффициенти $60:75=0,8$ ёки 80%, ҳақиқий коэффициент эса $60:80=0,75$ ёки 75% бўлади.

Айрим ҳил саноат тамроқларидан – металлургия, машинасозлик, текстил саноати ва бошқаларда материалларда кетма-кет ишлов берилади. Бундай шароитда материаллардан фойдаланиш даражаси ҳар бир ишлаб чиқариш босқичи бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқарилади. Корхона бўйича моддий ресурслардан фойдаланишнинг умумий кўрсаткичи хусусий кўрсаткичларни ўзаро кўпайтириш йўли билан топилади. Моддий ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичларини ва улардан фойдаланиши таҳлил этишда қўйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

- буюмларни соф оғирлиги ҳар доим бир ҳил турмайди;

- саноатда машина ва ускуналарни оғирлигини камайтириб бориш имкониятлари күпдір;
- буюмларни, деталларни шакли, конфигурацияси материалларни истрофига таъсир қиласы;
- материаллардан фойдаланиш коэффициенти күп жиҳатдан ишлаб чиқарыш технологиясига, ишчиларнинг касби, маҳорати ва бошқаларга болғыс бўлади;
- корхонага келиб тушадиган хомашё материалларининг сифати.

Хомашё материалларнинг маҳсулот бирлигига ҳаражат нормаси қўйидагилардан ташкил топади:

- фойдали ҳаражат миқдори буюмларни соф оғирлиги;
- зарурий технологик чиқиндилиар ва истрофлар (қийқимлар, ҳаво билан бирга фойдали моддаларнинг кўшилиб чиқиши ва ҳ.к.).

Материалларнинг ҳақиқий ҳаражат миқдори нормал ишлаб чиқарыш ҳаражатлардан четта чиқилгандағи истрофлар ва чиқиндилиар ҳисобига ўзгариши мумкин. Масалан, ишлаб чиқарыш технологиясига риоя қилмаслик, хомашёни сақлашдаги шароитларни йўқлиги, хомашё сифатини пастлиги ва ҳ.к.лар.

Йиллик маҳсулот ҳаражатларига кетадиган ҳаражатлар миқдори кўп жиҳатдан айланма маблағларнинг ҳаракат тезлигига болғыс бўлади. Бу коэффициент (Кобхт) жами реализация маҳсулоти (Q_p) ҳажмини айланма маблағларининг ўртача йиллик қолдигига (Кобк) нисбати билан топилади.

$$\text{Кобхт} = \frac{Q_p}{\text{Кобк}};$$

Масалан, $Q_p=100$ млн. сўм Кобк=25 млн. сўм бўлса, айланма маблағларнинг ҳаракат тезлиги - $\text{Кобхт} = \frac{100}{25} = 4$ га тенг бўлади. Бу ерда ҳар бир сўм айланма маблағлардан 4 сўмлик маҳсулот олинган. Агар биз маблағларни ҳаракат тезлигини 4 дан 5 га оширасак, у ҳолда, шу ҳажмидаги маҳсулотни олиш учун 5 млн.

сўмлик маблағни тежаб қолган бўлар эдик: $\frac{100}{20} = 5$; ёки шу берилган ресурслар ҳисобига 100 млн. сўмлик маҳсулот ўрнига 125 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришган бўлар эдик: $\frac{125}{25} = 5$;

Йилдаги кунлар сонини маблағларнинг тезлигига нисбати уларни бир марта айлангандаги муддатини кўрсатади: $360:4=90$ кун.

Айланма маблағларнинг ҳаракат тезлиги қанча кўш бўлса, уларнинг айланыш муддати ҳам шунга яраша кам бўлади. Демак, қисқа вақт оралиғида маҳсулот ишлаб чиқарыш кўшайди, самараадорлик ортади. Айланма капиталининг ҳаракат тезлигини ошириш йўллари қўйидагилар:

- корхонада зарур бўлмаган, керадиган ортиқча материалларни сақлаб трумаслик;
- ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш;
- тайёр маҳсулотларни шартнома мажбуриятларига кўра истеъмолчига тез ва ўз вақтида етказиш;
- ишлаб чиқариш даврини қисқартириш;
- меҳнат таҳсимотини аниқ олиб бориш.

Моддий ресурсларнинг тежашнинг манбалари ва йўлларини билиш муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Моддий ресурсларни тежаш манбалари қўйидагилар:

1. Машиналар ва буюмларнинг сифати ва унумдорлигини ошириш билан бир вақтда уларнинг оғирлигини камайтириш;
2. Истрофлар ва чиқиндилярни камайтириш;
3. Истрофлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилиаридан максимал даражада фойдаланиш;
4. Кимматбаҳо ва камёб хилдаги хомашё, материаллар ўрнига кимёвий материаллардан фойдаланиш;
5. Материаллардан искиласмчи фойдаланиш.

~~Моддий ресурслардан фойдаланинг манбалари уларни нималар ҳисобига тежаш мумкинлигини кўрсатади. Тежаш йўллари эса қандай қилиб тежаш мумкинлигини кўрсатади. Улар қўйидагилар:~~

- машина ва буюмларни ишлаб чиқариш конструкциясини, технологиясини ишлатиладиган хомашё сифатини яхшилаш, хомашё материаллардан комплекс (тўлиқ) фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишини яхшилаш;
- хомашё, материаллар ҳаражатини тўғри ҳисобга олиш, нормалаштириш, улардан унумли фойдаланишни рағбатлантириш, баҳосини тўғри белгилаш;
- ресурслардан фойдаланишга бўлган ишчи-хизматчилар муносабатини яхшилаш.

9.3. Моддий ресурслар ва айланма маблағларни нормалаштириш

Моддий ресурсларни нормалаштириш, уларни маҳсулот ёки иш бирлигига сарф бўладиган меъёрини тўғри илмий асосланган тартибда аниқлаш ва уларни тежаб-тергаб ишлатишни муҳим шартидир; унумсиз, керагидан ортиқча сарф қилишни назорат қилиб бориш усулидир.

Моддий ресурслар сарфи турли хил белгилар бўйича бир неча гурухларга ажратилади:


- нормалаштириш ҳажми бўйича тайёр маҳсулот бирлиги учун. Масалан: тректор, автомобиль, 100 жуфт (1 жуфт) пойафзал учун;
- ярим фабрикатлар бирлиги учун (узел, детал, 1 тонна крахмал ва бошқалар);

- буюмларнинг техник параметрининг бирлиги учун (бир от кучига, 1 тонна юк кўтариш қувватига ва ҳ.к.)

Норма ва нормативлар - истиқболли, йиллик ва жорий турларда бўлади. Айниқса, бундай гурӯҳларга бўлининш тез бузиладиган қисилюқ хўжалиги хом-ашёларини қайта ишлайдиган тармоқ корхоналарига тегишилдири. Материаллар ҳаражатининг меъерини ҳисоблаш учун уларнинг таркибини билиш зарур (12-чизма).

12-чизма

Ҳаражатлар нормасининг режадаги ва ҳақиқий таркиби



Ҳаражат нормаси маҳсулот ишлаб чиқаришдаги материалларнинг фойдали ҳаражати миқдорини (соғф оғирлиги, майдони); зарурий технологик чиқиндиilar ва исрофлар (қийқимлар ва ҳ.к.) дир.

Чиқинди ва исрофлар ишлаб чиқариш технологиясидан четта чиқиша буюмларни нотўғри сақлашда, сифати паст бўлган ҳом-ашёлардан фойдаланишда содир бўлади.

Исрофлар - моддий ресурсларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлиб қайтиб келмайдиган моддий ресурсларнинг бир қисмиидир. Бошқа мўлжалланмаган чиқинди ва исрофлар ҳақиқий ҳаражатлар миқдорида бўлади.

Моддий ресурсларнинг ҳаражат нормаси ишлаб чиқаришдаги илгор технологияларни, меҳнат шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш, таҳлил қилиш усуллари ёрдамида аниқланиши лозим. Уларнинг ҳаражат миқдори фан-техника таъсирида камайиш томонига ўзгариб боради.

Корхона маблағлари ишлаб чиқариш жараёнига тушгандан сўнг тайёр маҳсулот шаклида муомала соҳасига ўтади. Лекин тайёр маҳсулотни сотиш, истеъмолчига етказиш, ундан пул ундириши вақт талаб этади. Шунинг учун айланма маблағларнинг шу вақт оралигидаги ҳаракати З қисмга бўлинади:

I. Маблағларни ишлаб чиқариш заҳираси сифатида туриш вақти;

II. Ишлаб чиқариши давридаги туриш вақти;

III. Тайёр маҳсулот таркибидаги ҳисоблашынган вақти.

Шунинг учун айланма маблағларга бўлган талабни аниқлашда уларни ҳақиқатда айланниш вақтини ҳисобга олиш зарур. Шунга асосан ва уларнинг ҳаракат тезлигига асосан маблағларнинг кун ҳисобидаги айланниш муддатини режа бўйича аниқлаш мумкин бўлади. Режа даврида зарур бўлган айланма маблағлар микдорига бўлган умумий талаб қўйидаги норматив микдорлардан ташкил топади:

I. Ишлаб чиқариши заҳираси сифатидаги нормативлар (H_q);

II. Тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ($H_{нап}$) ва тайёр маҳсулот нормативи (фақат материаллар сарфи бўйича) шунингдек, меҳнат ҳақи тўловлари микдори, амортизация ажратмалари ва бюджетга бериладиган тўловлар, банк учун фойдадан ажратмалар.

Ишлаб чиқаришни узлусиз олиб бориш мақсадида моддий ресурс турлари бўйича уларнинг минимал микдордаги заҳираси нормалаштирилади. Улар кун ҳисобида, натура ва қиймат бирликларид режалаштирилади.

Кунлиқ заҳиралар (H_q) қўйидагилардан иборат бўлади: материалларни йўлда бўлиш вақти (транспорт заҳираси); келиб тушадиган материалларни қабул қилиш (тайёргарлик заҳираси), тушуриш, омборга жойлаштириш ва сифатини таҳлил қилиш; ҳомашё материалларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш (технологик заҳира); хомашё, материалларни истеъмолчи омборида туриш вақти (жорий заҳира); таъминотдаги узилишларни олдини олиш мақсадида буюрмаларни кўпайиб кетиши ҳолатлари учун яратиладиган резервлар микдори (сугурта ёки кафолат заҳираси).

Транспорт заҳираси (Нтр.) (кун ҳисобида)-тўлов харажатлари бўйича юк учун пул тўланган вақт билан юкни харидорга келиб тушган вақт оралиғидаги кунларнинг фарқи билан топилади. Масалан, харидор тўлов-ҳисоб ҳужжати бўйича бешинчи март куни пул тўлаган бўлса юк (маҳсулот) 16 март куни келиб тушган бўлса, у ҳолда траспорт заҳирасининг мөъёри 11 кун.

Ишлаб чиқаришга тайёрлаш заҳираси (Нп)- хомашё, материалларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш кунларини бир суткада истеъмол қиласидиган хомашё, материаллар микдорига кўпайтириш билан топилади.

Технологик заҳира (Нт)- айрим хил хомашё, материалларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш зарур бўлган шароитда топилади. Масалан; ёғоч материалларни ундан маҳсулот олишдан авал куритиш ва ж.к. ишлар бажарилади.

Жорий заҳира (Нж)- бу заҳиранинг энг асосий тури бўлиб аниқ турдаги хомашё, материалларнинг кейинги партиялари келиб тушунча ишлаб чиқаришни узлусиз олиб бориш зарур бўлади. Унинг микдори қўйидагича топилади:

H_ж=K_{ХИ}

Бунда, К - ўртача кунлик талаб

И - хомашёни келиш оралиги.

Хомашёни келиб тушиш оралиги қўйдаги омилларга боғлиқ бўлади:

-истеъмол ҳажми ва уни транзит нормасига нисбати;

-материалларни ишлаб чиқаришга киритиш миқдори ;

-истеъмол қилиш тезлиги.

Масалан, машинасозлик кохонаси бир квартлда 180 тонна паркат истеъмол қиласа, транзит нормаси 60 тонна бўлса, албатта материалларни етказиб бериш оралиги 30 кун бўлади.

Транзит норма бу транспорт воситасини бир манзил томон олиб бориши мумкун бўлган юкларнинг минимал миқдоридир. Ишлаб чиқарин заҳираларни умумий нормаси моддий ресурслари бўйича кун ҳисобида юқоридаги барча заҳиралар миқдорининг йигиндиси билан топилади:

$$H_q = H_{tp} + H_n + H_t + H_{tek} + H_r$$

Агар айланга заҳираси учун бўлган талабини -О₃ деб, моддий ресурслар сарфини -Р, кунлик заҳира миқдорини -Н₃ ва режа давридаги календарь кунларни -Д орқали белгиласак, у ҳолда, $O_3 = \frac{P}{D} \cdot H_3$, бўлади. Масалан, корхонада бир кварталдаги хомашё ва асосий материал ҳаражатлари 132 млн. сўм заҳира нормаси 30 кун ва ёрдамчи материал 18 млн. сўм бўлиб заҳира нормаси 60 кун. У ҳолда айланма маблакларга бўлган талаб хомашё ва асосий материаллар бўйича қўйидагича бўлади:

$$\frac{132}{90} \cdot 30 = 44 \text{ млн. сум}$$

Ёрдамчи материаллар бўйича: $\frac{18}{90} \cdot 60 = 12 \text{ млн. сумни ташкил этади.}$

Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг нормативи ишлаб чиқариш даврининг узунлиги (T_u) узунлиги, ҳаражатларни кўпайиб бориши коэффициенти (K_x)^{x)}, ва корхонани бир кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ^{xx)} асосан топилади:

$$H_{an} = B_x T_u x K_x$$

Ҳаражатларни кўпайиб бориши коэффициенти тугалланмаган ишлаб чиқаришлар таниархини тайёр маҳсулот таниархига нисбати билан топилади. Бу қўрсаткични аҳамиятини қўйидаги мисол орқали ёритамиш: Фараз қиламизки, икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилади: «А» ва «Б». Уларнинг таниархи (2 млн. сўм) ва ишлаб

^{x)} Маҳсулотни тайёрилик даражасини ифолайди

^{xx)} Корхона таниархи бўйича.

чиқариш даври бир хил (5 кун). Бу омилларнинг ҳаражатларни кўпайиб бориш даражасига таъсири қўйидаги ҳисоблашларда кўринади:

10-жадвал

Икки хил маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ва ишлаб чиқариш даврининг ҳаражатлар ўзгаришига таъсири

Ишлаб чиқариш даврининг узунлиги, кунлар	«А» буюм		«Б» буюм	
	Кунлик ҳаражатлар	Ҳаражатлар миқдори	Кунлик ҳаражатлар	Ҳаражатлар миқдори
Биринчи	1500	1500	200	200
Йиккинчи	125	1625	200	400
Учинчи	125	1750	200	600
Тўртинчи	125	1875	400	1000
Бешинчи	125	2000	1000	2000
Жаъти	2000	8750	2000	4200

Кўриниб турибдики маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқариш даври бир хил бўлган шароитда туталланмаган ишлаб чиқаришининг ўртacha таннархи ҳар хил бўлиб чиқмоқда: «А» буюм бўйича – 1750 м. сўм (8750:5); «Б» буюм бўйича – 840 м. сўм (4200:5). Туталланмаган ишлаб чиқаришининг ўртacha таннархини умумий ҳаражатларга нисбати ҳаражатларни кўпайиб бориш коэффициентини ташкил этади. Бу коэффициент биринчи ҳолатда $- 0,87 \left(\frac{1750}{2000} \right)$, иккинчи ҳолатда $- 0,42 \left(\frac{840}{2000} \right)$ бўлиб чиқади.

Шундай қилиб «А» буюм бўйича кунига ўртacha 120 м. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганда, туталланмаган маҳсулот ишлаб чиқариш задели 522 м. сўм ($120000 * 5 * 0,87$), «Б» буюм бўйича эса 252 м.с.ни ($120000 * 5 * 0,42$) ташкил этади. Туталланмаган ишлаб чиқариш нормативини аниqlаш айrim тармоқларда ўзининг хусусиятларига эгадир.

Асосий иборалар ва тушунчалар

1. Мехнат буюмлари – бу тайёр маҳсулот олиш учун киши меҳнати сарфланган барча хомашё материаллардир.

2. Айланма капитал – бу бир ишлаб чиқариш даврида ўз қийматини тайёр маҳсулотга тўлалигича кўчириб ўзининг натурал кўринишини бутунлай йўқотиб моддий шаклда такрор ва такрор ишлаб чиқариши талаб этадиган барча турдаги меҳнат буюмларидир.

3. Хомашё - инсон меҳнати таъсирида ўзгарган ёки қазиб чиқарилган ҳар қандай меҳнат буюмларидир.

4. Ёрдамчи материаллар – асосий материалларга уларнинг хусусиятларини яхшилаш учун қўшиладиган лекин, тайёр маҳсулот

таркибига кирмайдиган моддалар (бүёқлар, ишқорлар ва ж.к.); меҳнат жараёнларини амалга оширишда хизмат қиласидиган меҳнат буюмлари (ёритиш учун электр энергия); техника воситаларининг ишлаб туришини таъминловчи ёқилғи, мойлар ва ж.к.лардир.

5. Айланма маблағлар – бу айланма фондларни ва муомала фондларини яратиш учун мўлжалланган пул маблағлариdir.

6. Муомала фондлари – муомала соҳасида хизмат учун ажратилган пул маблағлариdir.

7. Моддий ресурсларнинг харажат нормаси – маҳсулот ишлаб чиқаришдаги материалларнинг фойдали харажати микдорини (соғ оғирлиги, майдони); зарурий технологик чиқиндилар ва исрофлар (қийқимлар ва ж.к.)ни кўрсатади.

8. Исрофлар – моддий ресурсларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлиб қайтиб келмайдиган моддий ресурсларнинг бир қисмидир.

Назорат саволлари

1. Ресурслар ва ишлаб чиқариш омиллари тушунчаларининг моҳияти.

2. Айланма капитал ва меҳнат буюмлари тушунчаларининг моҳияти, иқтисодий табиати.

3. Айланма капитал ва айланма маблағлар тушунчалари, уларнинг фарқи ва таркиби.

4. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги:

- моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари;

- айланма маблағларнинг ҳаракат тезлиги ва уни оширишнинг иқтисодий самарадорлиги.

5. Моддий ресурсларни тежаш манбалари ва йўллари.

Х БОБ. КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА ИШ ҲАҚИ

10.1. Меҳнат ресурслари ва кадрлар таркиби

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳий ўзгаришлар даврида ҳамма нарсалар инсон эҳтиёжлари ва омилига қаратилган.

Меҳнат ресурслари, иш кучи, меҳнат унумдорлиги, меҳнатнинг маҳсулдорлиги кучи^x, меҳнат самарадорлиги, меҳнат харажатлари тушунчалар иқтисодиётимизда кўп ишлатилади. Уларнинг моҳиятини ўзаро боғлиқлигини билиш хал қилувчи аҳамиятта моликдир.

Меҳнат ресурслари - ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган кишилардир, уларнинг меҳнат қобилиятлариидир. Меҳнат ресурслари потенциал меҳнат ходимлариидир. Инсон ўзининг меҳнат қобилиятларини янада ошириб, ривожлантириб бориши зарур. Бунинг учун улар меҳнат маҳоратларини, тажрибаларини ошириб, такомиллаштириб, касбий билимлар тўплаб боришлари ташаббускор ва фаол бўлишлари керак бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат қобилияти, иш кучини товар деб қабул қиласди. Лекин бу оддий товар эмас. Унинг бошқа товарлардан фарқи шундаки:

- 1) у ўз қийматидан ортиқ қиймат яратади;
- 2) уларни жалб этмай ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди ва айланма капиталлардан фойдаланиш кўпроқ меҳнат ресурсларига боллиқ бўлади.

Шунинг учун корхонани қандай иш кучи билан таъминланиши, улардан ишлаб чиқариш жараёнида қандай фойдаланиши кераклигини аҳамияти бор. (Япониядагидек умрбод ёлланиб ишлайдими ёки зарурият бўйичами ва ҳ.к.). Корхонанинг иш кучи билан таъминланишини меҳнат муносабатлари иқтисодиёти назаридан туриб баҳолаш лозим, чунки бунда қўйидаги муаммолар хал этилади:

- меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги;
- меҳнат ресурслари ва меҳнат потенциали;
- маҳсус шерикчилик;
- меҳнатни ташкил этиш ва нормаллаштириш;
- аҳолининг турлари даражаси, даромадни шакллантириш ва тақсимланиши;
- иш ҳақини ташкил этиш;

^x Производительная сила труда.

- меҳнат самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларнинг ўлчаниши;
- меҳнат самарадорлиги омиллари ва ўсиш резервлари;
- корхонада меҳнатни режалаштириши.

Кўрсатилган бу соҳаларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятларига эга бўлиб меҳнат муносабатларига ўзича таъсир этади.

Масалан, аҳоли бандлити билан ишсизлик ўртасидаги нисбатлик кучи таклифни ўзgartиради.

Ҳар бир корхона ўзига хос кадрлар сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Унинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлади: Иш кучига эга бўлган талабни унинг миқдори ва сифати бўйича аниқлаш; меҳнатга жалб этиш шакллари; улардан унумли фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш. Масалан, ходимлар малакасини ошириш, ҳар бир ходимнинг унумдорлигини таъминлап учун шарт-шароитлар яратиш, рағбатлантириш ва ҳ.к. Кадрлар сиёсати ҳозирдаги амал қилаётган меҳнат бозорини шаклланиши ва шу корхонани хусусиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Кадрлар сиёсати билан маҳсус бўлим - **кадрлар бўлими шугулланиб, қўйидагиларни амалга оширади:**

1. Ишлаб турган кадрлар рўйхатини тузиш (учетга олиш). Улар рўйхатдаги ходимлари ва ноишлаб чиқариш хўжалиги ходимларига ажратилиди. Корхона ходимлари рўйхатининг таркиби - бу доимий ва вақтингча бир ва ундан ортиқ кунга ишга олинган асосий ва ноасосий фаолият билан шугулланадиган ходимлардир.

Ходимларни рўйхат бўйича таркиби кўрсаткичи ҳар кунлик табель бўйича маълумотларда аниqlанади.

Саноат ишлаб чиқариш ходимлари (С.И.Х.). Булар: - асосий ва ёрдамчи цехлар, корхонанинг бошқарув ашарати, лаборатория, илмий тадқиқот ва тажриба ишларидағи ходимлар:

- конструкторлик бўлимлари, ҳисоблаш марказлари ходимларидир.

Улар тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш фаолияти ва унга ҳизмат қилиш ишлари билан банд бўладлар. **Ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган бўлимлардаги ходимлар.** Улар корхонанинг уй-жой, комунал хўжалиги, қўшимча хўжаликлар, соғлиқни тиклаш пунктлари, профилакторийлар, ўқув муассасалари ходимларидир.

Саноат ишлаб чиқариш ходимлари ўз вазифаларига кўра:

- **Ишчилар** (кичик ҳизмат ходимлари ва қоровул ходимлар);
- **Хизматчилар** - раҳбарлар, мутахассислар ва бошқалар (идора ходимлари, ҳисоб, назорат ишларидағи, хўжалик хизматидаги (агентлар, кассирлар, девонхона ходимлари, иш юритувчилар), секретарлар, статистиклар ва ҳ.к.лар).

- **Мутахассислар** - бу муҳандислар, технologлар, бухгалтерлар, иқтисодчилар ва бошқалар.

Ходимлар таркибida энг асосийси, ҳал қилувчи кучга эга бўлган ишчилар бўлиб, улар кўпчиликни ташкил этади. Ишчилар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида, шунингдек, дастгоҳларни

таъмирлаш ва қараш, меҳнат воситаларини, тайёр маҳсулотни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва шунга ўхшаш ишларда тўғридан-тўғри қатнашадилар.

Хилма-хил истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи турли хил саноат тармоқларининг хусусиятлари.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва ҳар хил технологияларни кўллаш зарурлигини тақозо этади. Бундай ҳолат эса, ўз навбатида кадрларнинг **касб-малака таркиби**га маҳсус талаблар кўяди.

«Мутахассис тушунчаси» - кадрлар касби доирасидаги меҳнат тақсимоти таъсирида юзага келади. «Мутахассис» - дегани кишининг тор доирадаги ишни бажариш учун билимлари ва маҳоратлари йигинидисини ифода этади.

«Малака» - қандайдир касб, мутахассислик бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган билимлар ва меҳнат маҳоратлари даражасидир.

Кадрлар билан таъминлаш, айниқса, қайта ишлаш саноати корхоналарида анча мураккаб ва кўп қиррали.

Бу масалани ҳал қилиш биринчи галда **хедимлар миқдори ва сифати бўйича таркибини аниқлашни талаб** этади. Бунинг учун маҳсулот ишлаб чиқариш ёки қандайдир ишларни бажариш учун зарур бўлган иш вақтини аниқлаш керак бўлади. «Зарур бўлган иш вақтини» аниқлаш техник-ташкилий ва ижтимоий омиллар гуруҳига боғлиқдир. Бу гуруҳлар таркибида иш вақти миқдорини белгиловчи, унга таъсир қилувчи жуда кўп ва хилма-хил шартшароитлар мавжуд. Уларни таъсирини ҳисобга олган ҳолда «зарур бўлган иш вақтини» аниқлаш ҳар бир иш жойида, барча меҳнат жараёнлари ишлаб чиқариш иқтисодий ва техник жиҳатдан ташкил этилишининг имкониятларини ҳар томонлама таҳлил қилиш зарурдир. Керак бўлган иш вақти миқдори шунингдек, меҳнат интенсивлиги даражаси билан ҳам боғлиқ, бу эса иш вақтининг меҳнат сарфи меъёрини (нормасини) тўғри белгилашни тақозо этади.

Ҳаражат нормаларининг тўғрилиги даражаси (таранглиги) одатда уларни бажариш коэффициенти ёрдамида топилади. Агар иш вақтининг нормаси юқори бўлса нормалар бўш қўйилган бўлади, паст бўлса нормалар тортилган, тўғри қўйилган ҳисобланади.

Умуман, бу муаммо шундай ҳал қилиниши керакки, бунда ҳар бир ишни учун нормал даражадаги меҳнат юки таъминланиши лозим. Бунда албатта, бир қанча омиллар таъсири ҳисобга олинади.

Бу масала юзасидаги муаммолар маҳсус илм соҳаси бўлган «Меҳнат иқтисодиёти ва нормалаштириш» фанида ўргатилади ва ҳал этиш йўллари кўрсатилади. Минг афсуски, бугунги кунда иқтисодий билимларнинг ана шу энг муҳим соҳаси олий ўқув юртларида ўқитилмаяпти.

Корхоналарни иш кучи билан таъминлашдаги муаммоларнинг иккинчи - ишлаб чиқаришга жалб этилганларнинг малякаси таркибини аниқлашадир.

Буни аниқлаш «мәҳнат сифатини» баҳолашта асосланади. «Мәҳнат сифати» тушунчаси мәҳнат мураккаблиги ва уни бажариш масулиятигини ифодалайды. Умуман олганда, бу аниқ турдаги бирбиридан фарқ қиласидан мәҳнат фабилияті сипатидир.

Мәҳнат иқтисодиётида «мураккаб мәҳнат» тушунчаси ҳам алоҳида ўрин тутади. «Мураккаб мәҳнат» («мәҳнат мураккаблиги») оддий мәҳнатни күпайтмаси, малякали мәҳнат ҳаражатлари, яғни бир хил вақт мобайнида (соат, иш сменаси) күпроқ қийматта эга бўлган маҳсулот яратиш; унумли мәҳнат сипатида қаралади.

«Мәҳнат мураккаблиги» га қуйидаги талаблар қуйилади:

■ мәҳнат буюмлари хусусиятидан келиб чиқадиган талаблар: хомъяшё, материалларнинг моддий ва конструктив хусусиятини билиш, уларни ҳаражат миқдорини (меъёрини) билиш;

■ иш бажариш усусларидан келиб чиқадиган талаблар: мустақил бўлиш, масулиятли, тажрибали бўлиш ва бошқалар.

10.2. Мәҳнат ходимлари миқдорини аниқлаш

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиши режасини бажарилишини таъминлаш асосий ишчиларга бўлган талабни ҳисоблашдан бошланади. Уларнинг ва бошка категория ходимларининг сони бир йилда бажариладиган ишлар ҳажмига мутаносибdir ва аксинча. Бир кишига тўғри келадиган унумдорликка тескари нисбатда (пропорционалдир). Агар маҳсулот ҳажми ва унумдорлик мәҳнат ҳаражати билан норма-соатларда ўлчанса, асосий ишчилар сонини формула ёрдамида қуйидагича топиш мумкин:

$$C_{ax} = T_{mc} / C_{ai} \cdot C_{ax} \cdot K_{un};$$

T_{mc} - мәҳнат салмоғи, норма-соатда

C_{ai} - битта ходимнинг ўртача йиллик иш соати

K_{un} - ишчининг унумдорлик нормаси коэффициенти

C_{ax} - асосий ходимлар сони

Ишлаб чиқариш дастурининг мәҳнат салмоғини ҳисоблаш асоси бўлиб ҳар бир буюмнинг мәҳнат салмоғи ҳаритаси ҳисобланади. Унда шу хилдаги маҳсулот бирлигини ишлаб чиқарилиши учун. Барча жараёнларда иш турлари ва разрядлари бўйича норма-соатларда қанча мәҳнат сарф этилиши кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий мәҳнат салмоғи ҳар бир маҳсулотнинг режадаги сонига кўпайтмасининг йигиндисига тенгдир. Бундан ташқари нормалаштирилмайдиган маҳсулот мәҳнат салмоғи ва туталланмаган ишлаб чиқаришларнинг ўсиши ҳам ҳисобга олинади.

Бир ходимни бир йилда ўртача ишлаш вақти (иш вақти баланси) тартиби 11-жадвалда күрсатилган.

11-жадвал

Иш вақти баланси

Т.Р.	Иш вақти күрсаткычлари	Күнлар
1.	Календар вақт фонди	365
2.	Ишламайдиган күнлар, жаъми Шу жумладан: - дам олиш күнлари - байрам күнлари	59 54 5
3.	Календар бүйича иш күнлари (иш вақтининг номинал фонди)	306
4.	Ишга келмаган күнлар-жаъми Шу жумладан: - таътил күнлари - құшымча татил - қасал бұлған күнлар - мальмурият рухсати билан келмаган күнлар - қонун йүл қўйтган бошқа келмаган күнлар - сабабсиз келмаган күнлар (ўтган йил ҳисоботи бўйича) - ишсиз туриб қолған күнлар	
5.	Йилдаги иш күнлари	
6.	Иш кунини қисқариши ҳисобига йўқотилган вақт Шу жумладан: - оғир ва зарарли ишлардагилар учун - ўсмирлар учун - эмизикли оналар учун - ҳисобот бўйича сменалар ичида туриб колишлар	23 17 1 2 3
7.	Фойдали иш вақти фонди	
8.	Иш кунининг ўртача узунлиги, соат	8
9.	Иш вақтининг фойдали фонди, соатда	1600

Ишчилар сонини унумдорлик нормасини эса қўйидагича топиш мумкин:

$$C_u = Q / H_y \cdot C_{uy} \cdot K_{uy}$$

бунда, Q - режа даври учун маҳсулот ҳажми (дона, қиймат бирлигига);

H_y - вақт бирлиги ичидағи унумдорлик нормаси.

Айрим ҳолларда поток йўлларида ва кўп станокда иш бажариш жойларида уларни бошқариш ва хизмат қилиш зонасининг нормаси асосида вақтбай ишлайдиган ходимлар сонини аниқлаш зарур:

$$C_i = I_{ik} / H_{ik} \cdot K_{cm} \cdot (1 + \bar{I}_{ik} / 100)$$

бунда, I_{ik} - ишчилар гуруҳи хизмат қиласидиган иш жойлари сони.

H_{ik} - битта ишчи хизмат қиласидиган инжойлари сонининг мөъёри.

K_{cm} - корхонанинг иш сменаси сони.

\bar{I}_{ik} - номинал иш вақтига нисбатан % - ҳисобидаги йўқотилган иш кунлари ва ишга келмаган кунлар.

Вақтбай ишлайдиган ишчиларнинг турли гуруҳларини сонини аниқлашнинг ўзини хусусиятлари бор:

а) дастгоҳлар ёки иш жойларига биринчириб қўйилган ишчилар (ҳайдовчи, кран ишчиси, такелажчи) хизмат нормаси асосида топилади;

б) дастгоҳларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашда банд бўлган ишчилар сони режали огоҳлантириш таъмирлаш тизими (POTT) асосида режадаги меҳнат салмоги бўйича топилади.

в) транспортдаги ишчиларга бўлган талаб юк тушириш ва юклаш, транспорт воситалари сони уларга хизмат кўрсатиш нормаси, смена коэффициенти бўйича аниқланади.

Рахбар ходимлар, мутахассислар хизматчиларга бўлган талаб берилган штатдаги рўйхатга асосан ҳисобланади.

10.3. Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблапни усуслари

Меҳнат унумдорлиги (битта ходимнинг ва хизматчининг) вақт бирлиги ичida ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳажми билан ёки бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган вақт миқдори билан аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги - бу аниқ меҳнатнинг масулдорлигидир. Меҳнат унумдорлиги - меҳнат жараёларнинг самарадорлик даражасини кўрсатади. Унинг ўсиши маҳсулот бирлиги учун сарфланадиган иш вақтининг тежамини ёки вақт бирлиги ишлаб чиқариладиган маҳсулотни кўпайтиришда кўринади. Меҳнат унумдорлиги иқтисодиётни ва жамиятни ривожланишини энг муҳум иқтисоди кўрсаткичларидандир.

Америка иқтисодчиларининг таъкидлапиша, Америка иқтисодиётини «Келажакда ривожлантиришнинг энг муҳим ягона кўрсаткичи бу меҳнат унумдорлигидир. Ҳудди шу кўрсаттич бошқа омилларга қараганда барча мамлакатнинг ҳаёт даражасини кўпроқ белгилайди ва узоқ келажакда ҳўжалик комплексининг иқтисодий самарадорлигини энг яҳши кўрсаттичи ҳисобланади. Тарих кўрсатадиган, дунёда меҳнат унумдорлиги соҳасидаги лидер

(етакчи) пировард, натижада иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий лидер бўлиб қолади».

Меҳнат унумдорлиги маҳсулот қайси бирликда ҳисобланса ўша бирликларда ўлчанади:

1. Меҳнат унумдорлигини қиймат кўрсаттичларида аниқлаш усули. Бунда ялпи маҳсулот, ёки тавар маҳсулоти, реализация маҳсулоти кўрсаттичлари ишлатилиши мумкин. Қайси кўрсаттични кўллаш бу иқтисодчининг мақсадига боғлиқ бўлади. Меҳнат унумдорлигининг қиймат усулида маҳсулотнинг барча турлари ва ҳажмлари, ишлар ва хизматлар ягона пул кўрсаттичлари билан ифодаланади. Масалан, агар беш ишчилар бригадаси бир сменада 100 минг сўмлик иш ҳажмини бажартан бўлса, у ҳолда ҳар бир ишчининг сменадаги меҳнат унумдорлиги (ишлаб чиқарган маҳсулоти) қўйдагича бўлади: $120:5=20$ (минг сўм), тегишли равишда бир соатлик иш мобайнинда $20:8=2,5$ (минг сўм) бўлади. Меҳнат унумдорлигини ўлчашининг қиймат усули турли касб ва малакага эга бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, масалан, қандолатчи ва новвойнинг, чилангар ва ҳайдовчининг меҳнат унумдорлиги билан таъқослаш имконини беради. Бирор бу усул кўринишдан универсал бўлишига қарамай, бир қанча камчиликларга ҳам эга. Хусусан унга нарҳ омили, яъни бозор конъюнктураси ва инфляция кўпроқ таъсир кўрсатади.

2. Натура усулида - тонна, дона, метр ва ҳ.кларда.

3. Шартли - натура усулида. Бу усул бир турдаги маҳсулотнинг хиллари кўп бўлган шароитларда ишлатилади. Масалан, цемент шифер ишлаб чиқариш, совуилар, турли ҳил консерва банкалари, пойафзаллар, ун, нон, макарон маҳсулотларининг сотиш ҳаражатларини шартли миқдорда аниқлашда ишлатилади. Бунда асосий маҳсулот турининг коэффиценти бирга тенг қилиб олинади, қолган тур маҳсулотларни унга нисбатан коэффиценти топилади. Масалан 1,25; 1,45; ва х.к.

Ҳар бир тур маҳсулот бўйича бу коэффицентларни мос ҳолда маҳсулот ҳажмига кўплайтириб умумий маҳсулот ҳажми топилади.

4. Ходимлар (ишчилар)нинг меҳнат сарфи усули. Бу бир ходимга тўғри келадиган норма-соатлардаги вақт миқдоридир.

5. Маҳсулотнинг меҳнат салмоғи (огирлиги) усули, яъни ишлаб чиқариладиган маҳсулотга кетадиган меҳнат сарфи миқдори. Улар норматив даражасидаги, режадаги ва ҳақиқий меҳнат салмоғи кўрсаттичларга ажратилади. Меҳнат унумдорлиги ва меҳнат салмоғи (огирлиги) кўрсаттичлари ўртасида тескари боғлиқлик. Меҳнат салмоғи паст бўлса, меҳнат унумдорлиги ва шунга кўра бажарилган ишлар ҳажми ҳам кўпроқ бўлади. Режа давридаги меҳнат унумдорлигини режа давридаги унумдорликни ўсиш даражасига кўплайтириш билан топилади. Меҳнат унумдорлигини режа давридаги ўсиш даражаси режадаги ва ҳақиқий унумдорликни фарқини ҳақиқий унумдорликни миқдорига нисбати билан фоиз (%) ҳисобида топилади.

$$M_{py} \frac{100 (M_{py} - M_{xy})}{M_{xy}}$$

бунда, M_{py} – битта ходимнинг режадаги унумдорлиги.

M_{xy} – ҳақиқий унумдорлик.

Меҳнат унумдориги якка ходимнинг меҳнат унумдорлиги ва ижтимоий меҳнат унумдорлигига ажратилади. Якка ҳодимнинг (жонли) меҳнат унумдорлиги вакт бирлиги ичида битта ходимнинг ишлаб чиқарган моддий неъматлари (унумдорлиги) миқдори ёки маҳсулот бирлигига сарфланган вакт миқдори (меҳнат салмоги) билан ўлчанади.

Ижтимоий меҳнат унумдорлиги моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ялни ички маҳсулот миқдорини ходимлар сонига нисбати билан тошилади.

Юқорида келтирлган меҳнат унумдорлигини ўлчаш усууларини ҳар бири ҳам ўз афзалликлари билан бир қаторда турли хил камчиликларига ҳам эгадир.

Меҳнатта ва бошқа хил ресурсларга бўлган талаб унинг унумдорлигига боғлиқ бўлади. Умуман меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса унга (меҳнат ресурсларига) бўлган талаб шунча юқори бўлади, реал иш ҳақи ҳам кўпаяди.

Меҳнат унумдорлигини юқори бўлиши қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Капитал;
2. Табиий ресурслар ва уларнинг сифати;
3. Технология ва унинг сифати;
4. Меҳнат ресурсларининг (ходимларнинг) сифати.. Ишчиларни саломатлиги, билими ва тайёргарлиги, шунингдек меҳнатта муносабатини юқори даражада бўлиши. Ишчиларнинг иш вақтидан, дастгоҳлар қувватидан тўлиқ фойдаланиши. Ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишининг хилма-хил самарадор усууларидан фойдаланиши;

5. Бошқа омиллар:

а) бошқарув тизимини самарадорлиги ва мосланувчанглиги (гибкость);

б) иш олиб бориш, ижтимоий ва сиёсий муҳит;

в) фирмалар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишни таъминлайдиган ички бозорни катталалиги;

г) ходимларнинг моддий ва маънавий манфатдорлиги;

д) ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар;

Ҳар бир омилни меҳнат унумдорлигига таъсир этиш даражасини аниқлаш усуулари мавжуд. Масалан, фан техника тараққиёти таъсири натижасида меҳнат унумдорлиги кўпаяди ва маҳсулотнинг меҳнат салмоги даражаси (т) пасаяди ва шуни ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ўсиши қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$My = \frac{M_{cd} \times 100}{100 - M_{cd}} \quad \text{ёки} \quad My = \frac{M_c \times 100}{C_{cd} - M_c}$$

бу ерда: My - меҳнат унумдорлигини ўсиши, %;

M_{cd} - маҳсулот бирлигининг, меҳнат салмоғи даражасининг пасайиши, %;

M_c - маҳсулот бирлигининг, меҳнат салмоғи даражасининг пасайиши, киши-соат;

C_{cd} - маҳсулот бирлигини учун зарур бўладиган аввалги меҳнат салмоғининг бошлангич даражаси.

Мисол: агар янги асбоб-ускуналарни жорий этиши натижасида маҳсулот бирлигининг сермеҳнатлик даражаси 12% камайган бўлса, меҳнат унумдорлиги 13,6% ортади:

$$\begin{array}{r} 12 \times 100 \\ \hline 100 - 12 \end{array}$$

Деталь тайёрлапнинг бошлангич сермеҳнатлик даражаси 42 киши-соат, янги технология киритилганлиги сабабли у 5 киши соатта камайди, бунда меҳнат унумдорлиги 13,5% ортади:

$$\begin{array}{r} 5 \times 100 \\ \hline 42 - 5 \end{array}$$

Меҳнат унумдорлигининг пасайишита таъсир қилувчи сабаблар ҳам ниҳоятда кўп. Масалан, улар қуидагилар:

- инвестицияни секинлик билан ўсиши;
- ҳомашё ресурсларини қийинчилик билан олинадиган жойларга сурилиши, ва камбагал бўлган, яъни таркибида фойдали моддалари кам бўлган ва майда конларни ҳўжалик оборотига жалб этилишини;
- агро-саноат комплекси самарадорлигини пасайиши;
- мудофаа ҳаражатлари ва мамлакатда тартиб ўрнатилиши билан боғлиқ ҳаражатлар миқдори;
- ташқи савдони ташкил этишдаги тўсиқлар баҳосининг пасайиши, экспорт ҳомашё салмоғини пастлиги, малака, тажрибани этишмаслиги;
- асосий фонdlарни эскилиги;
- инфратузилма соҳаларини (транспорт, алоқа, сугурта ва ҳ.к.ларни) секин ривожланиши;
- давлат интизоми, назоратни ва ижрочилик ишларини бўшлиги;
- ривожланган бозор муносабатларига секинлик билан ўтиш.

10.4. Корхоналарда иш ҳақи тўловларини ташкил этиши

Иш ҳақи бу бир бирлик меҳнатдан фойдаланиши учун тўланадиган ҳақдир, меҳнат бирлигининг баҳосидир. Иш ҳақи, ёки меҳнат ҳақи тўловлари аҳоли даромадининг асосий манбаидир.

Иш ҳақи номинал иш ҳақи ва реал иш ҳақига ажратилади.

Наминал иш ҳақи - ишчи ва хизматчиларнинг вақт бирлиги ичida (соат, кун, ой, йил) оладиган неъматлар ва хизматлар миқдоридир,

Реал иш ҳақи - маълум баҳо даражасида наминал иш ҳақига товарлар ва хизматлар ҳарид қилиши мумкин бўлган миқдоридир.

Улар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд:

Иш ҳақи даражаси бир қанча омиллар бўйича фарқ қолади:

- ходимлар касби, малакаси, қобиляти;
- меҳнат шароитларининг оғирлиги;
- фаолиятнинг тармоқ ҳусусиятлари;
- табиий-икълим шароитлар ва ҳудудий жойлашиши.

Иш ҳақини ташкил этишининг асослари, қуидагилар:

1. Меҳнатни техникавий нормаллаштириш. Иш бирлиги учун меҳнат ҳақи тўловлари миқдорини (баҳосини) аниқлашпа шундай меҳнат нармаллари ишлатилади.

2. Иш ҳақининг тариф системаси.

3. Ҳодимларни меҳнатлари ҳусусиятини ҳисобга олган иш ҳақисини ҳисоблаш учун зарур бўлган меҳнат ҳақи тўловларининг шакллари ва тизими.

Тариф системаси (тизими) меҳнатнинг сифати, ҳусусияти ва шароитларига боғлиқ ҳолда иш ҳақини дифференция қилиш ва бошқаришнинг нармативлари мажмуасини ташкил этади. **Тариф тизими уч қисмдан иборат:**

1. Тариф-малака қўлланмаси;
2. Тариф сеткаси;
3. Тариф ставкаси.

Тариф-малака қўлланмаси - бу ишларни тарифларга ажратиш ва ходимларга разрядлар бериши учун қўлланиладиган меъёрий ҳужжатdir. Бу ҳужжат ишлаб чиқаришлар ва иш турлари бўйича гуруҳларга ажратилган ходимларнинг барча касблари, ишлаб чиқаришлар ва иш турлари учун тузилган. Тариф - малакаларнинг тўпламиди. Бу тўплам ёрдамида турли хил мураккабликдаги ишлар, ходимлар малакасининг даражаси таққосланади, баҳоланади. ТМК си барча турдаги ишларни разрядларга ажратиш учун хизмат қиласди.

Тариф сеткаси - бу тариф разрядлари ва унга мос келадиган тариф коэффицентларини кўрсатади ва маълум хилдаги ишларни маълум, малака гуруҳларига киритиш имкониятини беради.

Тариф ставкаси - вақт бирлиги ичидә турли гурух өсөн категориядаги ишларга түланадиган мөхнат ҳақининг абсолют миқдорини аниқлайды.

Рахбарлик лавозимдагилар, мутахассислар ва ҳизматчилар категориясига кирга ходимлар мөхнатини баҳолаш учун тариф-малака қўлланмаси ишлаб чиқилган. Қўлланма ходимлар малакасининг характери ва мөхнатнинг моҳиятига мувофиқ ташкил этилган.

Малакалар тавсилоти бўйича қўлланма З қисмдан иборат бўлган талабларни ўз ичига олади: Лавозим бўйича мажбуриятлар; нималарни билиши зарур; малакасига талаблар.

Тариф ставкалари ва лавозимларга маошлар қўллананиладиган турли хил қўшимчалар:

- оғир ва зарапли ишлар, жуда оғир ва жуда ҳам зарапли мөхнат шароитлари учун;
- юқори даражадаги мөхнат интенсивлиги учун;
- иш вақтидан ташқари ишларга;
- касбларни алмаштириб ишлаш ва ҳизмат қўлламини кенгайиши учун;
- бригадага раҳбарлиги учун;
- юқори даражадаги касб малака маҳорати учун;
- ўта муҳим ва ўта зарур ишларни бажарип учун.

Иш ҳақини ташкил этишда вақтбай ва донобай иш ҳақи шакллари қўлланилиади.

Донобай ёки ишбай иш ҳақи бажарилган ишлар миқдори ва мөхнат бирлиги баҳосига боғлиқ бўлади. Бажарилган ишларни ҳисобга олиш ва нормаллштириш мумкин бўлган шароитда қўллананилади ўз навбатида у қўйидаги турларга бўлинади:

- тўғридан-тўғри бажарилган иш миқдорига ҳақ тўлаш;
- илғор-ишбай ҳақ тўлаш;
- эгри, ишбай ва оккорд йўли билан ҳақ тўлаш.

Вақтбай ҳақ тўлаш ҳақиқатда ишланган вақтга ва унинг учун белгиланган тариф ставкасига асосан ҳақ тўлашга боғлиқ бўлади.

Амалиётда мөхнатта ҳақ тўлашда Ўзбекистонда солик юкини ниҳоятда юқорилиги, ноқонуний асосда ходимларга ҳақ тўлашини корхоналар учун фойдали қилиб қўймоқда. Буни қўйидаги шартли мисолдан кўриш мумкин.

11-жадвал

Корхонанинг меҳнат ҳақи тўловлари (сўм ҳисобида)*

№	Қаторлар	Кўрсаткичлар	Ставка	Суммаси
1	2+6	Ажратилган иш ҳақи		145500
2	3+5	Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан солиқ ва взносларнинг олинган миқдори		45343
3		Жисмоний шахслардан даро- мад солиги – 13-32%	27,7%	40250
4		Жисмоний шахслардан касаба уюшмаси взноси – 1%	1%	1455
5		Жисмонии шахсларнинг иш ҳақидан мажбурий сугурта взнослари (нафақа фонди учун) – 2,5%	2,5%	3638
6	1-2	Солиқ ва взносларни тўлаган- дан кейинги ҳақиқий оладиган иш ҳақи		100157
7	8+10	Меҳнат ҳақининг кўшумча тўловлари		54127
8		Нафақа фондига ажратмалар	35%	50925
9		Бандлик фондига ажратмалар	1,5%	2183
10		Корхоналарни касаба уюшмаси взнослари	0,7%	1019
11	1+7	Корхона ҳисобидан меҳнат ҳақи тўловлари учун ажратилган пул миқдори		199627

* Журнал «Экономическое обозрение» №2; 2004 й. 18 бет.

Асосий иборалар ва тушунчалар

1. **Меҳнат унумдорлиги** – бу вақт бирлиги ичидаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ёки бир-бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кеттаниң вақт миқдоридир.
2. **Меҳнат ресурслари** – ақлий ва жисмоний меҳнат қилиши қобилиятига эга бўлган кишилардир, уларнинг меҳнат қобилиятиларидир.
3. «**Мутахассис**» тушунчаси – кадрлар касби доирасидаги меҳнат тақсимоти таъсирида юзага келади. Мутахассис деганда кишининг тор доирада иш бажарини усули, билимлари ва маҳоратлари йигиндисини тушуниш лозим.
4. «**Малака**» – қандайдир касб, мутахассислик ишларни бажариш учун зарур бўлган билимлар ва меҳнат маҳоратлари даражасидир.
5. **Иш ҳақи** – бу бир-бирлик меҳнатдан фойдаланиш учун тўланадиган ҳақдир, меҳнат бирлигининг баҳосидир.

Назорат саволлари

1. Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги тўғрисида тушунча.
2. Иш вақти баланси, унинг моҳияти ва зарурияти.
3. Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблаш усуллари.
4. Иш ҳақи тўловларини ташкил этиш тартиби.

ХІ БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАРАЖАТЛАРИ ВА КОРХОНА ФОЙДАСИ

11.1. Ишлаб чиқарип ҳаражатлари ва уларнинг таркиби

Ривожланган бозор муносабатларини шаклланиб бориши, камёбликни, айрим ишлаб чиқарувчилар якса ҳокимлигини тутатилиши билан корхона фойдасини оширишининг фақат битта йўли қолади - маҳсулот ҳажмини ошириш ва уни ишлаб чиқарип ҳаражатларини камайтириши.

Бозор муносбатлари шароитида турли хилдаги корхоналар, хўжаликлар самарадорликни ифодаловчи жуда кўп хилдаги «Кўрсаткичлар тизими»га мос ҳолда, уларни таъминланнига интилиб ишлай олмайди. Корхона фаолиятини баҳолашнинг оптималь мезонлари халқ хўжалитини шундай баҳолаш мезонларига мос келишини талаб қилиш маъқул эмас^{*)}. Ҳозирги даврда корхоналар юқори фойда ва рентабелликка эришиши учун таваккал қилиб, ташаббус кўрсатиб, мустақил равишда ишлаштига тўғри келмоқда. Шунинг учун фойда кўрсаткичини маҳсулот таннархини камайиши натижасида олинган фойда салмоғи билан тўлдириши лозим. Бу кўрсаткич корхонани ишлаб чиқарип ҳаражатларини камайтиришга бўлган қизиқишини оширади. Корхона фойдаси маҳсулот баҳосига ва уни ишлаб чиқарип ҳаражатларига боғлиқ. Эркин рақобат шароитида маҳсулот баҳоси ишлаб чиқарувчининг ёки истеъмолчининг ҳоҳишига қараб юқори ёки паст даражада бўла олмайди. Маҳсулот баҳоси бозорда талаб ва таклифнинг нисбатига қараб ташкил топади. Баҳо маҳсулот қийматига камдан-кам мос келади. Бугунги кунда баҳо назариясининг асосчиси ҳисобланган инглиз иқтисодчиси Альфред Маршалл (1842-1924) таълимотига биноан баҳо бир томондан фойдалилик, иккинчи томондан ишлаб чиқарип ҳаражатлари асосида шаклланади. Ишлаб чиқарип ҳаражатлари истеъмол қилинадиган меҳнат ва моддий ресурслар техника, ишлаб чиқарип ва меҳнатни ташкил этиш, табиий бойликлар уларни қазиб чиқарип шарт-шароитлари, усувлари каби омиллар даражасига боёлиқдир. Ҳаражатларсиз фойдага эришиб бўлмайди. Корхонанинг қиймат бирлигидаги маҳсулот ишлаб чиқарип ва уни сотиш бўйича барча ҳаражатлари маҳсулот таннархи деб аталади. Маҳсулот таннархи ҳаражатлар элементлари ва моддалари бўйича гуруҳларга бўлинади. Ҳаражатларнинг иқтисодий элементлари ҳаражатларни иқтисодий жиҳатдан ўҳшашлигини, йўналишини ифодалайди. Улар қўйидагилар:

- хомашё ва асосий материаллар;

^{*)} Экономика предприятия. Учебник под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А. Швандара ЮНИТИ. Москва.:2001, С. 135-136

- ёрдамчи материаллар;
- четдан олинган ёқилғи;
- четдан келтирилгандык энергия (улар ҳаммаси моддий ҳаражатлардир);
- иш ҳақи түловлари;
- ижтимоий сұгурта ажратмалари;
- асосий фонdlар амортизацияси;
- башқа молиявий ҳаражатлар.

Харажатларнинг элементлари ишлаб чиқариш ҳаражатлари бўлиб, ҳаражатлар сметасини тузишда зарур бўлади. башқа молиявий ҳаражатларга кўйидагилар киради:

- солиқлар, йигимлар, нобюджет фонdlар ва бюджетта ажратмалар. Улар маҳсулот таннархига кўшилади;
- корхона мулкини мажбурий сұгурта түловлари, банкнинг қиска муддатли ссудалари учун фоиз түловлари;
- маҳсулот таннархига кирувчи алоқа хизматлари учун түловлар, ёнғинни олдини олиш ва қоровуллик учун түловлар ходимларни тайёрлаш, ихтиро ва кашфиётлар учун мукофотлар, реклама ҳаражатлари ва ҳ.к.

Машинасозлик саноати корхоналарида маҳсулот таннархининг моддалари кўйидаги қисмлардан иборат:

1. Хомашё ва материаллар;
2. Сотиб олинадиган буюмлар ва ярим фабрикатлар ва башқа хизматлар қўймати;
3. Қайтариладиган чиқиндилар;
4. Технологик мақсадлар учун ёқилғи ва энергиялар;
5. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий иш ҳақи;
6. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг қўшимча иш ҳақи;
7. Меҳнат ҳақи маблагларидан бюджетта ва нобюджет фонdlарга ажратмалар;
8. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш ҳаражатлари;
9. Маълум мақсадлардаги асбоб-анжомлар емирилиши ва башқа маҳсус фонdlар.
10. Дастгоҳларни сақлап ва ундан фойдаланиш ҳаражатлари


Жаъми: Цех ҳаражатлари

11. Умумзавод ҳаражатлари;
12. Брак маҳсулотдан келган йўқотиши;
13. Коммерция ҳаражатлари

Жаъми: Маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражатлари

14. Ишлаб чиқариш билан бөглиқ бўлмаган ҳаражатлар

Ҳаммаси: Маҳсулотнинг тўла таннархи



Моддалар бўйича ҳаражатлар уларни нималарга, қандай маҳсадларда ишлатилишини кўрсатади. Улар айрим хил маҳсулотлар ва бутун товар маҳсулоти бўйича ҳаражатларни калькуляция қилиш яъни, режалаштириш учун ишлатилади.

Демак, ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган ҳаражатлар товар маҳсулотининг тўла таниархини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги бўйича ҳаражатлар: шартли-доимий ҳаражатларга ва шартли-ўзгарувчан ҳаражатларга бўлинади. **Шартли-доимий ҳаражатларга** ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши натижасида деярли микдори ўзгармайдиган, шу жумладан, хоналарни иситиш ва ёритиш, цех ва маъмурий бошқарув ходимларининг меҳнат ҳаки тўловлари, амортизация, умумхўжалик ҳаражатлари (солиқлар, тўловлар ва ажратмаларидан ташқари), коммерция ҳаражатлари (идишлар, буюмларни упаковка қилиш, тапши ҳаражатларидан ташқари) киради.

11.2. Ҳаражатларни фойда миқдорига таъсири

Маълумки фойда миқдори бир қанча омиллар таъсирида бўлади, улар ҳар хил даражада таъсир этади. Айниқса соф фойда миқдори бозор шароитида кредитларни молиялаштириш, ставка фоизларини аниқлашда муҳим аҳамиятта эга. Молиявий бошқариш нуқтai назаридан соф-фойда биринчи навбатда, корхона берилган молиявий ресурсларни қанчалик тўғри ишлатганингига, яъни улар нималарга сарф этилганингига боғлиқ. Иккинчидан, маблағлар таркибининг манбаларига боғлиқ. Биринчи ҳолат асосий ва айланма маблағларнинг ҳажми, тузилиши ва самарали ишлатилишида кўринади. **Маҳсулот таниархининг асосий элементлари** бу ўзгарувчан ва доимий ҳаражатлардир. Лекин улар ўргасидаги нисбат ҳар хил бўлади ва корхонани техника, технология соҳасида танлаган сиёсати билан аниқланади. **Маҳсулот таниархини тузилишини ўзгариши албатта фойда миқдорига таъсир этади.** Асосий капитални инвестициялаш доимий ҳаражатларни кўпайиши (назарий жиҳатдан бўлса ҳам) ва ўзгарувчан ҳаражатларни камайиши билан бирга кечади. Лекин уларнинг боғлиқлиги бир хил эмас. Шунинг учун доимий ва

ўзгарувчан ҳаражатлар ўтасидаги оптимал даражадаги боғлиқликни аниқлаш осои эмас. Худди шу боғлиқлик ишлаб чиқариш (ёки операцион) левириджи категорияси билан тавсифланади. Унинг даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш таваккалчилигини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш левириджи – бу доимий ва ўзгарувчан ҳаражатлар микдорининг нисбатини умумий ҳаражатлардаги салмоғи билан ифодаланалади.

$$L_{\text{иш}} = \frac{\text{TFC}}{\text{TVC}},$$

«Левиридж» - «Leverage» америкача ибора бўлиб, маҳсус адабиётларда кенг қўлланилмоқда.^{*)}

«Левиридж» қандайdir куч таъсирида оғир буюмларни кўтариш маъносини беради. Аниқроқ айтсан, маълум микдорлаги фойдани олишга бўлган ҳаражатларнинг таъсири кучини кўрсатади. Масалан, битта туманга келиб жойлашган икки корхона – бири «Нурли тонг», иккинчиси «Эстер» туристик фирмаси ҳақида қўйидаги аҳборотлар маълум. «Нурли тонг корхонаси» чучвара маҳсулотларини тайёрлайди, тортиб жойлаштиради ва ултуржи савдо қиласди. Бу ерда ўзгарувчан ҳаражатлар бўлиб чучвара учун хомашё, упаковка материаллари ва меҳнат ҳаражатлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш автоматлаштирилган туфайли бошقا ҳаражатлар маҳсулот ҳажмига боғлиқ эмас, шунинг учун доимий ҳаражатлар ҳисобланади. Иккинчи корхона – «Эстер» туристик агентлиги Европа давлатларидаги шаҳарлар бўйича автобусда туристик хизматларни амалга оширади. Ўзгарувчан ҳаражатлар бўлиб унда ҳар бир йўлланманинг нархи (комиссион мукофотлардан ташқари) бўлиб, бу ҳаражатлар туризм оператори ҳисобига ўтказилиади. Комиссион йигим микдори одатда ҳар бир тур саёҳат хизматидан 20% ни ташкил этади. «Нурли тонг» ва «Эстер корхоналарининг» 2005 йил 3 квартали бўйича молиявий натижаларининг шаклланишини куйидаги жадвалдан кўрамиз.

12-жадвал

«Нурли тонг» ва «Эстер» корхоналарининг 3 квартал 2005 йил бўйича молиявий натижалари

Кўреаткичлар	«Нурли тонг» корхонаси		«Эстер» фирмаси	
	Минг сўм	Пул тушимла-рига % ҳисобида	Минг сўм	Пул тушимла-рига % ҳисобида
1. Пул тушумлари	45000	100	45000	100
2. Ўзгарувчан ҳаражатлар	26000	58	36000	80
3. Қўшимча	19000	42	9000	20
4. Доимий ҳаражатлар	16000	35	6000	13
5. Фойда	30000	7	3000	7

^{*)} В.В Ковалев, О.Н. Волкова. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. «Проспект», Москва, 2002 С. 359.

Кўриниб турибдикى, олинган пул маблаглари ҳажми бўйича корхоналар бир хил (45000; 3000; 7). Аммо ҳаражатлар таркиби эса кескин фарқ қиласди. «Эстер» туристик агентлигига ўзгарувчан ҳаражатлар салмоғи 80% бўлса, «Нурли тонг» корхонасида 58%. Ҳисоблашлар қўйидаги натижаларни кўрсатади.

13-жадвал

Кўрсаткичлар	«Нурли тонг»	«Эстер»
- Зарарсизлик нуқтаси	27586	7500
- Ишлаб чиқариш левириджи ^{*)} (TFC/ TVC)	0,62	0,17
- Ишлаб чиқариш левириджининг самардорлиги	6,33	3,00

Жадвалдаги TFC – доимий ҳаражатларни, TVC – тўлиқ ўзгарувчан ҳаражатларни ифодалайди.

Зарарсизлик нуқтаси – корхона фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайдиган маҳсулот ҳажмини ифода этиш даражасидир. Кўрамизки, доимий ва ўзгарувчан ҳаражатларни қўплаб зарарсизлик нуқтасига чиқиши учун «Нурли тонг» корхонаси сотиш ҳажмини анчагина ошириши зарур (27586 сўм). У ҳолда «Эстер» фирмаси 7500 сўмлик йўлланма сотса кифоя қиласди. Шунда ҳам фойда олишини бошлайди.

Бундай мисоллар кўплаб ресурлар талаб қиласидан металлургия, темир йўл, сув транспорти, нефть қазиб чиқазиш соҳаларига тегиспли. Бундай корхоналарда доимий ҳаражатлар салмоғи анча юқори бўлади. (Ишлаб чиқариш левириджи юқори). Уларда бозор муносабатлари ҳолати яхши бўлмаса зарар кўриш эҳтимоли таваккалчилиги юқори бўлади. Ишлаб чиқариш левириджини юқори бўлиб чиқиши корхонани таваккалчилик билан иш кўришини кўрсатади. Лекин ҳаражатлар таркибида доимий ҳаражатлар салмоғини юқори бўлишини салбий ҳолат деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди. Сабаби бундай шароитда корхонада янги ишлаб чиқариш қувватлари киритилган, техникавий қайта куриш ишлари, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилган бўлиши мумкин. Сўзсиз бу хилдаги барча омиллар ижобий бўлиб доимий ҳаражатлар салмоғини оширади ва ишлаб чиқариш левириджи самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ўсишини таъминлайди. Ишлаб чиқариш левириджини самарадорлигини корхона пул тушумларини ўзгариши билан, унинг фойдаси билан ўзгаришини ифодалайди. «Нурли тонг» корхонасида ишлаб чиқариш левириджи 6,33% га teng. Бу шунни кўрсатадики, маҳсулот сотишдан келтан пул тушумларини 1% камайиши унинг

^{*)} В.Б.Каволев, О.Н. Волкова. Анализ хозяйственных деятельности предприятия. Учебник «ПРОСПЕКТ» М, 2002, С. 359.

В.А. Горемыкин, А.Ю Богомолов. Планирование предпринимательской деятельности предприятия. Метод. пособие. Москва, «Инфра -М», 1997, с.202-204.

фойдасини 6,33% га камайишига олиб келади. Пул тушумларини 10% кўпайиши фойда миқдорини 63,3 % га ўзгариради (10%х6,33%).

Шундай қилиб, корхона ёки фирмалардаги ишлаб чиқариши левириджининг даражаси – бу маҳсулот танинхархи тузилиши ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаририш йўли билан фойдадан фоизлар ва соликларни ажраттунча бўлган фойда миқдорига таъсир этишининг потенциал имкониятларининг тавсифидир.

Демак, маҳсулот сотишдан келган пул тушумларини ўзгариши фойда миқдорини кескин ўзгариради. Бундай ҳолат эса ишлаб чиқариш дастакларининг самарадорлиги деб аталади. Ўзгарувчан ҳаражатларни қонлагандан кейинги реализация ҳисобидан келган тушумларни фойдага ийсбати ишлаб чиқариш дастакларининг таъсир кучини кўрсатади. Умумий ҳаражатлар миқдори бир хил бўлганда ўзгарувчан ҳаражатлар қанча кам бўлса, ишлаб чиқариш дастакларининг таъсир кучи ҳам шунча кўп бўлади.


11.3. Корхона фойдаси ва унинг тақсимланиши

Фойда, даромад тўғрисида тушунча ва уни ҳисобламат тартиби. Ишлаб чиқариш самарадорлитини ҳар томонлама ошириш иқтисодиётни ҳозирги босқичида ривожлантиришнинг энг муҳим хўжалик вазифасидир.

Бу вазифани ҳал этиш максимал фойда берган маҳсулот ҳажмининг оптимал йўлларини танлаш бўйича қилинадиган ишларни давом эттириш билан боғлиқдир. Фойдани максималлаштириш тўғрисидаги тахминлар макроиқтисодиётда кўп ишлатилади. Чунки унинг ёрдамида корхона ва фирмаланинг хатти-ҳаракатларини (фаолиятини) аниқ башорат қилиш ва кераксиз мураккаб аналитик ҳисблашлардан воз кечиш мумкин.

Фойда - ишлаб чиқариш самарадорлитининг энг муҳим кўрсаткичидир. Корхоналар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуний хўжатларида кўрсатилишича: ҳамма турдаги корхоналарни хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич фойда (даромад)дир. Фойда (даромад) амартизация ажратмалари, қимматли қофозларни сотишдан тушган шул, меҳнат жамоаси аъзоларининг, корхона ва ташкилотлар, фуқароларнинг пай ва ўзга бадаллари, шунингдек бопиқ тушимлар корхона молиявий ресурсларини ташкил этувчи манбалардир. Фойда ва даромад тушунчалари бир хил эмас. Даромад миқдори фойдадан каттадир. Корхонанинг хўжалик фаолиятидан олинган даромад унинг ҳисобига қўйидаги қисмлар бўйича қўшилади:

- I. Маҳсулотни сотишдан келган соф тушум;
- II. Асосий фаолият натижаларидан келган даромад;
- III. Молиявий фаолиятдан келган даромад;
- IV. Фавқулоддаги холатлардан келган фойда.

Даромадни тақсимлаш тартиби*

* В.В.Кавалев, О.Н.Волкова. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. «Проспект», М; 2002, С. 277.

Уларнинг таркиби тўғрисида маълумотларни «маҳсулотни (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш, ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида»ги Кўлланмадан топиш мумкин. Сотилган маҳсулотдан келган соф тушум - бу даромаддир. Маҳсулот сотишдан келган соф тушумни аниқлаш учун (ишлар, хизматлар) сотишдан келган тушумдан қўшилган қиймат солиги (КҚС), акциялар қиймати, четта чиқарилган маҳсулот солиги кабилар айриб ташланади. Худди шу сотилган маҳсулотдан олинган соф тушум кўрсатгичи корхонани ўз ихтиёрида қолган даромадини кўрсатади ва бу даромад уйдан кейинги барча турдаги фойда кўрсатгичларини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс) фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қўйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

1. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда. Бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариши таниархи ўртасидаги тавоффут, фарқдир.

ЯФ = ССТ - ИТ, бунда:

ЯФ - ялпи фойда;

ССИ - сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариши таниархи.

2. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда - маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан даврий ҳаражатлар ўртасидаги тафовут ва асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ва заарлар фарқининг йигиндиси сифатида аниқланади.

АФФ = ЯД - ДХ + БЗ, бунда:

АФФ - асосий фаолиятдан олинган даромад;

ДХ - давр ҳаражатлари;

БД - бошқа асосий фаолиятдан олинган даромад

БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар.

3. Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (зарар) - асосий фаолиятдан олинган фойда ва молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарар фарқининг йигиндиси сифатида ҳисобланади:

УФ = АФФ + МД - МХ, бунда

УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромад;

МХ - молиявий фаолият ҳаражатлари.

4. Солиқ тўлагунча олинган фойда (СТФ) - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдага фавқулодда кўрилган фойдани қўшиб кўрилган зарар микдорини айриши билан топилади.

СТФ = УФ + ФФ - ФЗ, бунда:

СТФ - солиқ тўлагунча олинган фойда;

ФФ - фавқулодда фойда;

ФЗ - фавқулодда зарар.

5. Йилнинг соф фойдаси - солик тўлагандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади ва ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган соликни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошقا солиқлар ва тўловларни чиқарib ташланган ҳолда ифодаланади.

СФ = СТФ – ДС – БС, бунда:

СФ – соф фойда;

ДС – даромад (фойда) солиги;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг даромад (фойда) солиги бўйича солик солинадиган база қўйидагича ҳисоблаб чиқилади.

Солик тўлагунча бўлган даромад (Фойда)га «Маҳсулот (ишлар, хзматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-иловасида келтирилган бухгалтериядаги фойда билан солик солинадиган фойда ўртасидаги доимий тафовутлар қўшилиб, мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган харажатларни солик солинадиган базадан чиқарib ташлаш вақтидаги тафовутлар қўшилади ёки чегирмалар ва қонунчилликка мувофиқ солик имтиёзлари чегирилади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектларнинг 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботида ўз аксини топади.

Олмата шаҳридаги «Алькор» машинасозлик корхонасининг молиявий натижаларини қўйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

14жадрал

Олмата шаҳридаги «Алькор» машинасозлик корхонасининг молиявий натижалари (гинотетик маълумотлар)

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йили		Ҳисобот йили	
		Даромад	Харажат	Даромад	Харажат
1	Маҳсулотни сотишдан келган тушум. ҚҚС	245129 ---	29146	322946 ---	44308
2	Маҳсулот сотишдан келган соф тушум	215983		278638	
3	Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи		169778		253782
4	Ялпи сотишдан кўрилган фойда	46205		24856	
5	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси	47361	17104	24856	20697
6	Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижалари	30859		7117	
7	Солик тўлагунга қадар молиявий натижа			7117	
8	Фойда (даромад)дан ажратма-лар		18056		5081
9	Бошқа солик ва ажратмалар		256		201
10	Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар)	12547		1835	

Бу корхона спорт Билан шуғулланиш учун зарур бўлган 20 хилга яқин тренажор ускуналари ишлаб чиқаради.

Корхона иҳтиёрида қолган соф фойда қуидаги ишларга тақсимланади:

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- резерв фондини яратиш;
- диведентларни тўлаш;
- йил якунлари бўйича моддий мукофатлар бериш.

Тақсимланмай қолган фойда баланс пассивининг биринчи қисми бўлган «Хусусий маблагларни яратиш манбалари» қисмининг таркибида туради.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, корхона иҳтиёрида қолган соф фойда ҳисобот йилида анча кам бўлган. Сотилган товар маҳсулотлари рентабеллиги ўтган йили 18,8 % ($46205:245129 \cdot 100$); ҳисобот йилида ($24856:322946 \cdot 100 = 7,6\%$) бўлган, яъни салкам 2,5 марта паст бўлган. Бунга сабаб маҳсулот таннархи кескин ошиб кетсан, фойда таркибидаги ўзгаришлар эса коникарли бўлмаган.

Асосий иборалар ва тушунчалар

1. Самарадорлик - ресурслардан фойдаланиш маҳсулдор-лигини ифодалайди.

2. Мутлоқ (абсолют) самарадорлик - ҳар доим олинган натижани уни олиш учун зарур бўлган ҳаражатларга нисбатини ифодалайди.

3. Пировард даромад (MR) деб маҳсулот ҳажмини бир бирликка ўсиши (ΔQ) натижасида даромаднинг ўсишига ($\Delta R(Q)$) айтилади.

4. Ялпи сотишдан кўрилган фойда.

5. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда.

6. Умумий фаолиятдан кўрилган фойда.

7. Солиқ тўлашга қадар бўлган фойда.

8. Иқтисодий (соф) фойда - бу умумий пул тушумларидан барча ҳаражатларнинг фарқидир (Молиявий натижалар бўйича ҳисоботта қаранг Ф№2. Ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги кўлланмага, амалий маълумотларга мурожат қилинг).

9. Ялпи фойда - компаниянинг маҳсулот сотишдан келган пул тушумлари ва маҳсулот таннархининг фарқи.

10. Ялпи марка - фирманинг сотилган маҳсулотдан келган пул тушумларидан фоиз ҳисобидаги ялпи фойдаси.

11. Клиринг - ўзаро талаблар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш ўйли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш тизими.

12. Заарсизлик нуқтаси - чизмада маълум миқдорда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан кейинги ҳар бир маҳсулотнинг фойда келтиришини кўрсатувчи нуқта.

13. Заарсизлик нұқтаси – корхона фойда ҳам зарап ҳам күрмайдын махсулот қажмини ифода этиш даражасидир.

14. Заарсизлик нормаси – сотилған махсулотдан келган даромадни ишлаб чиқариш харажатлари билан тенг келишидир. Бунда «ноль даражадаги фойдага» эришилади.

Заарсизлик нормаси =
$$\frac{\text{Доимий харажаттар}}{\text{Махсулот бирлигининг баҳоси} - \text{Махсулот бирлиги учун узгарувчан харажатлар}}$$

15. «Левиридж» – «Leverage» америкача ибора бўлиб, махсус адабиётларда кенг қўлланилмоқда.

А. «Левиридж» – қандайдир куч таъсирида оғир буюмларни кўтариш маъносини беради. Аниқроқ қилиб айтганда, маълум микдордаги фойдани олишга бўлган харажатларнинг таъсир кучини кўрсатади.

Б. «Левиридж» – сотувчи ва харидорнинг бозорда ўз ўрнини сақлаш позицияси.

В. «Левиридж» – Операция «дастаги», компаниянинг асосий фаолият ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш қувватидан олган даромади ҳисобига фойдасини ўсип даражаси.

14. Ишлаб чиқариш левириджининг самарадорлиги – корхона пул тушумларини ўзгариши билан унинг фойдаси ҳам ўзгаришини ифодалайди.

15. Махсулот таниархи – бу корхонанинг қиймат бирлигидаги махсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича барча харажатларидир.

16. Трансакция – компанияларнинг ҳисоб рақамида акс этдирилган ҳар қандай операциялар.

17. Трансакцион харажатлар – компаниянинг савдо-сотиқ фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлар (акция, кўчмас мулк, ҳар қандай активлар).

18. Факторинг – компаниянинг қарзларини (унинг тўланмаган счетларини сотиб олиш ва мижозидаги пулларини йиғиши) сотиб олиш йўли билан молиялаштириш усули.

19. Дивидентлар – компания акционерлари учун ўз фойдаси (даромади) ҳисобидан солиқ тўлагандан кейинги тўловлари. Компания фойда олмаганда ҳам дивидентлар резерв фонди ҳисобидан тўланниши мумкин.

20. Баҳо рақобати – товар баҳосини ўзгаришиш йўли билан амалга ошириладиган рақобат курашининг бир туридир.

Назорат саволлари

1. Иқтисодий самарадорлик нима?
2. Фойда, иқтисодий фойда, пировард даромад қандай ҳисобланади?
3. Ишлаб чиқариш харажатлари билан фойда ўртасида қандай боғлиқлик бор?

4. Харажат турлари ва уларнинг моҳияти.

ИЛОВАЛАР

1-илюва

Иқтисодий таҳлил усуллари



2-илова

Корхона фаолиятининг молиявий натижалари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Базис даврида, % ҳисобида
1	Маҳсулотни сотишдан келган нуу тушумлари (КҚС ва акциз солиқларидан ташкари)	158017	248835	1543
2	Реализация маҳсулоти (ишлар, хизматлар учун харажатлар)	125312	171434	136,8
3	Сотилган маҳсулотдан олинган фойда	32705	72419	221,4
4	Бошқа реализациялар натижаси	-410	432	105,4
5	Реализация қилинмаган операциялардан келган даромад ва харажатлар	+148	-324	-
6	Балансдаги фойда	33263	72527	218,0
7	Корхона ихтиёрида қолган соғ фойда	22813	49001	214,8


3-илова

Ўзбекистон саноат тармоқларининг тузилиши

Тармоқлар	Солмоги, %	
	2000	2002
Саноат-жами Шу жумладан:	100,0	100,0
I. Электро энерергетика	9,5	7,6
II. Ёқилиғи	16,7	12,2
III. Қора металлургия	1,4	1,3
IV. Рантли металлурги	11,3	10,8
V. Кимё ва нефткимё	5,9	6
VI. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,0	10,0
VII. Ўрмон хўжалиги ва ёғочни қайта ишлаш	0,9	1,4
VIII. Курилиш материаллари	4,6	5,2
IX. Енгил саноат	20,1	20,4
X. Озиқ-овқат саноати	11,8	15,0
XI. Бошқа тармоқлар	9,6	10,1


4-Илова

Янги корхонани яратиш тартиби




5-Илова


Фирмалар маҳсулоти баҳосининг шаклланиши босқичлари



Баҳони шаклланишини белгиловчи асосий омиллар гурӯҳи



7-илова Сертификатлаш



8-Илова

Корхона мулкидан солик миқдорини ҳисоблаш

(квартал, ярим йил _____ йил)

200 ____ й.

T/p	Кўрсаткичлар	Солик тўловчининг маълумотлари	Солик ташкилотининг маълумотлари
1.	Ҳисоб давридаги солик тўланадиган мулкнинг ўртача йиллик қиймати		
2.	Белгиланган мулк солиги ставкаси		
3.	Ҳисоб даври учун мулк солиги миқдори (1 қат. 2 қат): 100-жами		
4.	Ҳисобот даврида бюджет ажратилган мулк солиги муддати бўйича бюджетга тўланиши зарур бўлган мулк солиги (3 қат-4 қат)		

(кун)

(имзо)

Бизнес режани тузини

Адабиётлар

1. И.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Мафкура хавфизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
3. И.Каримов Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. И.Каримов “Ватан равнақи учун ҳаммамиз масъулмиз” - Т.: Ўзбекистон, 2001.
5. И.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” - Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Конуни «Халқ сўзи» 2004 йил. 23 январь. 1-2 бет.
8. Фермер хўжалиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конуни. 1998 й. 30 апрель.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Конуни. 1998 й. 29 август.
10. “Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисида”ги Конуни, 1998 й.
11. “Ўзбекистон Республикаси ер кадастри” Конуни 1998 й.
12. “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришини рағбатлантириш ва ишлаб чиқарувчилар билан савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2002 й. 13 ноябрь
13. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик-процессуал Кодекси.
14. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси. - Т.: Адолат 1996.
15. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 29 август 438 т.р. Қарорига илова).
16. “Экономика предприятия” Учебник. 2-ое изд. Под ред. акад. МАН ВШ, проф. Семенова В.М.
17. Хрипач В.Я и др. “Экономика предприятия” Прокт. пособие. “Эконом Пресс” Минск.:2000.
18. “Экономика предприятия” Г.З. Сума.-Москва.:2000.
19. Кейлер В.А. “Экономика предприятия” Курс лекции.-Москва.:2000.
20. Семенов В.М., Баев И.А., Терехова С.А. и др. “Экономика предприятия” Под ред. проф. Горфинкеля, проф. Е.М.Купрякова - Москва.: Изд. объед. ЮНИТИ, 1996.
21. “Экономика предприятия”. Под ред. проф. О.И.Волкова, учебник.

- Москва.: ИНФРА-М. 1997.
- 22. В.П.Грузинов, В.Д.Грибов “Экономика предприятия”. Уч. пособие.
- Москва.: Фин и стат, 1997.
- 23. Г.И.Шепеленко. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. Изд. 2-ое, доп и перераб. Уч. пособие. Издат. Центр “Март”, Ростов на Дону.: 2000.
- 24. “Экономика предприятия”. Тесты, задачи, ситуации. — Москва.: 2001.
- 25. “Экономика предприятия” Учебник для ВУЗов Под редакцией Ф.К.Беа, Э.Дихтла, М.Швайтцерн. Перевод с немецкого, - М.: Инфра, 1999.
- 26. “Экономика предприятия”. Учебник проф. И.А.Сафонова — Москва.: Юрист, 1998.
- 27. К.Абдурахмонов (раҳбар), Н.Бозоров, Н.Волгин ва бошқалар, “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”. Дарслик, - Т.: Ўқитувчи, 2001.
- 28. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. С.Гуломов ва М.Шарифхўжаевларнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 2000.
- 29. М.Шарифхўжаев “Ўзбекистон: янги гоялар, янги ютуқлар” - Т.: “Меҳнат”, 2001.
- 30. В.С.Ефремов Стратегическое планирование в бизнес – системах. Москва.: «Финпресс», 2002.
- 31. В.В.Ковалев, О.Н.Волкова Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник – М.: «Проспект», 2002.
- 32. Заработка план на предприятии. З выш. Библ. Газ. «Налоговые и таможенные вести». Изд. Дом «Мир экономики и права», Ташкент.: 2003.
- 33. В.А.Горемыкин, А.Ю.Богомолов. Планирование предпринимательской деятельности предприятия. Метод. Пособие. Москва.: «Инфра-М», 1997
- 34. Е.К.Смирницкий. Экономические показатели промышленности. М.: «Экономика», 1990.
- 35. Меҳнат иқтисоди ва социологияси. и.ф.н., проф. К.Абдураҳмоновнинг таҳрири остида. Т.: «Ўқитувчи», 2001.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
I БОБ. Корхона иқтисодиёти фанининг моҳияти ва вазифалари	5
1.1. Корхона иқтисодиёти фанининг моҳияти ва уни ўрганишнинг зарурияти, аҳамияти	5
1.2. Фанинг вазифалари ва уни ўрганиш усуллари	8
II БОБ. Бозор иқтисодиётида корхоналар	11
2.1. Мехнат тақсимоти ва корхоналарнинг тармоқ хусусиятлари	11
2.2. Корхона ва фирмалар тавсифи ва уларни турларга ажратилиши	13
2.3. Корхоналар хўжалик фаолиятини ташкил этишининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари	23
2.4. Бозор шароитида корхоналарнинг ривожланиши мухити	25
III БОБ. Корхонанинг ишлаб чиқариши ва ташкилий тузилиши	29
3.1. Корхонанинг умумий ва ишлаб чиқариши тузилиши	29
3.2. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона тузилишини ўзгартириши (реструктуризация)	34
3.3. Корхоналар тузилишини таомиллаштириши йўллари	35
IV БОБ. Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиши	38
4.1. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва иқтисодий аҳамияти	38
4.2. Ишлаб чиқаришни ташкил этиши шакллари	39
4.3. Ишлаб чиқаришни рационал даражада ташкил этишининг асосий қоидалари (принциплари)	42
4.4. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнлари	46
4.5. Мехнат буюмларини ишлаб чиқаришдаги ҳаракати ва ишлаб чиқариши даври	48
V БОБ. Корхона фаолиятини режалаштириши	56
5.1. Режалаштиришнинг моҳияти ва вазифалари	56
5.2. Режалаштириши асослари	58
5.3. Корхонада стратегик режалаштириши	61
VI БОБ. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиши	65
6.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг моҳияти ва кўрсаткичлари	65
6.2. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқариши программасини шаклланиши	68
6.3. Янги товарлар яратиш стратегияси	70
6.4. Хўжалик шартномалари ва уларнинг бажарилшини баҳолани	72
6.5. Ишлаб чиқариш бўғинларида маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириши	78
VII БОБ. Маҳсулот сифати ва сертификатлаш	84
7.1. Маҳсулот сифати ва сифат кўрсаткичлари	84

7.2.	Маҳсулотни сертификатлаш	87
7.3.	Маҳсулот сифатини бошқариш	90
7.4.	Маҳсулот сифатини яхшилашнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ҳисоблаш усули	91
VIII БОБ. Корхона мулки ва мулкдан фойдаланиш		95
8.1.	Мулки ва мулкий муносабатлар	95
8.2.	Капитал тўғрисида тушунча	99
8.3.	Корхонанинг асосий капитали ва уларнинг тузилиши	103
8.4.	Корхонани ишлаб чиқарип қуввати ва уни ҳисоблаш	106
8.5.	Корхонанинг асосий капитали ва ишлаб чиқарип қувватидан фойдаланиш самарадорлиги	110
IX БОБ. Корхоналарнинг айланма капитали ва улардан фойдаланиш самарадорлиги		121
9.1.	Айланма капиталнинг таркиби ва тузилиши	121
9.2.	Айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ва уни баҳолаш усувлари	124
9.3.	Моддий ресурслар ва айланма маблагларни нормалаштириш	127
X БОБ. Корхоналарда меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи		133
10.1	Меҳнат ресурслари ва кадрлар таркиби	133
10.2.	Меҳнат ходимлари миқдорини аниқлаш	136
10.3.	Меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисобланни усувлари	138
10.4.	Корхоналарда иш ҳақи тўловларини ташкил этиш	142
XI БОБ. Ишлаб чиқарип ҳаражатлари ва корхона фойдаси		146
11.1.	Ишлаб чиқарип ҳаражатлари ва уларнинг таркиби	146
11.2.	Ҳаражатларни фойда миқдорига таъсири	148
11.3.	Корхона фойдаси ва унинг тақсимланиши	151
Иловалар		157
Адабиётлар		165

**Э. Эгамбердиев
F. Кудратов**

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ

Муҳаррир: Бозоров Э

Босишга рухсат этилди	01.12.04
Қороз бичими	30x42
Ҳисоб-нашр табори	10.5 б.т.
Адади	500
Буюртма	№ 159

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография
усулида чоп этилди.

700084, Тошкент, X, Асомов кўчаси 7-ый